

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
максус таълим вазирлиги

Тошкент автомобил-йўллар институти

Сарвар Қодиров

ИЛМ ВА МАЪНАВИЯТ

Институт ижтимоий-гуманитар фанлар
маркази томонидан нашрга тавсия қилинган

Тошкент «Зарқалам» 2004

Ушбу рисола маънавият ва унинг ўзига хос қирралари, мустақиллик моҳияти, миллий истиқлол мафкураси, комил инсон фазилатлари, устоз ва шогирд одоби каби мавзуларга бағишланади.

Рисолада ушбу маънавий масалалар ҳаётий мисоллар билан таҳлил қилинган ва Сиз азиз ўқувчини илм ва маънавиятга чорлайди.

Рисола талаба-ёшларга мўлжалланган.

Махсус муҳаррирлар: ал-Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби С.Эркинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси С.Умиров, Тарих фанлари номзоди Н.Жўрабоев.

МАЬНАВИЯТ НИМА?

Хўш, маънавият нима ўзи? Маънавият сўзи арабча «маъна» ўзагига бориб тақалади ва у маъно, мазмун, моҳият демакдир. Яна бошқа манбаларда маънавият хинд фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири бўлмиш «маънас» тушунчасига бориб тақалиши мумкин дейилади. Маънас санкрит тилида ақл демакдир. Тасаввуф таълимотида олам Худонинг тажаллиси дейилади. Худони англаш-кўнгилга мазмун баҳш этишдан бошланади. Сўфийлар-кўнгил кишиларидир. Кўнгилни поклаш, нафсдан кутилиш ва қусурларни енгиш моҳиятга етиш демакдир. Маънавият атамаси Шайх Жалолиддин Румий туфайли оммалашган. Алишер Навоий шеъриятида ҳам руҳоният ва маънавий сўzlари учрайди. Қисқача қилиб айтганда, маънавият пок виждан ва гуур билан яшаш демакдир.

Албатта, мустақиллик даврида маънавият тушунчасининг мазмун-моҳияти кенг кўламда ўрганилмоқда. Чунки, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган мақсад-юрт тинчилиги, ватан равнақи, ҳалқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби бир қатор муҳим масалалардан иборат. Кўриниб турибдики, миллий истиқлол мағкурасининг амалга ошиши ва одамларимиз учун ҳаёт-мамот масаласига айланишида маънавият муҳим аҳамият касб этади. Тафаккур янгиланиши ва кўнгил уйғониши киши мақсад-муддаосида муштараклик ҳосил қиласи. Ақл ва кўнгил ўзни англаш воситасидир. Маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у ижтимоий ҳодиса. У инсонда таълимтарбия, ички эҳтиёж, содда қилиб айтганда, жон қўйдириб ўқиш ва изланиш орқали вужудга келади.

Маънавият миллий мафкуранинг тўла маънода намоён бўлиши учун тамойил вазифасини ўтайди. Маънавият меваси - комил инсондир.

Чинакам комил инсонлар бош ғоямизни (миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси) амалга оширадилар, яъни озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этадилар.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида «Маънавият инсон руҳий оламини ифодаловчи тушунча. У кишининг фалсафий, хукуқий, илмий, бадиий, аҳлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Ички олами эса уни яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу истаклари, ҳисстуйғуларини ўз ичига олади. Ана шу ички олам маънавиятдир» дейилади. Албатта, сийрат гўзаллиги-эзгулик аломати. Ақли бутун, кўнгли пок инсон ўзини идора қила олади, яшашдан мақсади нима эканлигини, умр мазмунини нима белгилашини мушоҳада тарозисидан ўtkаза билади. Ватанни жонидан ортиқ севади, усиз ҳаётини тасаввур қила олмайди. Оддий қилиб айтганда, маънавият умр мазмунини белгилайди. Маънавият инсон учун оби ҳаётдир. Инсон сув ичмасдан яшай олмаганидек, маънавий бойликлардан баҳраманд бўлмай, унинг тамойилларини ўзлаштиrmай жамиятда инсонлардек яшай олмайди. Чунки, маънавият хулқ атвордан тортиб, юриш туришда инсонлар билан ўзаро муносабатда акс этади.

Қолаверса, маънавий етук инсоннинг кийиниши ўзини тутиши ва хатти-ҳаракати нафис хулқ-атворига ҳамоҳанг бўлади. Ваҳоланки, хатти-ҳаракатни ҳам расо ақл ва бегубор кўнгил бошқаради. Ҳозирги дунё инсоннинг қийматини бўйбасти, қиёфаси, кўриниши билан эмас, балки, маънавияти меваси интеллектуал салоҳияти билан белгилайди. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ёзади:

«Ўзбекистонинг келажаги буюк экан, буни фақат ҳар томонлама комил инсонларгина яратади. Маънавий қашшоқ одам фақат манқурт бўлиши мумкин. Манқурт эса на ватани билади, на онани танийди, унинг учун халқ деган тушунча қуруқ товушлар йигиндисидан иборат».

Яна шуни таъкидлаш керакки, ҳамма инсоннинг ички дунёси ҳам маънавият гўшаси бўлавермайди. Маънавият инсонга хос ҳодиса экан, унда ижобий фазилатлар жамулжам бўлиши керак ва бу билан киши ички дунёси бутунлиги, бақувватлиги, гўзаллигига эришилади. Қудратли ички дунёдан, уламолар айтганидек, «илоҳий нур», яъни зиё отилиб чиқади. Зиё инсоннинг интеллектуал тафаккур тарзида, хушхулқида, аҳлоқида, эзгу мақсад-муддаосида, интилишлари, изланишлари ва ҳаракатида намоён бўлади.

Абдураҳим Эркаев ёзади: «Маънавият инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр мурувват, адолат, тўғрилик, соғдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, ундан завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб инсоний хислатлар ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир». Маънавият нафақат ижобий хислатлар мажмуи, шу билан бирга ташқи салбий таъсирларга иммунитет ҳосил қилувчи ҳодиса ҳамдир. Демоқчиманки, маънавий етук, яъни комил инсон мантикий фикрлаш ва ўткир фаҳм-фаросат билан «усти ялтироқ» ижобийлик ортидаги салбий нуқтаи назарларни била олади. Бир қараашдан нима яхши-ю, нима ёмонлигини айта олади. Бундан ташқари уни сохта ғоялар билан алдаб бўлмайди. Инсон онгли фаолиятининг, тафаккур салоҳиятининг ҳар қандай шакли маънавият бўла олмайди. Инсон руҳий оламидаги муайян ижобий ижтимоий аҳамият касб эта оладиган фазилатларгина маънавият деб аталади.

Юртбошимиз маънавиятсиз инсоннинг бахти мукаммал бўлмайди деб таъкидлаган эдилар. Тўқислик, расолик, мукаммаллик, бахти бекамлик нима дегани? «Авесто»да ёзилишича, дунёда яхшилик қилган инсон чинакамига бахтга эришади. Унгача эзгулик билан ёвузлик курашаверади дейилади. Нега инсон азалдан бекаму қўст бахтга интилади? Шунинг учунки, бахтли инсон комиллик даражасига эришади. Комил инсон эса истеъоди ва билими билан тажриба орттиради, ўқиб изланади, меҳнат қиласиди ва ўзига зарур шароит ҳам яратади. Бу билан ҳеч кимдан кам бўлмайди. Алқисса маънавият бу инсон ақл заковати, руҳий, илмий, маънавий-аҳлоқий салоҳияти, юксак тафаккур тарзи ва қалбан гўзаллик самараси ўлароқ ҳосил бўлган комилликдир.

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

-Агар мендан «ХХ асрнинг буюк воқеаси нима деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан Ватанимиз мустақиллигига эришганлигидир» деб жавоб берардим. Мустақиллик арабчада эркин, озод деган маъноларни англатади. Президентимиз мустақиллик бу «ўз тақдири ва истиқболини ўзи ҳал қилиш, ўз ерига, ўз ер ости, ер усти бойликлариға эгалик қилишдир. Бу тенглараро тенг бўлишдир. Кенг дунёга даллоллар ва воситачиларсиз чиқишдир, халқаро муносабатларни ўрнатиш, мамлакатлар ҳамдўстлигига кўшилишдир» деб таъкидладилар.

Мустақиллик бу содда қилиб айтганда, ўз юртига эгалик ва истиқболини белгилаш хукуқидир. Мустақиллик озод мамлакатнинг дунё ҳаритасида намоён бўлиши ва жаҳон ҳамжамиятининг тенг хукуқли аъзоси сифатида қайд этилишидир.

Мустақиллик Қаҳрамон шоири миз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, елкамизга офтобнинг тегишидир.

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Аёнки, муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи - бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалардир. Президентимиз белгилаб берган вазифаларнинг устивор йўналишлари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» китобида батафсил кўрсатиб ўтилган.

Бу устивор йўналишлар қўйидагилардан иборат:

1. Энг муҳим устивор мақсад тенгсиз олий неъмат мустақилликни бундан буён асраб-аввайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади.
2. Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг худудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборатдир.
3. Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат.
4. Инсон ҳукуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қофозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишdir.
5. Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, яъни

«Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини ҳаётга жорий этиш демакдир.

6. Суд ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш.

7. Бу барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигини пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир, яъни демографик ва бошقا миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёsat олиб боришидир.

Зикр этиб ўтилган устувор вазифаларни амалга ошириш аввало ўзимизга, олижаноб мақсад-муддаоларимиз сари оғишмай, қатъият билан событқадам боришимизга, ташаббус ва тадбиркорлигимизга, нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

Мустақиллик ҳам маънавиятдир. Мазкур буюк қалриятни асраб-аввайлаш, ҳар биримизнинг эътиқодимизга айлантириш, ҳаёт мазмунини у билан белгилаш маънавий ҳодиса эмасми?

Мустақилликнинг муҳим белгилари қўйидагилардир:

-давлат дахлсиз ва ўз ҳудудига ва дахлсиз давлат чегарасига эга;

-давлат шахсларни фуқароликка қабул қилиш ва уларни фуқароликдан чиқариш, маҳрум қилиш ҳуқуқига эга;

-давлат ўз асосий қонуни - Конституциясига эга;

-давлат ҳокимияти уч асосий тармоққа бўлинади: қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият, суд ҳокимиияти;

-давлат ўзининг ҳарбий тузилмаси ва миллий қўшинига эга;

-давлат халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиб, хорижий давлатлар билан мустақил равишда алоқалар ўрнатиш ёки бу алоқаларни узиш ҳуқуқига эга;

-давлат ўз давлат бюджетига, ўз мулкига, молия ва солиқ тизимиға эга;

-давлат ўз хазинаси ва пул бирлигини миллий валютасини жорий қилиш хукуқига эга;

-давлат ўз жиноят ва фуқаролик, оила ва никоҳ, уйжой, ер, сув, тўғрисидаги қонунларга эга, шунингдек, суд тизими, суд тузилиши ва суд ишларини ўзи юритиш хукуқига эга;

-давлат рамзлари: давлат герби, давлат байроби, давлат мадҳияси ва ўз пойтахтига эга;

-давлат ўзининг асосий тили (давлат тили)га эга. Бу тил маҳсус қонун асосида ёки тарихан анъана бўйича аниқланади;

-давлат ўз тараққиёт йўлини, ўз номини ўзи белгилай олиш, ўз маъмурӣ тизимини ўзи белгилаш хукуқига эга;

-давлат сўров (референдум) эълон қилиши ҳамда ҳокимият ва бошқариш органлари тартибини белгилаш хукуқига эга.

Маънавият бу инсон тафаккурининг янгилиниши ва кўнгил ободлигидир. Қалб гўзаллиги, бунёдкорлик ва эзгуликка иштиёқ ҳам маънавиятдир. Албатта, ҳар бир инсоннинг нияти кўнглида акс этади. Кўнгил эса маънавият каъбасидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Ватан ободлиги кўнгилдан бошланади.

Маънавият инсон ташқи қиёфаси ва ички дунёси гўзаллигининг уйғулашуви. Маънавият инсон руҳини уйғотадиган, ўзлигини англатадиган нурдир. Президентимизнинг таъкидлашича «Маънавият инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, виждонини уйғотадиган кудратли ботиний кучдир».

Маънавият бу яратувчанлик, бунёдкорлик. Янада сода қилиб айтганда, маънавият эзгу ғоя, ташаббуслар билан яшаш, ижтимоий ҳаётда фаол бўлиш, ўз ғояларини реал воқеликда инъикос эттириш ва одамларга наф келтиришдир.

XXI асрда маънавиятнинг биринчи даражали масалага айланиши муқаррар. Маънавият бу маданият, маърифат, мафкура, гўзаллик ва ёруғ олам демакдир.

Авваламбор, яратганинг даргоҳида барча ҳалқлар, миллатлар тенгдир. Аммо, ҳар бир ҳалқнинг фақат ўзигагина хос бўлган хусусиятлари борки, у бой ўтмиш, қобилиятли фарзандлар, миллий услуб, қадрият ва фазилатлар, тафаккур тарзи, хулқ-атворида намоён бўлади. Ушбу жиҳатлар барча ҳалқларда турли хилдир. Жумладан, ҳалқимизнинг буюк тарихи, оламшумул қашфиётлари билан донг таратган аждодлари, бетакрор, оҳори тўкилмаган хусусиятлари, урф-одатлари, қадрияtlари фахрланишга арзигуликлидир.

Миллий ифтихор туйғуси қалбимизни бир зумда бўлсада тарк этмаган. Бу туйғу Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий каби бобокалонларимиздан мерос. Бу табиий қонуният. Миллий ғуурни ўзбек деган миллатнинг гултожини безаб турадиган марварид доналари, деб аташ мумкин.

Гап шундаки, азалдан бирор миллатни ер юзидан йўқотиш ёки попугини пасайтириш учун, аввало уни миллий ғуури ёки маънавиятдан маҳрум қилишган. Бу каби ҳодисалар бизнинг миллатимиз бошидан ҳам ўтди. Мустақилликка эришгач, биринчи галдаги интилишларимиз мозийни, шон-шавкатимизни, миллатимиз жамолини жаҳонга қайтадан кўрсатишдан иборат бўлди. Ана шу йўлда миллатнинг бошини бириктириб, жасурлик билан иш бошлаган инсон бу - Ислом Каримовдир.

Миллий ғуур манавият мевасидир. Содда қилиб айтганда, миллий ғуур-ўзбеклигидан, мустақил мамлакат фуқароси эканлигидан, дунё цивилизациясини тебратган бешик бўлмиш минг йиллар тарихига эга бўлган ватанда туғилиб, ўсанлигидан, буюк аждодлар вориси эканлигидан фахрланиш ҳиссидир. Риёзиёт илми Хоразмийдан, фалакиёт Мирзо Улугбекдан, жуғрофия-ҳандаса Берунийдан, ҳадисшунослик Ал-Бухорийдан, тафсир Ал-Мотуридийдан, тиббиёт Ибн Синодан, тасаввуф Абдуҳолиқ Фиждувонийдан, давлатчилик илми Амир Темурдан, луғатшунослик Маҳмуд Қошғарийдан куч-қувват олганини билиш, англаш ва бу билан ғуурланиш туйгусидир. Нафақат узоқ ўтмишдаги миллат фахри бўлган шахслар, балки бугунги кун қаҳрамонлари билан ҳам ифтихор қилиш ҳиссидир.

Миллий ғуурнинг муҳим шарти у фақат юракдагина қолиб кетмасдан, аждодларга муносиб ворислик сифатида инъикос этилиши ҳамдир.

Ҳеч шабҳасиз айта оламанки, ҳалқимиз ирсиятида ноёб қобилият ва ўткир зеҳн мавжуд. Тарихий тажриба ва бугунги кун таҳлилидан маълумки, истеъдод булоқлари ҳеч қачон қуриб қолмаган. Аксинча, асрлар давомида янги номлар, янги кашфиётлар ва нодир асарлар бўлиб бўй кўрсатган.

Академик Оқил Салимов фикрича, истеъдодсиз одам бўлмайди. Фақат қобилиятни юзага чиқариш учун шартшароит яратиш ва руҳлантириш керак.

Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам истеъдодли ёшларга ғамхўрликдир. Бундан ташқари, Президент «Ёшларга ишонаман, уларга таянаман, умидим улардан» дейиши билан бирга истеъдодли ўғил-қизларимизга зарур шартшароит яратиб бермоқдалар.

Бизнинг ёшлар янги асрга буюк аждодларимиз руҳи кўллаб турган бир авлод сифатида кириб бормоқда. Улар ўзбек халқининг, буюк ўзбек дараҳтининг XXI асрга ўсиб чиққан шоҳлари, мева бераётган тугунчаларидир.

Хўш, ўтган даврда мустақиллик кишиси шаклландими?

Ҳа, кўзи очик, ҳалол, пок, ўз халқининг асл фарзанди бўлган, миллий анъаналарни, ватан манфаатларини унутмаган, умуминсоний муносабатларда ўз мавқеини яхши англаган ўзбек йигити ва ўзбек қизи пайдо бўлди. Биз янги замон одами деб айтиётган бу авлодни мустақиллик берди. Ва биз бугун шундай одамлар борлигини кўриб, ҳис этиб турибмиз. Мустақиллигимиз масъулияти ҳам фидойи, бунёдкор ва ватанпарвар, ғурурли одамлар елкасида. Бу ижобий ўзгаришлар хусусида Юргашимиз Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган бир мажлисда шундай деб таъкидладилар:

«...одамларимиз янги шароитларда ишлаш тажрибасига эга бўла бошладилар. Кўпчилик раҳбарлар ва оддий ходимларнинг табиати, психологияси ўзгарди. Бугун дадил айтиш мумкинки, республика, вилоят ва ишлаб чиқариш даражасида ислоҳотчилар гуруҳи - эътиқоди бир, маслакдош кишилар гуруҳи шакллана борди. Бу йўналишда, ҳамжиҳат бўлиб, умумий мақсад дастурига амал қилган ҳолда ишлайдиган кишиларга халқ манфаатлари ҳамма нарсадан ҳам устунроқдир».

Қийинчиликлар бор. Улардан ҳеч ким кўз юмаётгани йўқ. Фақат уларни енгиш керак.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан маънавият умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Маънавиятимизнинг энг теран илдизларидан, ўқ томирларидан бири, албатта, Амир Темур сиймосидир.

Таассуфки, Темур сиймоси биздан яқын вақтгача бекитиб келинган! Соҳибқирон Темур ҳақида ёзма манбаларни ўрганиб борсангиз, шўро мафкураси фақат бизгагина Соҳибқирон номини ман қилиб қўйгани маълум бўлади. Ҳолбуки, жаҳон афкор оммаси, маърифатли олам Шарқ маънавиятини, жумладан Темур сиймосини ҳам ўрганишдан, у ҳақда асарлар яратишдан ҳеч қачон тўхтамаган. Яқинда инглиз темуршуноси Хильда Хукэмнинг «Соҳибқирон» номли китоби нашр этилди. Бу китобнинг муҳим аҳамиятларидан бири шундаки, Буюк Британия энциклопедиясининг Темурга бағишиланган боби ана шу асар асосида яратилган.

Соҳибқирон Темурнинг таҳсинга сазовар ишларидан бири, у Ҳиндистондан Болқонгача бўлган салтанатида қаттиқ интизом ва тартиб ўрнатган. Ўғрилик, қароқчилик бўлса, бутун масъулиятни ўша ернинг ҳокимига юклаган. Ҳоким ўзарконлари билан ё ўша қонунбузарни топиши ёки йўқолган молни 10 баробар қилиб ўзининг ёнидан тўлашга мажбур бўлган.

Бизни Темур бобомиз руҳи қўллаб турибди. Лекин бу шунчаки баландпарвоз гаплар деб ҳисобламаслигимиз керак. Бу аниқ ва бор ҳақиқат. Яъни, Темур бизнинг мудроқ туруримизни уйготди. Шунинг ўзигина бобомизнинг руҳи бизни қўллагани эмасми? Юрт Соҳибқирон сиймосини мамлакатимизга, ҳалқимизга қайтариш учун Темурнинг ўзидек катта жасоратта эга зотга муштоқ эди. Ана шундай зот Президентимиз Амир Темурни миллий қаҳрамонимиз, тарихимиз бунёдкори, энг буюк жаҳоншумул сиймолардан бири сифатида ҳалқимизга қайтаришдек савобли ишнинг бошида турди.

Мустақиллик бизга нима берди, дейилган саволга, у бизга бир қатор тарихий воқеалар қатори бобомиз Амир

Темурни, Имом-Бухорийни, Мангубердини ҳам қайтиб берди дейишимиз түғри бўлади.

Мустақиллик - маънавият булоғидан тўйиб-тўйиб ичиш имконини берди. Устозларга қаратиб Алишер Навоий томонидан айтилган ушбу байтни ўқигим келади, чунки у маънавият нурларини сочишга даъватдир.

*Хунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб туфроққами кетгумдир охир.*

* * *

*Одами эрсанг демагил одами,
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.*

Ҳар бир олим, ҳар бир мураббий, ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир декан, проректор, ректор ёшлар ғами билан яشاши айни муддао. Ахир, улар керакли билимни ёшларга бермасдан ўзи билан олиб кетадими?

Айрим иккичи, ночор талабалар билан суҳбат қургандаFaфур Fуломнинг ушбу сатрлари эсга тушади;

*Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзлар-да, халқа-халқа ёш.*

Ва мен уларни етим бўтага ўхшатаман, чунки улар кўп вақтини зое кетказиб, ўқимай-ўқимай, синов пайти халқа-халқа ёш билан домлалар кетидан баҳо қўйинг деб юрадилар. Домлаларнинг баъзи бир нопоклари билим бериш ўрнига уялмай нетмай таъмагарлик йўлига ўтадилар.

Шу пайтгача Оллоҳни эсламай юрган айрим талабалар эса қуйидаги байтни ўқиб йиглайлар:

*Ярқираб юлдуз ёнадур, тун қора бўлган сайин,
Ёдимга тангрим тушар, баҳтим қаро бўлган сайин.*

Танбал талабалар имтиҳонга тайёрланмай, баҳо ололмай баҳти қаро бўлган куни ёдига Оллоҳни олади. Мен

хоҳлар эдимки, уларнинг қалбида Оллоҳ ҳар сонияда бўлсин, баҳти қаро бўлмасдан илмга интилсин.

Пушкиннинг замондоши Гнедич: «Шоирлар бармоқларини сўриб тамадди қилувчи айиқларга ўҳшайдилар», деган экан. Мен эса «шоирлар» ўрнига «замонавий олим» деб ёзган бўлар эдим. Олим завқли меҳнат қўйнида (илмий иш ёки дарслик ёзаётганида) ўзини ниҳоятда баҳтиёр ҳис этади. Мендан энг баҳтли кунларингиз қайси? деб сўрасалар, албатта «дарслигим нашриётдан чикқан кун» деб айтган бўлардим.

Гёте ижод жараёнини қуидагича изоҳлайди: аввал соддалик, кейин мураккаблик ва яна соддалик. Бир француз олими: «Истеъдод-бу дид», деган экан.

Кейинги йиллар институтимизда илмий ишларда ва янги педагогик технологияларда сезиларли ривожланиш бўлди. Бу-ёшлар меҳнатидир. Бу ишларда ёшларнинг ўз мустаҳкам ўринлари бор. Уларни асраб авайлаб, ҳақиқий ижод йўлига бошлишимиз керак. Бу устозларнинг Ватан олдидаги бурчи. Агар мендан ижодкор учун энг муҳим фазилат нимада деб биласиз? деб сўрашса: Истеъдод, сўнгра меҳнатсеварлик дердим. Ижод бу йўқ жойдан барпо қилиш демак.

Беруний бобомизнинг «Кимки фақат аждодларга суюниб мақтанчоқлик қилса, у хурматга лойиқ эмас. Аждодлари ишини юксалтиришгина мақтовга арзиди» деган фикри бугунги кун учун бирдек аҳамиятлидир.

МАЊНАВИЯТ МОДЕЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҚИРРАЛАРИ

Биз киммиз? Насл-насабимиз ким? Аждодларимиз ким? Атрофимизда кимлар бор? Ёру-дўстларимиз қандай инсонлар? Биз нималарга қодирмиз? Қанақа ожиз

томонларимиз бор? Қандай йўл тутсак, аждодларга ярашиқ ворис бўламиз?

Занжирсимон саволлар ҳар биримизни сўроқламоқда. Албатта, уларнинг ҳар бири ўта муҳим саволлар. Комил инсон тараққиётимиз бунёдкори экан, демак, бу саволларнинг ҳар бири миллат тақдирига ҳам дахлдордир. Ҳа, ота-боболаримизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаларидан фурурланамиз. Аслини олганда, аждодларимиз билан фурурланиш ва уларнинг вориси эканлигимизни амалда исботлаш - булар эгизак тушунчалар. Биз икковини ҳам ёнма-ён олиб боришимиз зарур. Ахир келажак авлод ўзининг ким эканлигини, кимларнинг авлоди эканлигини билишлари керак-да. Биз нафақат улар билан фахрланиб юрамиз, балки аждодларимизнинг улкан илмий меросларини ўрганиб ўзимизда ривожлантирамиз, кейин уни авлодларга қолдирамиз. Буюк бобомиз Абу Райхон Беруний айтгандек, «Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар, зинадан-зинагача кўтариладилар, холос, жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради». Энг масъулиятли вазифамиз, бебаҳо меросни ўзимиз мукаммал даражада ўрганиб, авлодларга тўғри талқин қилган ҳолда ўз ҳолича етказишдир. Буни ҳеч қачон ёдимиздан чиқаришга ҳаққимиз йўқдир.

Хўш, аждодларимизга муносиб бўлишнинг миллий тамойили қандай бўлади? Мавзудан бир оз чекинаман. Японларда ва айрим давлатларда фарзандлари вояга етиш жараёнида ота-оналари уларга уқтиришади: «Сен келажакда нимага эришмоқчи бўлсанг, ўз ақлинг, ўз идрокинг орқали эришишинг мумкин». Бизнинг бор бойлигимиз ақлимииз, зеҳн-идрокимиздир. Ёшлигидан етук даражага етишгунча

онги шундай ғоялар билан тўлиб ўсаётган япон болалари ҳар доим интилишда, изланишда ва ҳаракатда бўлади. Натижасини қаранг, иккинчи жаҳон уруши вақтида катта талофат кўрган Япония ва Германия қисқа муддат ичидаганчалик даражада ривожланди, бунинг асосида албаттга ўша таълим-тарбия ётади. Ўз-ўзидан савол туғилади Бу жараён бизда қандай кечмоқда? Бизда ота-она ўз фарзандига айтади: «Болам сен келажакда фалон мутахассис бўлишинг керак». Кўп ҳолларда болаларнинг қизиқишлари, орзу-ҳаваслари инобатта олинмайди. Ахир, бола қандай қилиб қизиқмаган соҳасида етук мутахассис кадр бўлиб етишиши мумкин!

Биз ҳам ўзимизга хос ва мос миллий тамойилни яратишимиш зарур. Бола тарбиясига оиласада қаттиқ эътибор беришимиш ва бу масалага жиддий қарашимиш керак. Боланинг ёшлигидан бошлаб, унга ўз ота-бобоси ҳақида гапириш керакдир, балки. Бу борада Президентимиз ҳам ўз фикрларини айтганлар. «Ўз оиласи, насл-насаби билан фаҳрланиш, ватанпарварлик туйгусига ҳамоҳангидир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига дод туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаби обрўсини мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир».

Халқ оғзаки ижоди намуналаридан сўзлаб бериш боланинг савиясини кўтаради, ҳаётга бўлган қизиқишини оширади. Ёшлигидан «Алномиш» достони таъсирида ўсган бола ҳам алномишдай бўлишга интилади. Бола нимани кўрса, шунга тақлид қилишга интилади. Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, тарбия берадиган тарбиячи ёки ўқитувчининг энг аввало ўзи тарбия топган бўлиши керак. Сўзлаётганда бола қалбини жунбушга келтира олсин. Унинг ўзи биринчи галда ёш бола нуқтаи-назаридаги ибрат намуна

бўлсин. Шундагина бола буюк ўтмишнинг давомчиси, ажралмас кучи эканлигини ҳис этади. Зеро Юртбошимиз «Миллий давлатимиз, тараққиёт ва эрк учун курашган фарзандларини халқимиз янада кўпроқ билиши лозим» деганлар. Улар ҳақида теран мақолалар ёзилиши, китоблар чоп этилиши муҳим вазифадир. Бундай буюк аждодларимизни фарзандларимизга танитишнинг янги йўлларини излашимиз даркор. Токи, ўқитувчи, мана болалар, боболаримиз буюк инсонлар бўлишган, деб айта олсин. Ўзбек халқида «бир болага етти маҳалла ота-она» деган гап бор. Демак, фарзанд тарбиясида маҳалла ва жамоатчиликнинг ҳам муҳим ўрни бор. Ёш бола ўз фикридан кўра кўпроқ катталар фикрига, айниқса, кекса онахон-отахонларнинг сўзларига жон дили билан ишонади. Уларнинг айтган ўтитлари бола хотирасида абадий муҳрланиб қолади. Уларнинг ҳам бевосита ёш авлод тарбиясига таъсири катта. Йўл четларида, пештоқларда боболаримизнинг хикматли сўзларидан иқтибослар келтирилган плакатларни кўпайтириш зарур. Бу борада «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг ҳам муносиб ўрни бор, уюшма ҳам қўлдан келганича ҳаракат қилиши, олис-олис қишлоқларгача кириб бориши лозим. Ахир мақсадимиз битта - Ўзбекистонни буюк эртасини яратиш, бу мақсад йўлида бутун жамиятимиз бирлашиб, ўзига хос изчиллик институтини шакллантиришимиз лозим. Бу тизим шундай бўлиши керакки, бола туғилиб токи комилликка эришгунга қадар четда, яъни бўшлиқда қолмасин. Бу долзарб масалани ҳал этишда оила, боғча, мактаб, маҳалла, музейлар, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» марказлари, оммавий ахборот воситалари, олий ўқув юртлари, бутун жамоатчилик, бутун жамият бир тану-жон бўлиб ҳаракат қилиши лозим. Шундагина биз аждодларга

муносиб ворис бўлиш миљий тамойилни яратган бўламиз ва ўз-ўзидан муносиб ворисликни ички эҳтиёжи пайдо бўла бошлади. Биздаги биринчи табиий эҳтиёж томирларда оқаётган қонимиздир. Иккинчиси эса жамиятдаги тарбиявий восита орқали вужудга келтирилади.

Президентимизнинг ёшларни аждодларга муносиб қилиб тарбиялашда ўзига хос юбилей моделини танлангани бежиз эмас. Чунки ёш авлод бу байрамлар орқали, кимнинг авлоди эканлигини ва ота-боболари нималарга қодир бўлганлигини, улардан қандай мерос қолганлигини англаб етади ва ўзида катта ишлар қилишга иштиёқ сезади. Албатта, илдиз қанчалик чуқур бўлса, дараҳт шунчалик мустаҳкам ривожланади.

Юртбошимиз ташаббуси билан 1994 йил Мирзо Улугбек, 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Қолаверса, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Абу Мансур ал Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, ал-Марғиноний, Ал-Бухорий, Абдухолиқ Фиждувоний, Жалолиддин Мангуберди, Хўжа Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Феруз, Огаҳий юбилейлари катта тантана сифатида нишонланди. Аждодларимиз қўли билан яратилган «Алпомиш» достонининг 1000, «Авесто» китобининг 2700 йиллиги, Хива ва Бухоро, Термиз шаҳарларининг 2500, Шаҳрисабз ва Қаршининг 2700 йиллиги тантана қилинди. Бу каби хайрли ишлар давом этмоқда.

Мазкур тўйлар ҳам ёшларимиз тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу саналар муносабати билан ўрнатилган ёдгорликлар ҳам фахр-ифтихор туйғусини ўйғотади.

Президентимиз таъкидлаганлариdek, Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг асосий негизларидан бири,

халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Аждодларимизнинг шон-шуҳратини қайта тиклаш баробарида биз ўз-ўзимизни таний бошладик, ким эканлигимизни ҳис этдик. Айниқса, бу борада боболаримизнинг босиб ўтган шарафли йўллари ибрат бўлмоқда. Ўтказилиб келаётган тадбирлар орқали уларни бизга қолдирган улкан мероси юзага чиқмоқда. Бундай тадбирлардан бир нечтаси «ЮНЕСКО» ташаббуси билан жаҳон миқёсида нишонланмоқда. Улар яратган асарлар бир қанча хорижий тилларга таржима қилинди. Қувончлиси, аждодларимизнинг хорижда сақданаётган қўлёзмаларини мамлакатимизга қайтариш юзасидан маҳсус ҳайъат иш олиб бормоқда. Буларнинг барчасини ёшларимиз кўриб билиб турибди. Булар ҳаммаси ёшлар онгига Юсуф Хос Хожиб таъбири билан айтадиган бўлсак: «ўқув пайдо бўлса, улуғлик бўлар» гоясини сингдираяпти. Кўзлаган мақсадимиз ҳам шу.

Албатта, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камоллидин Беҳзод, Маҳмуд Қошғарий, Абдулла Қодирий, Усмон Носир номидаги давлат мукофотларининг таъсис этилиши, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди орденларига асос солиниши ҳам аждодларга муносиб авлод бўлишга қаратилган тадбирларнинг узвий давомидир. Президентимиз ташаббусси билан Ҳирот шаҳридаги буюк бобомиз Алишер Навоий мақбарасининг таъмирланиши савобли ишдир.

Президентимиз таъкидлаганларидек: «Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой, бутун жаҳонга машхур бўлган Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Абу Мансур ал Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Марғиноний, Ал-Бухорий, Жалолиддин Мангуберди, Феруз, Оғаҳий каби кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати

оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халқча бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улут номлари, халқ хотираси ва унинг тақдирида муносиб давом этишга лойиқдир».

Юртбошимиз буюк аждодларимиз номини ёйиш билан бирга ёшларимизга ибрат бўладиган бу улуғ боболар йўлидан бораётган бугунги кун қаҳрамонлари - салоҳиятли инсонлар фаолиятини ўрганиш, уларни умумхалқ минбарига олиб чиқиши зарурлигини уқтириб ўтдилар.

Институтимизда ҳам дунё тан олган олимлар бор. Тарабаларни уларнинг ортидан эргаштиришни истасак, фаолиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш билан бирга, институт музейи хузурида «Таникли олимлар» кичик музейи очсан, ўйлайманки, бу ишлар нафақат ёшларимизда ҳавас уйғотади, балки устозлар йўлидан боришга ҳам даъват этади.

КОМИЛ ИНСОН ВА КОМИЛЛИК

Комил инсон тушунчаси миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларидан бири. Чунки, ёшларимизни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш асосий мақсадимиз ва вазифамиздир. Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи сultonия» асарида, ёшликтан инсон руҳини парвариш қилиш орқали гўзал хулқ-атвор ва фазилатларни шакллантириш комиллик калити эканлигини ёзади. Элдан яширин бир иш қилмаслик, одамлар билан хушфеъл бўлиш, аҳдга-вафо қилиш, барчани ўзидан афзал кўриш, камтаринлик, саҳоватпешалик, олижаноблик ва халқ хизматига камарбасталик баркамол инсон хислатларицир. Инсон оила муҳити, маҳалла куй, боғча, мактаб, лицей, коллеж, олий ўкув юртларида таълим-тарбия воситасида комиллик хусусиятларни ўзлаштиради ва шакллантиради.

Ўзбекистон телеканалида уюштирилган сұхбатда хәёлимдан ана шулар ўтди. Мулоқотда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети магистрантлари теран ҳамда танқидий мулоҳазаларга бой фикрлар билдириши. Уларга ҳавасим келди. Бизнингча, яхшилаб ўйлаб олиб япон ва корейс ёшлари каби жонни жабборга бериб ҳаракат қиладиган давр келди. Президентимиз ҳар сафар таъкидлаганидек, «агар ёшларимиз интилувчан, мәхнаткаш, билимли, комил инсон, маънавий бой бўлмас эканлар Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлмайди!». Бу ҳақиқат. Лекин бунга қандай қилиб эришиш мумкин? «Раҳбарларимиз пок, ҳалол, ўта масъулиятли, ватанпарвар, фидои инсонлар бўлмас экан, ривожланиш бўлмайди. Озига сабр қилиб Ватан равнақи йўлида жонини жабборга бермас эканлар келажагимиз йўқ!». Бу адолатли талабни ҳамма бажарагяптими?

Тарихга бир назар солайлик: Япония, Фарбий Германия, Жанубий Қурдия иккинчи жаҳон урушидан сўнг қай аҳволда эди-ю, ҳозир қандай? Бу феноменга қандай эришилди? Буни мўъжиза деб атайдилар. Қисқа давр ичida дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш сабаби нимада? Бу филоийлик, поклик, ҳалоллик, тартиби-интизом, бурчга садоқат, сабр-матонат билан Ватан равнақи йўлида яшаш, фақат ҳалқ манфаатини ўйлаш самараасидир. Маълум бўлдики, Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси ойнаи жаҳон орқали чиқишида ўз фаолиятини 50\$лик ойлик билан бошлаган, ваҳоланки, шу даврда бошқа раҳбарларнинг маоши 20-30 баробар кўп бўлган. Демоқчиманки, раҳбар фидоий бўлса, юрт гуллаб яшнайди.

Японияликлар энг аввал ўз эҳтиёжларини қондириш учун миллий саноатни тикладилар, яъни маҳсулотлар билан ички бозорни таъминладилар. Ўзлари тўйганларидан сўнг

сифатли моллар ишлаб чиқариб, чет элларга сота бошладилар. Ҳозирда япон маҳсулотлари (автомобил, телевидеоаппаратуралар ва ҳ.к.) дунё бозорининг кўп қисмини эгаллаган десак муболага бўлмайди.

Бизнесменлар ўртасида бир-бирига бўлган ишонч жуда кучли, чунки уларнинг қонида алдаш ҳисси йўқ! Миллион долларлик битимлар телефон орқали тузилишига нима дейсиз? Агар бизнесмен бирор марта ўз сўзининг устидан чиқмаса, бизнес оламини тарк этади. Ана шундай мустаҳкам тамойил тараққиётни таъминламоқда.

Япония ёшларининг ёнига Жанубий Қурия, Хитой, Малайзия, Исройл ва бошқа ривожланган давлатларнинг ёшларини ҳам қўшиш мумкин. Бу давлатларнинг ёшлари XXI асрда бизнинг янги ажойиб технологияларимиз бутун дунёни эгаллади, деб яшамоқдалар.

Ўзбекистон ёшларига келсак ва уларнинг дунёқарашлари билан бир танишсак фойдадан ҳоли бўлмас эди. Мен 41 йилдан бери ёшларга билим бериб келаман. Табиий савол тутилади: «Ҳозирги ёшлар қандай?» Иккilanмай ва таассуф билан айтаманки, билимга чанқоқлари кам. Олий ўқув юртларида улар бор йўғи 1-2%ни ташкил этади. Аксарияти, фақат диплом олиш учун ўқимоқда. Сабаб нимада дейсизми? Назаримда кўпчилик мактабларда чуқур билим берилмаяпти! 180-170 балл олиб институтга тавсия этилган абитуриентлардан $2\frac{1}{3} + 3\frac{3}{4}$ неча бўлади десангиз, у бирга тенг деб ёзиб берса, айни кимдан қидиришимиз керак. Менимча тестларга жавоб тайёрлаб сотаётган нопок ўқитувчилардан... Тест имтиҳонларини ким олган? Давлат тест маркази! Улар ҳам ўйлаб кўришсин. Тест маркази фаолиятини қайта ташкил қилиш керакмикан? Ҳақиқатни айтиш керакки, дастлабки йилларда тест билан имтиҳон олиш адолат мезони бўлди. Лекин йилдан-йилга

билим сифати туша бошлади, (мен балларни эмас ҳақиқий билимни назарда тутаяпман). Шпаргалкалар тестда хүфёна ишлатилмоқда. Хокимият орқали таклиф қилинган вакиллар эса бепарво. Қандай курашиш керак?! Очиғини айтсам, билмайман!

Юзлаб «иктидорли» деб ўйлаган талабаларимиз институтдаги синовлар рейтинг тарозисида қониқарсиз баҳо олиб чиқмоқда. Уларни институтдан ҳайдаб бўлмаса, айтинг нима қилиш керак? Деворнинг пойдевори бўлмаса қулайди-ку! Институтда бундай талабаларга хафтасига математикадан қўшимча 6 соат, чизма геометриядан 4 соат, химиядан 2 соат, устига-устак қишки таътилда 15 кун қўшимча дарс берилади. Бундай катта маблағ сарф қилиб, қилинган ҳаракатлар кўзда тутилган самарани бераётгани йўқ. Чунки, айрим талабаларда ўқишга иштиёқ суст. Бу муаммони Ўзбекистон олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Давлат Тест маркази билан бирга чукур таҳлил қиласа яхши бўлар эди.

Пок, соғдил, билимли муаллимлар ҳақида қайгуриш керак. Агар ўқитувчи «1 кило гўшт учун пулни қаердан топаман?» деган хаёлда юрса, у ҳеч қачон пухта билим бермайди. Отасининг пули бор ўқувчи репититорга бориб, кўр қоридай тест ёдлаб, маҳсус тайёрланган шпаргалкалар ёрдамида баҳосини олиб чиқаверади. Сифат эса тушаверади. Буларни эътиборга олиб, олий таълим вазирлиги имтиҳон сессиясига ёзма якуний назорат киритди, лекин натижা кўнгилдагидай эмас, талабаларда батафсил ва атрофлича фикрлаш қобилияти суст. Китоблардан, маъруза матнларидан кўчирмакашлик авжида. Институт тест маркази томонидан олинган якуний назорат ишларининг кўпчилиги бир хил. Чунки битта манбадан олинган-да!? «Кўчир-кўчирга йўл

қўйсак, ёшларимиз илм эгаллашда бир қобиқга кириб, қотиб қоладику?!

Назаримда, ҳар бир олий ўқув юртинг асосий фанларидан тест эмас, балки ёзма имтиҳон қўйиш маъқул бўлармиди. Ёки мутахассисликлар бўйича ижодий имтиҳон қўйилса, ўқувчи оз-оз бўлсада, ўзи қизиқсан соҳага оид муайян тасаввурга эга бўлармиди, ўқиб изланармиди?! Ҳозирчи? Ачинарли томони шуки ўқувчи бир амаллаб талаба бўлишни, талаба эса бир амаллаб институтни тугатишни хоҳлади. Уларнинг бутун эътибори ана шунда. Ҳолбуки, толиби илм бор кучини, иқтидорини мутахассисликнинг сир-синоатларини ўрганиш учун сарфлаши лозим. Бунинг учун талабанинг онги ва ниятида табиий эҳтиёж бўлиши айни муддао. Табиий эҳтиёж эса институтгача шаклланиб бўлади. Гарчи ота-она осмондаги ойни олиб берадиган даражада шароит яратсада, ўғил-қизда бунга кўнглида хоҳиш бўлмаса, кучли мутахассис бўла олмайди. Бундай салбий ҳолатни тан олишга мажбурмиз.

Мақсадимиз: олий ўқув юртига фақат билимли, мустақил фикрловчи ўқувчиларни қабул қилиш. Билимли ўқувчилар кейинчалик етук мутахассис бўлиб етишадилар ва ватан равнақига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Гоҳида жуда алам қиласи. Ёшларнинг аксарияти нега лоқайд. Ватан олдидағи бурчини тушунавермайди? Ота-онасининг ғамхўрлигини қадрламайди? Давлатимиз яратиб берган имкониятлардан тўлиқ фойдаланмайди? Кўнглимни ана шундай мураккаб муаммолар ғаш қиляпти. Ёшларимиз билими саёзлигининг асосий сабабчиси ўқитувчилармикан деб ўйлайман. Шунинг учун ректор сифатида янгитдан қабул қилинаётган педагогни қатъийлик асосида жиддий сухбатдан ўтказаман. Қотиб қолган, билими бўш ўқитувчилар ўз устиларида ишламасалар, баҳридан ўтияпмиз. Мамнуният

билин айта оламанки, институтимизда кучли педагог-үқитувчилар жамоаси шаклланган. Муаммонинг яна бир томони борки, талабанинг ўзида интилиш, изланиш, хайрихоҳлик, қизиқиш бўлмаса, ўтилаётган фанлар қулоғига кирмайди, яна такрор айтмоқчиман, истеъоддлар танланиб қабул қилинмас экан, бу муаммо очиқлигича қолаверади. Институтимизда етук билим олиш учун барча шароитлар яратилган. Қарс икки қўлдан чиқади.

Мақсадимиз баркамол инсонни тарбиялашдир. Унинг асосий шартларидан бири билимдонликдир. Юртбошимиз баркамол инсоннинг тўрт жиҳатига ургу беради:

-ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;

-ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларни ишга солиб самарасини кўрсин;

-атрофига содир бўлаётган воқеаларга мустақил муносабат билдира олсин;

-шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин (Ислом Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Т. Ўзбекистон 2000 йил. 232-233 бет).

Комилликка интилиш ички эҳтиёж мевасидир. Чунки, инсон ўз камчилик ва нуқсонлари, нафсини енга олсагина баркамолликка етишади. Бу биринчи галда, ўз-ўзини тарбиялашдан ва устозлар берган билимни қалбга жо қилишдан бошланадиган жараёндир. Комиллик бу мартабадир.

Азизиддин Насафий ёзади: «Комил инсон шундай инсондурким, унда қўйидаги тўрт нарса камолотга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши аҳлоқ ва маориф». Кўриниб турибдики, ушбу сифатларга эга инсон ҳеч қачон

кам бўлмайди, аксинча обрў-эътиборли, ошиғи олчи ва бири икки бўлади.

Маънавиятнинг яна бир номи руҳониятдир. Назаримда, руҳоният руҳонийлик эмас, руҳ кишиси, ўз-ўзини англаган, тарбиялаган инсондир.

Инсон борки, хато қилади. Беайб парвардигор. Шунинг учун, дунё яратилибдики одамзот хато қилмасликка содда қилиб айтганда, комилликка интилади.

Комил инсон ва руҳ кишиси - бир хил тушунчалардир. Вужуд нафсга эҳтиёж сезади ва хато қилади. Руҳ учун эса озиқланиб турувчи куч озодлик. Комиллик ҳам ўз-ўзини тарбиялаш илмидир. У ўзини ўйламайди. Ўз манфаатларини ҳеч қачон устун қўймайди. Шиори ҳалоллик ва поклиkdir. Тасаввуф шайхи Мансур Халлож тариқатнинг еттинчи, яъни «йўқ бўлиш» (нафсдан кутилиш) мақомида «аналҳақ» «мен худоман» деб юборади. Олим Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, бу билан шайх мен нафсимни енгдим, пок ва комил, беайб бўлдим демоқчи бўлган, холос. Инсоният пайдо бўлиптики, ўзибўларчилик, мол-дунёга хирс қўйиш каби кусурлар «беайбликка» тўсиқдир. Комиллик билан «беайблик» синоним сўзлардир. Айтмоқчиманки, комиллик ўз камчиликларини тузатишдан бошланади. Кўпинча инсонлар хатони била туриб, қилишади, бу кўрлик эмас, балки тубанликдир. Кўзни юмгил, кўзга айланасан кўнгил, деган – Жалолиддин Рўмий. «Комил инсон деганда дейди Юрбошимиз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз».

Абу Наср Фаробий ёзади «Камолотга эришув унинг ҳаракатларига, билим ва фозил жамиятда яшашига боғлиқ». Комилликка йўл ҳар бир инсонинг ўзидан бошланади.

Жамиятда комил инсонлар кўпайиб борган сари мамлакат гуллаб-яшнайди.

ҲАЁТНИ ЎРГАНМАСДАН ТУРИБ

Ҳар сафар қўлимга қалам олганимда, хаёлимга тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган муаммолар келади. Бу муаммолар инсон табиати билан боғлиқ маҳаллийчилик, ўзибўларчалик, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик, уқувсизлик кабилардир. Юртбошимиз Сирдарё вилояти депутатларининг навбатдан ташқари сессиясида бунга яна бир бор ургу бериб, қуйиниб гапирдилар: «Умидим ёшлардан. Улар менинг ифтихорим, таянчимдир. Шунинг учун ёшларимиз фақат чет тилини мукаммал ўзлаштирасдан, балки ҳаётни ҳам чукур ўрганишлари керак».

Ҳаёт наст-баландлик, ўнқир-чўнқир ва ғадир-будурликдан иборат. Чунки, у кафтдек бир текис эмас. Ҳаётни ўрганиш кўпикдек сув юзасида юрмасдан, халқ ичига кириш демакдир. Халқда «ҳаётдан узилиб қолибди» деган гап бор, бу босар-тусарини билмайдиган, димогдор кишиларга нисбатан айтилади. Ҳаётни ўрганиш одамлар дарди билан яшашдан бошланади. Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин. Чунки, ҳаётни ўрганиш учун, китоб ўқиш, билим олиш ва малака ошириш етарли эмас. Китоб бу ҳаётдан олиб ёзилган бўлса ҳам, унинг ўзи, тайёр нусхаси эмас, кино ҳам реал воқелик бўла олмайди. Чунки, унга бўрттирма ва тўқима образлар ҳам қўшилади. «Ҳаёт қозонида қайнаш» пишишчиникиш демакдир. Ҳаёт-тарбия мактабидир. Дунёда одамлар турли хил, кимдир дўст, кимдир душман, аллаким мунофиқ. Бирор бирорвга жабр қиласи. Афтодаҳол бечора бошини ургани жой топа олмайди. Аллақайси амалдор муносиб мутахассис турганида ўз оғайнисини юқори

лавозимга кўтаради. Нопок шифокор бир парча «справка»га пул талаб қиласди. Ўзидан кетган милиционер эса туппа тузук одамни ноҳақдан тақиб остига олиб, бекорга жабр қиласди, дўкондор маҳсулотига ошириб нарх қўяди. Фирром банкир «тегиши»ни олмаса, кредит бермайди. Олғир домла эса текинга баҳо қўймайди. Бундай муаммолар ҳаётда бот-бот учраб туради. Ҳаётни ўрганиш, Юрбошимиз таъбири билан айтганда, барча иллатларга қарши курашишдир. «Жамоатчилик назоратининг моҳияти шундаки, дейди Президент барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, халқ депутатлари, фаоллари, ҳамма-ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини, катта-кичик раҳбарларнинг ишга муносабатини назорат қилиб, уларнинг камчилигини рўйрост қилиб, очиб ташлаши керак».

Албатта, ҳаёт муаммоларини билиш, халқ билан ҳамнафас бўлиш турфа иллатларга қарши курашишни талаб қиласди. Бунинг учун эса фарзандларимиз маънавий баркамол бўлишлари керак. Ҳаёт муаммоларини билиш, уларни бартараф этишга қодир бўлиш, халқ манфаатини ўз ташвишларидан устун қўйиш, фақат шу азиз Ватан истиқболи учун яшаш ва меҳнат қилиш маънавий еткуклик аломатидир. Дарҳақиқат, бу жиддий ва долзарб вазифадир. Юрбошимиз буни теран англаб, яна таъкидлайдилар «ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросининг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият, санъат, фан ва таълим ривожи билан боғлиқдир».

Маънавий қашшоқ киши ким? Менимча, суҳбатлашганингда энсанг қотадиган, гапларида маза-матра, маъно йўқ, Ватани, халқи тарихини билмайдиган, Қуръони

Каримни-ку ўқимаган, ўз она тилида бемалол гаплаша олмайдиган (чет тиллар-ку у ёқда турсин), аждодларининг меросидан маънавий озуқа олмаган, қалби сўқир кишидир. Дунё маданиятига ҳисса қўшган чет эллик адиллар асарини ўқимаган (Пушкин, Лермонтов, Тургенев, Толстой, Шекспир, Жорж Санд, Стендал, Байрон, Боккаччио, Бальзак), фақат телевидение орқали бехаёлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи фильмларни тамоша қилиб, ўз маънавиятини «шакллантираётганлар» ҳам маънавий қашшоқ кимсалардир.

Маънавий қуллик тафаккур қарамлиги, ожизлиги ва эскилигидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «халқни иқтисодий жиҳатдан таъминлаб туриш мумкин, аммо маънавий мутеъликтан кутилтирмасдан, қаддини кўтартмасдан ривожланишга эришиб бўлмайди». Маънавий тетик инсон бирор эҳсонига қараб турмасдан, тинмай меҳнат қиласди. Ўз келажагини Ватан тимсолида кўради. Маънавий тетик инсон қалбан, руҳан, жисмонан етук кишидир. Илм тили билан айтганда, етук шахсдир. Шахс жамият ва инсоният тараққиётида муҳим рол ўйнайди. Жамият қиёфасини шахслар белгилайди. Улар ортидан одамлар эргашади ва ишонади. Улар етакчилар, лидерлардир. Халқ тилида «худо юқтирган» ёки «ёrlақаган» кишилар дейилади. Қобилият шундай маънавий мўъжизаки, у билан инсон ўзлигини намоён қиласди. Инсонийлик рутбасига кўтарилиш маънавий жиҳатдан ўз-ўзини англашдан бошланади. Демоқчиманки, инсон аввало ўзини, ўз ўрнини топиши лозим. Инсон жамиятда рўй бераётган ислоҳотларни қўл қовуштириб кузатиб турмасдан, куруқ истеъмолчи бўлмасдан, энг аввало ўзини бу жараёнларнинг фаол иштирокчиси, бунёдкори сифатида кўриши керак.

«Иқтидорли» деб номланувчи талабалар билан сұхбатлашдым, уларнинг аксарияти математикадан «5» баҳоға имтиҳон топширганлар, яъни сиртдан етук билимга эгалар. Сұхбатдан маълум бўлдики, уларнинг кўпчилиги боболаримиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ҳаёти, фаолиятини ва ёзган асарларини билмайдилар, умуман уларни ўқимаганлар ҳам, ваҳоланки, кутубхонамизда 400 мингдан ортиқ дарслик ва бадиий адабиётлар мавжуд. Энди ўрта ва паст баҳоға ўқийдиган талабалар ҳақида нима дейиш мумкин. Бу ҳолга қўл қовуштириб қараб бўлмайди. Ҳар бир талаба билан жиддий ишлаш зарур. Нима қилмоқ керак? деган савол кўндаланг турди. Бу жумбоқни ечиш учун биринчи галда китоб инсоннинг энг яқин дўсти, маданият ўчоғи эканлигини тушунириш зарур. Китоб орқали дунёни англаб бориш айни муддао. Энг бой инсон ким? Дунёning маънавий бойликларини ўзида мужассамлаштирган инсонми ёки миллиардерми? Бозор иқтисодиёти шароитида балки икки хусусиятни ўзида бирлаштирган инсондир. Лекин, афсуски бундай инсонлар озчиликни ташкил этади. Жуда кўп инсонлар билан мулоқотда бўлганман. Яшаши камтар, лекин маънавий бой инсонлар билан гаплашиб, сұхбатига тўймайсан, яна учрашиб мулоқот қилгинг келаверади. Иккинчи тоифа инсонлар ҳозирги бизнесменлар, «янги ўзбеклар», сұхбатлашсанг асосан қандай қилиб пул топиши тўғрисида сўзлашади, холос. Буни эшишиб энсанг қотади.

Энг яхши инсон ким? Яашаш учун бор имкониятини ишга солабиладиган, маънавий бой инсонлар энг яхши инсонлардир. Маънавий бой киши инсонларга фақат яхшилик қиласи, зиё тарқатади. Улар кимлар? Улар зиёлилар, устозлар, ақлий меҳнат намояндалари, йил ўн икки

ой ер билан тиллашадиган, қўли қадоқ дехқонлар, моҳир хунармандлар, жисмоний меҳнат соҳиблари.

Олдимизда турган энг муҳим вазифа илм даргоҳлари бўлмиш олий мактабларда талабаларни келажакда улар муҳандис бўладими, шифокор бўладими, хукуқшунос бўладими, иқтисодчи бўладими, энг аввало маънавий бой, стук, баркамол инсон қилиб тарбиялашдир. Бу вазифа барча устозларнинг зиммасидadir. Шунинг учун ҳар бир олий ўқув юртида ойнинг бир куни маънавият куни деб эълон қилинди ва бу кун талабалар дарсдан озод этилиб, музей, театр, кутубхона ва учрашувларга бориб маънавий оламларини бойитадилар.

Оллоҳ гўзалликни яхши кўради дейилади ҳадиси шарифда. Ўзини ва ўз уйини тоза, озода тутган одамга толе кулиб боқади. Таълим-тарбия даргоҳининг ташки қўринишидан бошлаб, киравериш ва бино йўлаклари, ўқувхоналар, фойелар тарбиявий аҳамият касб этсин. Институтимизда буларни амалга оширилди, лекин айрим талабалар бундай катта меҳнатнинг қадрига етмаяпти. Шу боис ҳар бир устоз дарс бошлишидан олдин, талабаларга чиройли қилиб кийиниш одоби, одоб аҳлоқ, билим олиш усуллари, институт низоми тўғрисида тушунча бериши ва назорат қилиши жоиздир. Айрим устозларимиз институтга келишларидан олдин ўzlари ҳам бир кўзгу чиғириғидан ўтсалар фойдалан ҳоли бўлмасди.

Айрим институт, университет, коллежларнинг талабаларига ҳавасим келади. Озода, чиройли кийинган, галстук таққан, кўкрагида бейдж. Бизнинг институтда ғуури баланд талабалар билан бир қаторда «бозорчи» талабалар ҳам йўқ эмас, иккинчи сменада ўқийдиган юқори курс талабалари ичida афсуски бундайлар анча-мунча. Албатта, тарбиялаб бўлмайдиган талаба йўқ. Фақат унинг кўнглига

йўл топа билиш керак, холос. Бу эса мураббий ва устозлардан яна бир карра масъулиятни талаб қилади. Тарихий ҳақиқат шуки, золим шоҳларни, ватани учун қайғурмаган бойларни келажак лаънатлаб ўтади. Эл юрти учун жонини фидо қилган, тарихда из қолдирған олимуму фузалоларни эса умр бўйи эслайдилар. Бундан ортиқ баҳт борми, ўзи дунёда?

Ҳар бир инсон келажак учун яхши ном, қолдирмоғи даркор. Бу иш барчага насиб этсин. Маънавият гулшанидан гуллар теринг ва уни ватангга туҳфа қилинг.

Инсон умр бўйи ўқиши керак бўлгани каби, умр бўйи маънавиятини, маданиятини бойитиб, шахсини такомиллаштириб бормоғи лозим. Кўпни кўрган доно, нуроний онахонлар ва отахонлар билан доимо сұҳбат қилгимиз келаверади, чунки улардан нур, зиё таралиб туради. Барчамизга ҳам шундай инсонлар бўлиш насиб этсин.

Ҳозирги кунда институт олимларининг ўртача ёши 58 ёшда. 60 ёшдан ошганларнинг сони 100 нафарга етди. Демоқчиманки, 25-30 фоиз устозлар нафақадагилар; уларнинг ўрнини ким босади? Билимга интилаётган, ёшлар етарлими? Таассуфки кам! Яна савол, яна савол. Ечими қаерда? Бу фақат бир институтнинг муаммоси эмас. Ёшларни қандай қилиб илм гулшанига қайтариш, улар қалбida илм чечакларини ундириш, ватангга муҳаббат руҳини кучайтириш мумкин. Бу ҳаммамизни ўйлантирадиган муаммо. Чет элда ёшларни ўқитиш яхши. Бизнингча, институтлардаги ёшларга хорижда давлат ҳисобидан таҳсил олган йигит-қизларимизни ҳозир давлатнинг қайси корхоналарида, олий ўқув юртларида меҳнат қилиб, ўз Ватанига ва ўз ҳалқига қандай хизмат қилаётганлари ҳақида ёки қўшма корхоналарда, хусусий фирмаларда қандай ишлаётганликлари, ишончни қандай оқлаётганликлари

ҳақида етарли маълумотлар мунтазам етказилса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Неча киши чет элга кетиб қолди ёки қолиб кетди ёки кетиш тараддуиди? Бу тўғрида аччиқ бўлса ҳам очик ҳақиқий маълумот керак. Бизнинг институтдан ҳам 10 йигит АҚШ, Англия ва Германияда ўқили. Улардан 1 киши бакалавриатурани битириб грант орқали магистратурада тахсил олмоқда. 2 киши чет элда доктарантурада ўқияпти; 1 киши катта ўқитувчи ҳамда Ахборот технологиялари Маркази директори бўлиб ишламоқда. Бир магистр ярим ставкада ўқитувчи бўлиб ишлайпти. Қолганлари эса ҳар хил қўшма корхоналарда ва банкларда хизмат кўрсатаяпти. Иванов фамилияли талаба амалиёт ўтиш учун Германияга борди, маъқул келди шекилли ўша ерда ўқимоқда. Руслан деган иқтидорли талабамиз Германияда амалиёт ўтаб, ўзига Устоз хомийлар топди ва магистратурага грант асосида қабул қилинди. Демак ёшларимиз билимли... Агар билимли ёшларимиз чет элга кетиш хаёли билан яшасалар, Ўзбекистонда илму фанни ким ривожлантиради? Демоқчиманки, иқтидорли ёшларга шу ерда керакли барча шарт-шароитларни яратиб бериш даври келди. Бу кимнинг қўлида? Менимча, бу муаммонинг ечимини топиш мумкин. Магистратурага фақат вазирликлар, концерн ва ассоциацияларнинг буюртмалари бўйича қабул қилиш, уларга етарли стипендия тайинлаш, узоқ муддатли битим тузиб, диссертация ишларига реал мавзулар ажратиб амалиётга тадбиқ этиш ва раҳнамолик қилиш мақсадга мувофиқ. Зинҳор-базинҳор паст билимли бакалавр магистратурага кириши мумкин бўлмасин, бакалавриатурани имтиёзли битиргандар магистратурага грант асосида қабул қилинса, мақсадга мувофиқ, акс ҳолда улар сир эмас, пул ёки ҳомий топа олмай кетиб қолишади. Айтмоқчиманки, грант ўринлари ажратилаётганида, бу омиллар эътиборга олиниши

лозим. Парадокс: бир институтда 3 баҳоға ўқиган талаба, паст баллар билан давлат ҳисобидан ўқийди; бошқа институтда эса 5 баҳоға ўқиган талаба юқори балл түплаб контракт асосида ўқишига мажбур. Демак, 3-4 курсдан бошлаб концернлар билан иш олиб бориш лозим. Улар ўз зиммаларига талабаларни контракт билан ўқитиш вазифасини олишлари керак. Кафедра мудирлари, ўзларининг билимли талабаларини танловга қўйиб ассоциация, концернларга ишга жойлашлари мақсадга мувофиқ. Ўйлайманки, ёш бакалавр билими билан раҳбар назарига тушса, албатта, унинг келажаги порлоқ. Ҳозирча шундан бошқа йўлни кўрмаяпман. Бу ҳақда концерн институт ўртасида маҳсус битим тузилиши билан муаммони ҳал қилиш мумкин.

Маълумки, кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганига ҳам 5 йилдан ошди, унинг иккинчи - сифат босқичини таъминлаш давом этмоқда. Бу жабҳада ишлар қандай кетаяпти, кўнгилдагидекми? Кутилган натижалар олинаяптими? Ўзбекистонда 66 та олий ўқув юрти мавжуд ва Президентимиз томонидан ёшларнинг ўқиши, билим олиши учун барча шароитлар яратилган. Академик лицейлар, касб ҳунар коллажлари бирам хашаматлики! Уларда билим олиш учун замонавий ўқув жиҳозлари ва асбоблар муҳайё. Ўринли савол: уларни битирганларнинг неча фоизи, грант асосида олий ўқув юртларига кирмоқда? Бир неча фоизи холос? Дарвоқе, бу ҳақда ҳам чуқур ўйлаш керак. Президентимиз айтган эдиларки, академик лицейдан университетга йўл очик. Яъни мустаҳкам билимга эга бўлган ўқувчилар тўғридан-тўғри олий ўқув юртларига йўл оладилар. Шундай бўляяптими? Афсуски, йўқ. Айрим лицей ва коллажларда билим бериш сифати ва савияси, афсуски, баланд деб бўлмайди. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш керак. Агар

лицейларда ахвол шундай бўлса, оддий мактабларда ишлар қандай? Бундан ҳам ёмон. Асосли равища айта оламанки, йилдан-йилга институтга қабул қилинаётганabituriyentlar билими пасайиб бормоқда, уларнинг асосий қисми тестларни ёдлаб ёки шпаргалкалардан фойдаланиб, синовдан ўтмоқдалар. Демоқчиманки, тестларни янада такомиллашибдириш лозим. Тестлардан ҳеч кимнинг хабари бўлмаслиги, калитлар четга чиқиб кетмаслиги керак.

Устозлар 1-курсдан паст билимли талабалар билан ишлаши ва 4 йил давомида улардан етук бакалавр кадрлар тайёрлаб бериши керак. Бу йўлда анча-мунча ҳаракатлар бўлаяпти. Айрим холларда яхши натижаларга эришилмоқда. Бу етарлими? Асло! Кошкийди, бу бизни қониқтиурса! Йўқ, албаттa! Қачон мақсадга етамиз? Қачонки, тарбияланган бакалавр ва магистрантлар ҳаётда ўз ўрнини топса! Гоҳида ўйлайманки, нима учун бу ҳақда қайғуриш керак? Вазирлик ва мутасадди идоралар бор-ку!

Кўплар қатори Мен ҳам ўз ватанимни энг ривожланган давлатлар қаторида, ҳалқимни эса фаровон ҳолда кўришни истайман. Биз ўзбеклар бошқа миллиатлардан кам жойимиз борми? Президентимиз айтмоқчи, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам.

УСТОЗ КИМ, ШОГИРДЧИ?

Дунёда касблар, кўп аммо улар ичида энг улуғи, энг мўътабари бу ўқитувчиликдир. Шунинг учун ҳам уни шарафли касб деб, ҳақли равища эъзозлаб келадилар. Сирасини айтганда, бу касбни ҳамма ҳам танлайвермайди. Ҳозирда қўпчилик ёшларимиз касб танлашда моддий жиҳатни яъни моянанинг кўплиги ёки озлигини эътиборга олишади. Масалага маънавий нуқтаи назардан ёндошсак, жасоратли кишиларгина бу касб соҳиби бўладилар. Бу касб

эгалари одатда камтар, тупроқдек ҳокисор бўла оладилар. Назаримда, ўқитувчилар ва мураббийлар кунини байрам сифатида куз фаслида нишонланишида ҳам рамзий маъно бор. Куз сокин, маъмур, зийнатли фасл. Уч фаслнинг юкини орқалаб бораётган заҳматкаш инсонга ўхшайди у. Муаллим ҳам шундай. Бола, давлат ва жамият тақдири ва келажагини бугундан эртага, эртадан келажакка безаҳмат-безиён олиб ўтишга масъулдир. Шунинг учун бўлса керак, бу касбни танлаш осон эмас. Бу касбни кимнингдир тавсияси билан танлаш ёки уни тирикчилик воситаси деб ўйлаш хатодир. Фалсафийроқ қилиб айтганда, инсон бу касбни эмас, касб инсонни танлайди. Чунки икки сўзни қофия қила олган ҳар қандай одам шоир саналмаганидек, тўрт-беш киши олдига чиқиб насиҳат қилган ҳар бир инсондан ўқитувчи чиқавермайди. Бир сўз билан айтганда, бу касб кишида ўзини ботинан ва маънан тайёрлашни, юксак тафаккур, чуқур билим билан букилмас иродани талааб қиласди. Зотан, ўқитувчи бундан ташқари инсон онгининг муҳандиси ҳам ҳисобланади. У инсон онгининг маънавият ўлкасига отланган мўъмин бир кишидирки, агар олдиндан ана шундай тадбирлар бўлмаса, ўз манзилига етолмайди.

Афлотун дейди: «Агар этикдўз ўз касбини билмаса бу хавфли эмас, нари борса одамлар оёқ кийимиға ёлчимайди. Борди-ю муаллим нодон бўлса, бу фожеадирки, у ўз навбатида давлат тараққиётига ғов бўлади, чунки нодон муаллим нодонлар сонини кўпайтиради-да». Албатта, ўқитувчи зиммасидаги масъулиятнинг юки шундаки, агарда у ниҳолни сидқидилдан қалб қўри билан парваришласа, эртага кўчат чинорга айланади. Борди-ю, муаллим укувсизлик қилиб, кун ўтарга ишлаб, ўз чиркин гояларини зарпечакка ўхшаб тарқатишга интилса, навниҳол заҳар дастидан ё қуриб қолади, ё эрта синиб нобуд бўлади.

Бу сўзларни айтишга шогирдликдан устозликкача бўлган заҳматли ва шарафли йўлни босиб ўтган бир муаллим сифатида маънавий ҳаққим бордир деб ўйлайман. Мен ҳам бир вақтлар мураббий-ўқитувчилар, устозлар қўлида таҳсил кўрдим. Улардаги инсоний фазилатларни ўзлаштиришга, олийжаноб устозларга ўхшашга интилдим. Ниҳоят, ўзим ҳам устозлик рутбасига эришдим. Бунинг учун ўқитувчиларимга, устозларимга бир умр таъзимдаман.

Ривоят борки, ота ўз фарзандидан сўрабди:

-Эй ўғлим, қани айтинг-чи, сиз учун ким кўпроқ мўътабар, отангизми ёки устозингиз?

-Албатта, устозим.

-Қандай қилиб, аҳир мен сизни дунёга келтирдим. Мен бўлмасам сиз қаёқда эдингиз, қиблагоҳингиз бўламан-а!

-Дуруст. Сиз мени осмондан ерга туширдингиз. Устозим мени ердан осмонга кўтарди.

Бу луқмада олам-жаҳон маъно бор. Модомики, биз ўзбеклар бугун ўз миллий моҳиятимизни чуқур англашга киришган, минг йиллик тарих силсиласида ўз муносиб ўрнимизни аниқлашга интилаётган эканмиз, бу устивор масалада ворислик анъналарини давом эттиришимиз айни вожибдир.

Маълумингиз, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби таълим ва тарбия учун муҳим хужжатларни қабул қилганимиз. Республикамиз Президенти Олий Мажлис сессиясида «Баркамол авлод - тараққиётимиз пойдевори» мавзусида нутқ сўзлаб, ушбу хужжатларнинг аҳамиятини теран тушунириб бердилар. «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг шу хусусдаги саволига Президентимиз шундай жавоб бердилар: «Ишончим комил, агар бу ислоҳотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимиизда ижобий маънодаги

«портлаш» эффектига, яъни унинг самарасига эришамиз ва ҳар қайси инсон Оллоҳ-таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъодини аввало ўзи, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, баҳт-саодати, манфаати учун тўлиқ баҳшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини хатто тасаввур қилиш осон эмас. Оддимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобидан бекиёс бўлиши муқаррар. Мен «портлаш» эффекти деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман». Бинобарин, бу ўринда ёш авлодни тарбиялаш ва уларга таълим беришдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган муаллим ва мураббийлар хизмати нечоғли улкан эканлигини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Хўш устоз ким? У қандай хусусият эгаси. Энг аввало устоз эътиқоди пок бўлиши лозим. Чунки шогирднинг инонихтиёри унинг кўлида бўлади. Оғзидан чиқсан ҳар битта сўзи, шогирд учун йўл-йўриқ ҳисобланади. Устоз чуқур илмга эга бўлиши айни муддао, чунки у ҳар қандай мушкул саволга ҳам жавоб топа олсин. Аҳдида туриш, саҳий, шижоатли, поклик, меҳрибонлик, мулойимлик, кечиримлилик, ҳушфेълик, марҳаматлилик, моҳир мураббийлик, ҳирсу ҳавасга берилмаслик устозга хос хусусиятлардир. Бундан ташқари у викорли, салобатли, огир ва вазмин бўлса, шогирдлар ичida ҳурмати сақланади.

Одобли бўлса, шогирдлар унга тақлид қиласди, яхши жиҳатларини ўрганади. Устозлик рукни еттитадир дейди Ҳусайн Воиз Кошифий:

- комил маърифат эгаси бўлсин;
- ўтқир фаросатли одамшунос бўлсин;
- етук руҳий-маънавий қувват эгаси бўлсин;

-ҳеч нарсага муҳтож эмас бўлсин;
-мол-дунё ёки мансабга ҳирс қўймасин;
-ростгўй ва ҳақиқатгўй бўлсин;
-умумманфаатини ўз манфаатидан устун қўйсин.

Тариқатда шогирд одоби қандай белгилаб берилади?

Биринчидан энг аввало ақлли бўлсин ва бу билан устоз сўзларининг рамзий-ботиний маъноларини чақа олсин. Иккинчидан, илм эгаллашга жон-жаҳди билан киришсин. Садоқатли, баланд идрокли, ўткир зеҳни, зийрак бўлсин. Учинчидан, устоз ўғитини жон қулоғи билан эшитсин. Тўртингчидан қаноатли бўлсин. Бешинчидан эътиқоди мустаҳкам бўлса, ҳар мақомга йўргаламайди.

Кўриниб турибдики, ушбу ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ўқитувчи учун ҳам, талаба учун ҳам бирдек фойдали. Ҳусайн Воиз Кошифий: «Шогирд илмга итоат этса, ростгўй вафоли бўлса, насиҳатга қулоқ солса, дилозорлик қилмаса обрў эътибори ошади», - дейди.

Маънавий етуклик ҳозирги талаба-ёшлар тарбиясининг асосий мезони. Сифат жиҳатдан янги хукуқий демократик давлат қуриш ва бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб давр моҳияттан ўтмишнинг муайян йилларида шаклланган ахлоқ-одоб меъёрларидан чекинишга мажбур қиласи. Ўтиш даврининг қийинчиликлари эса фуқаролар онгода, айниқса, ёш авлод онгода, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришиш учун янгича маънавий-маърифий мезонларга мурожаат этишни ва унга амал қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли рисоласида таъкидланганидек: «Миллатнинг ва халқнинг маънавий камолотига, маърифатига умумдавлат сиёсати сифатида қараш лозим. Ҳозирги ёшларда ва келгуси авлодда ўз давлати, халқининг

тариҳини билиш билан бир қаторда, жаҳон тарихи ва маданияти ютуқларини чуқур ўрганиш зарурлигини тушуниш ва англаш ҳиссини тарбиялаш лозим.

Буларнинг барчаси биз келажакка ишонч билан дадил қарай олишимиз, фарзандларимизнинг тақдири ва баҳтсаодати ҳақида ҳавотир олмаслигимиз учун энг зарур шартлардир».

Дарҳақиқат, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, мустақил давлатимизнинг келажаги ва бугунги ёш авлоднинг маънавий-маърифий камолотига боғлиқ. Кўп жиҳатдан тараққиёт тақдирини маънавий етук кишилар белгилайди.

Ҳозирги замон талаба-ёшлар тарбияси ва умуман мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий аҳлоқий негизлари муҳтарам Президентимизнинг бундан 12 йил муқаддам ёзилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисолаларида илмий-услубий нуқтаи назардан аниқ-равshan кўрсатиб берилган эди.

Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиклик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватаンпарварлик.

«Таълим тӯғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига ҳам ана шу негизлар асос қилиб олинган.

Ҳукуматимиз ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берар экан, бунинг учун зарур маънавий-маърифий шартшароитларни ҳам яратиб бермоқда. Бизда жаҳон фани ютуқлари, илму-урфон асосларини чуқур эгаллаш учун барча имкониятлар мавжуд.

Эндиғи ҳаракат фақат ёшларнинг ўзига боғлиқ бўлиб қолди. Аммо юксак чўққиларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун тинмай ўқиб-ўрганиш, тажриба орттириш, ўз устида кўпроқ ишлаш лозим. Шу ўринда бир ривоят эсимга тушди. Шом мамлакатининг подшоларидан бири ёлгиз ўғлига илм бериш учун И мом ал Бухорийни йўқлаб, уни хузурига келишини сўраб, чопар юборибди. И мом ал Бухорий эса чопарга: Илм бормайди, аксинча илмга келинади, уни излаб топилади» деб жавоб берган экан. Нақадар ибратомуз гап. Маълумки, ҳар бир ота-она ўз фарзандини маънавий ва маърифий жиҳатдан етук инсон бўлишини орзу қиласи, бироқ ота-она орзусининг ушалиши фарзандга, унинг интилиши, изланишига боғлиқ бўлиб қолади.

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушди: «Ҳаммамиз ҳам бу дунёда фарзандларимизни деб, уларнинг баҳти-саодати, иқболи деб яшаймиз ва меҳнат қиласи. Нафақат хавфсизлигимиз, шу билан бирга миллий уйғониш ғоясининг амалга ошиши, давлатимизнинг келажакда барқарор бўлиши ҳам ёшларимиз қандай шаклланишига бевосита боғлиқ. Улар жаҳон умумбашарий ютуқларини эгаллаши, тарихимизни, маданиятимизни, буюк аждодларимиз қолдирган меросни чуқур билмоғи керак. Бизнинг асосий куч қудратимиз ҳам ана шунда. Бугун катта умидлар билан қураётган янги жамиятимизнинг мазмун моҳияти аслида ҳам ана шундадир».

КЎРАР КЎЗЛАРНИНГ НУРИ ИЛМДАНДИР

Айни вақтда олий таълим муассасаларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи сифат босқичи амалга оширилмоқда. Ушбу босқич икки вазифанинг бажарилишини, яъни таълим сифатини ошириш ва кадрлар

тайёрлашни жағон андозалари даражасига құтаришни тақазо
этмоқда.

Педагог сифатида бу икки муаммони ўртага ташлаб,
мұлоҳаза юритмоқчиман ва уларни қандай ҳал қилиш лозим?

деган савол билан барча устоз ва талабаларни мунозарага
чақирмоқчиман. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, дейишади.
Устозларга қуйидаги маслаҳатларим бор:

-ўз соҳангиз бўйича (инглиз, немис, рус тилларида) чоп
этилган барча дарслер, монография, илмий мақолалардан
воқиб бўлишингиз ва улар ўз кутубхонангизда, қолаверса,
институтнинг ўқув залида бўлиши лозим;

-албатта компьютерда ва интернетда ишлай олиш зарур;

-инглиз тилини ўрганмасдан туриб, чуқур билимга эга
бўлиш мумкин эмаслигини тушуниб етмоғимиз даркор;

-«Истеъдод» фонди орқали ёки ўзаро битимлар асосида
чет элларда малака ошириш лозим;

-ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган оригинал
дарслерлар ва уларнинг электрон версияларини яратиш
керак;

-интеграллашган ўқув комплекслари устида тинмай
мехнат қилмоқ даркор. Бу - тадбиркорлик демакдир.

Ушбу таклифларни амалга оширсак, кам бўлмаймиз.
Пичоғимиз мой устида бўлади. Биримиз икки, қолаверса
яшаш шароитимиз ҳам яхшиланади. Талабалар ўртасида ҳам
обрў-эътиборимиз ошади!

Ўзбекистон келажагини белгилайдиган ёшларга
талабаларга бўлган маслаҳатларим қуйидагилардан иборат:

Улар биринчи галда мустақил тарзда билим олишлари
лозим (бунинг учун албатта изланиш мактаб, лицейданоқ
бошланади);

Ўқиши ва илмий изланиш учун институтда шароит
борми? Албатта, мавжуд. Улар учун 400 минг нусхадаги

дарслик, ўкув қўлланмаларга эга бўлган кутубхона ва қироатхона бор. Афсуски, у ер талабалар билан гавжум эмас. Маълумки, 70-йилларгача умуман дарсликлар етишмас эди. Шу туфайли ўқитувчи ўз маъruzасини ёздиришга мажбур эди. Энди-чи? Маъруза матнлари нашр этилиб, талабаларга тарқатилимоқда. Лекин, шунга қарамасдан талабада билим етишмайди. Яна ўқитувчи маъруза ёздиришга мажбур. Агар талаба фақат маърузани ўқиб имтиҳон топшириб, диплом олиб кетса, ким бўлади? Бундайларни мутахассис дейишга тилим бормайди. Назаримда, тўрт йил давомида қўл учидаги ўқиб, олинган диплом эмас, балки мутахассислик билими ва ўкуви унинг учун ҳал қилувчи омилдир.

Бундан ташқари, миллий ғуур ёшларда кучли бўлиши шарт. Бу нима дегани?

«Мен, ўзбек халқининг фарзандиман, Ўзбекистонимнинг, Ватанимнинг келажаги менинг қўлимда. Бунинг учун тинмай билим олишим, илм чўққиларига интилишим, ўзимни япон, корейс, немис, америка ёшларидан кам эмаслигимни, қўлимдан катта ишлар келишини дунёга танитиб қўйишим керак», деб яшамоқ лозим! Нима учун корейс, япон ёшлари «21 асрга бизнинг аср дея» дадил кириб келади-ю, ўзбек ёшлари гаплашсанг, кўзини олиб қочиб, ерга қарайди? Қани миллатга муносиблик?

Ўқитувчиларга ҳурмат талабчанлик руҳида бўлмоғи лозим! Айтмоқчиманки, ўқитувчи дарсга маҳсус тайёргарлик кўрмасдан киролмасин. талабалар уни саволларга қўмиб ташласин (савол бермоқ учун тайёрланиб келмоқ керак). Устоз бор билимини намоён қилсин ёки узр сўраб кейинги дарсга тайёрланиб келишга мажбур бўлсин.

«Устоз - отангдан улут» мақоли тагида жуда катта маъно борлигини унумаслик керак. Қайси устозлар бу даражага

күтарилади? Фақат талабаларга чуқур билим берганларигина холос! Шунчаки дарс бериб, талабаларга чуқур илм бера олмаган, баҳоларни пул эвазига қўйган инсон устоз эмас, қаллобдир.

Устозлар талабаларга барча соҳада ўрнак бўлмоғи лозим (кийиниш одоби, аҳлоқи, хулқи, ўзини тута билиши ва ҳ.к.). Устозлар ўз навбатида ёшларга талабчан бўлмоқлари керак (кучли билимлари билан ёшларни ўзларига жалб қила билишса) шундагина улар тинч ўтиришади, қулоқ солиб маъруза тинглайдилар ва ёзадилар, чалғимайдилар). Устоз дарс бошладими, ўзидан сўнг талабани аудиторияга қўймаслиги керак. Талабалар институт Низомига тўлиқ буйсунгандан ҳолда ўқишилари, кийинишлари, ўзларини тута билишилари лозим. Давлат мулкига ўз мулкларидек муносабатда бўлмоқликлари, аудитория ва коридорларнинг озодалигини таъминлашлари керак. Бўш вақтларини қироатхоналарда дарсликлар ва бадиий адабиётлар ўқишига сарф қилишилари ҳам қарз, ҳам фарз.

Магистратурада ўқишига интилинг! Нима учун? Чунки ўз соҳангиз бўйича магистр бўлмас экансиз, келажакда юқори поғоналарга кўтарила олмайсиз. Ҳолбуки, ўртамиёна мутахассис, муҳандис, иқтисодчи бўлиб тинч хотиржам яшайверасиз. Лекин таниқли олим ёки «генерал» бўлишни хоҳласангиз, 1-курсдан бошлаб фақат чуқур билим олишга интиласиз ва том маънодаги 5 баҳоларга ўқийсиз. Бундай бакалавр магистратурага кириб ўқишига лойикдир. 3-4 баҳога ўқиган талабалар магистратурага тавсия этилмайдилар. Магистр ўз соҳасининг билимдони, барча муаммоларни илмий асосда еча оладиган мутахассис, бўлажак олим ва педагог!

Талабалар маънавий бой ва маданиятли бўлишилари шарт. Бу аксиома. Лекин афсуски, айрим талабаларимиз

маънавий кемтик, маданиятсиз, тарбия кўрмаган. Сабаб нима? Кўп сабаб бўлиши мумкин. Лекин оиладаги муҳит асосий омиллардан деб ўйлайман. Айрим ота-оналар ўз фарзандларига дуруст тарбия бераётганлари йўқ. «Тарбияни боғча, мактаб, институт бериши керак» - деган даққиёнусдан қолган қарашибилан яшамоқдалар. Фарзанд она қорнида пайдо бўлганидан бошлаб тарбияланади. Ёш эр хотинларнинг ўзаро муносабатлари, атрофдаги ва уйдаги муҳит ҳам ҳомиланинг шаклланишига таъсир қила бошлайди.

Шартнома пули тўлаётган ота-оналар ва корхона раҳбарларининг қадрига етиш керак. Шундай бўляптими? Афсуски, йўқ! Шартнома асосида ўқиётган талабаларнинг неча фоизи аъло баҳоларга ўқияпти? 600 талабага 7-8 киши тўғри келади, холос. Хурсанд бўлардимки, қачон талабаларнинг аксарияти 4-5 баҳоларга ўқиса. Менимча, шартнома масаласида ота-оналар масъулиятни кўпроқ ўзларига оляптилар. Мен фарзандимни ўқитишга масъулман, деб тинмай меҳнат қилмоқдалар, фарзанд учун барча қулайликлар яратиб бермоқдалар. Лекин ҳамма фарзандлар ҳали бунинг қадрига етишпами? Афсуски йўқ. Яширишга ҳожат йўқ. Фалончи бой шартнома билан ўқиса ҳам, институтга шахсий машинасида келади. Дарсларга ҳам доимий қатнашмасдан, таниш-билиш қилиб ёки муллажирингни ишга солиб, «сессиясини ёпади». Бундай ҳолатлар афсуски кўпчилик ўқув юртларида бор. Назаримда бунинг учун фарзандини ортиқча эркалатиб юборган ота ҳам, шоввознинг суюнчиги «танка» ҳам, қолаверса, виждонини пулга сотаётган домла ҳам айбдор. Улар: «шундай бўлиши керак», деб юрибдилар. Шу адолатданми? Нима учун ривожланган давлатларда миллионер ота фарзандининг ўқиши учун бир цент ҳам бермайди? Ўртада олий мақсад бор. Унинг ўзи ўқиш учун ишлаб пул топиб тўласа, қадрига етади.

Таниш-билиш қилиб баҳо олмайди. Ўзининг устида кунт билан ишлайди, билим олади. Ўзи пул топгани учун ўқишининг қадрига етади. Яхши ўқимаса, кўча супурувчи бўлиб қолаверишини билади. Бизнинг талабалар-чи? Ишга ҳам ота-онам жойлайди, деб ўзи билим олмайди. Қора ишларни қилишдан ор қилишади, қадди ғоз, димоги эса осмонда. Бу билан барча талабалар шундай демоқчи эмасман. Пешона терини тўкиб меҳнат қилиб, шартнома пулларини ўзлари тўлаётган талабалар ҳам йўқ эмас. Лекин улар 1-2 фойзни ташкил этади, холос.

Искандар Зулқарнайндан сўрашипти. Сен Устозингни онангдан ҳам кўпроқ яхши кўрар эмишсан. Шу ростми?

-Ҳа рост, дебди у Онам мен Осмондан ерга олиб тушди. Устозим эса - мени ердан Осмонга кўтарди.

Мен ният қиласманки, сизлар ҳақингизда ҳам бизни институтни тугатган барча бакалавр ва магистрлар шундай баҳо берадилар. Устозлар талабаларга мукаммал билим бериш учун масъулдирлар. Бу оддий ҳақиқат.

Институтимизда ҳозирги кунда 416 ўқитувчи фаолият кўрсатади. Уларнинг барчаси шу унвонга лойиқми? деган савол мени қийнайди.

Кечкурун рус гуруҳ талабалари номидан 2 ота менга кўнғироқ қилишди ва бир янги домла тўғрисида жуда ҳам салбий тавсиф ва баҳо беришли. Агар чора кўрмасангиз 2 та гуруҳ талабаларининг ота-оналари номидан Вазирга шикоят ёзамиз деб пўписа қилишди. Шу пайтгача рус домлалари устидан гап бўлмаган эди. Энди улар ҳам айрим домлаларимизнинг йўлларига киришмоқда, шекилли. Ҳақиқат аччиқ бўлади.

2003 йил ёзда 4 ва 5-курс талабалари (кундузги ва сиртқи) диплом ҳимоя қилгандан сўнгги сўров натижасида бир неча домланинг нотўғри йўлдан кетаётганлиги, яъни

таъмагирлиги маълум бўлди. Шунда ҳам институт раҳбарияти кескин чора кўргани йўқ. Лекин шу кунгача бир неча домла (иккинчи марта қўлга тушгандан сўнг) ишдан бўшатилди. Билиб қўйишларини истар эдим. Ўқитувчи ўз хоҳиши билан ишдан кетдими - демак тагида бир гап бор. Ҳозирча 9 йил давомида бирор-бир домла ойлигим кам, шунинг учун бўшатинг деганини билмайман.

Албатта бу қинғир ишларда дангаса, ўқишини хоҳламайдиган талабаларнинг ҳам айби бор! Лекин дарсига талабалар 50% қатнашадиган ўқитувчилар, қандай юз билан мен ҳам устозман деб бошини кўтариб юрипти? Бу уят-ку! Демак бу домла қизиқарли дарс беришни билмайди. Талабаларни ўз фанига қизиқтираолмайди. Маълумки, айрим домлаларга талаба қанча дарсга кам келса шунча яхши. Сессия охирида уни «бопглаш» осонроқ бўлади. Энди улар учун орқага йўл йўқ. Фақат пора бериш йўли қолди, холос. Афсуски айрим кафедра мудирлари бу ишга совукқонлик билан қарайтилар. Дангаса талабаларнинг танобини тортиб кўймаятилар. Ваҳоланки ректорнинг махсус буйруги бор. Ҳар бир фандан 6 соат узрсиз дарс қолдирган талаба кафедра мажлисида муҳокама қилиниши шарт ва қарор қабул қилиниб, ректорга берилиши керак.

Институтда (факультет деканларининг ахборотига қараганда) давомат ўртacha 92-95 фоиз. Агар талабаларга керакли, пухта билим берилган бўлса ўзлаштириш ҳам шу даражада бўлиши керак-ку! Нега фарқ катта? Бу жумбоқ. Уни Устозлар ечиши керак. Агар улар етарли, кучли билим берганларида бу муаммо пайдо бўлмас эди. Ҳозирги 1÷3 курсларда 400 дан ортиқ 1 ва ундан кўп қарзга эга бўлган талабалар бор. Ваҳоланки улар дарс қолдирмаган!!! Лекин билим етмаяти. Уларни шпаргалкадан фойдаланишга ўргатиб қўйганмиз. Энди эса бундай хунарларга йўл қўйиб

бўлмайди. Ҳозир ҳам вақт бор: уларга қўшимча дарс бериб билимларини кўтариш керак. Бу сиз устозларнинг жамият олдидаги бурчингиз. Тасаввур қилинг: ўзингизнинг ўғил-қизингиз шу аҳволга тушиб қолди Нима қиласр эдингиз? Ўз хаққингизни талаб қилиб у таълим олаётган даргоҳнинг ректори олдига борар эдингиз, чунки сиз шартнома пулини тўлаб қўйгансиз. Сиз бу ҳолда ҳақ бўлар эдингиз, чунки болангиз барча дарсларга ўз вақтида қатнашган.

Яқинда биз маҳсус текширув ўтказдик. Сифат назоратининг аниқлашича, кўпчилик устозларимиз, юмшоқ қилиб айтганда, «приписка» билан шугулланаяптилар. Бу нима дегани? Старостанинг журналида 20 та талаба дарсга келган. Ўқитувчи буни тасдиқлаб, қўл ҳам қўйиб қўйган. Худди шу соатда ўзининг журналида 15 киши келган деб белгиланган. Буни нима деб аташ мумкин? Қаллоблик-ку!

Билиб қўйинглар! Бундан кейин ким шу каби иш қисса барча қўшимча ойлиги олиб ташланади, мукофот, ёрдам пули берилмайди.

Қачон шпаргалкалар тайёрлаб тарқатиш (аниқроги сотиш)ни, китобларни йиртишни тўхтатамиз? Энди бунга чек қўйиш даври келди. Ўзбекистонга билимли ёшлар керак! Билимсиз ёшлар билан қаерга борамиз? Ҳозир институтда 100 та профессор-ўқитувчилар пенсионер. Уларнинг ўрнини ким эгаллади ёки ТАЙИни тант холатга келтирамизми? Ҳар бир Устоз ёнига иқтидорли ёшни олиб ўзига шогирд тайёрлаши керак эмасми?

Айрим кафедра мудирларимизнинг ёши ўтиб қолди. Лекин улар ўз ўрнига ёш олим тайёрлашмаяпти. Бунга институтда ўрнак олса арзийдиган мисоллар кўп-ку!

Кўпчилик кураторларимиз кўнгилдагидек, чин дилдан мураббийлик қилишмаяпти, лекин қўшимча ҳақни уялмай олишмаяпти.

Терроризм деган бало Ўзбекистонга ҳам хуруж қилди. Энди унга қарши ўз усулимиз билан курашиш керак. Маълумки, террорчиларнинг асосий қисмини билимсиз, маънавиятсиз ёшлар ташкил қилмоқда. Билимли, онгли инсонни ўзининг тўғри йўлидан чалғитиб бўлмайди.

Билимли, онгли маънавий бой талабани ким шакллантиради? Устозлар! Ватан олдидаги бурчни ҳис қилишингизни хоҳлардим. 8-9 талабага Сизлар (шу жумладан Ректор ҳам), маънавий Устоз қилиб тайинландингиз. Улар Сизларнинг ўғил-қизларингиз. Уларнинг онгига, маънавий, маданий қиёфасига Сиз жавоб берасиз. Буни яхшилаб тушуниб олишингизни истайман. Уларнинг дарди, орзу-умидлари билан яшашга ўрганишингиз керак, ким нима билан шугулланаяпти: чекувчими, ичувчими, гиёҳванд, квартирада турадими, дўстлари ким, ўқишга лаёқати, бадиий асарлар ўқийдими, илмга иштиёқи, кийиниш одоби ва ҳ.к.ларни билишингиз шарт. Хуллас уни комил инсон бўлишида сиз масъулсиз! Бундан кейин талабаларни рағбатлантириш, моддий ёрдам беришни фақат сизлар орқали амалга оширамиз. Улар жазоланса сиз ҳам қуруқ қолмайсиз. Талабаларга, барча соҳаларда ўrnak бўлишимиз шарт. Устозлар (айримларингиз) ўзингизга ташқаридан, бегона кўз билан бир қаранг. Сиздан ўrnak олса арзийдими? Афсуски йўқ.

Бундан кейин олий даргоҳларда ўқитиш, билимни баҳолашда чет эл тизимиға ўтиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчининг вазифаси билим бериш. Уни баҳолаш экспертлар зиммасида. Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига олиб кириш шарт. Барча шароитларни яратиб бермоқдамиз. Аммо иш суст кетаяпти. Хоҳиш йўқроқ. Кафедра мудирлари бундай кейин Илмий кенгашда ҳисбот берилишини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Бу йил рейтинг тизими умуман ўзгаради. Фақат билимнинг сифатига қараб ўқитувчиларга устама ҳақ белгиланади. Бу нима дегани? Нечта аълочи талабаларни тарбиялади, институт ҳисобига неча миллион сўм олиб келди, нечта дарслик, ўкув қўлланма чоп эттириди ёки таржима қилди. Қандай янги технологиялар яратди. Гуруҳидаги талабаларнинг маънавияти қандай? Ҳаммаси сарҳисоб қилинади.

Миллий дастурнинг Сифат босқичини таъминлаш биз устозларнинг бурчимиздир. Бунинг учун талабалар билан мунтазам, ҳар куни ишлаш керак.

Ёзаман десам фикрларим кўп, қўйилиб келаверади. Тонггача кўзимга уйқу инмайди. Институт муаммоларини ечиш тўгрисида бош қотираман. Ёзувчи ҳар бир сўз устида ишлаганидек, мен ҳам муаммодан чиқишининг муқобил йўлларини излайман. Нафсилямбирини айтганда, танишибилиш, маҳаллийчилик, расмиятчилик ва порахўрликка йўл қўймаслик учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ушбу иллатларга қарши курашмогимиз лозим.

ЗАМОНАВИЙ ОЛИМ, КИМ У?

Олим - илм кишиси. Ўз умрини илм уммонидан дуругавҳар теришга бағишишлаган инсон. Олимликнинг мashaққати - ҳали ҳеч ким тадқиқ этмаган «қўриқ»ни очиш, ўз ғоясини назарий-илмий-амалий жиҳатдан исботлаб беришдир. Эҳ-хе, бунинг учун қанчадан қанча довонлар ошишга, тўсиқларни енгишга ва курашишга тўғри келмайди, дейсиз.

Аммо, олимлик ҳам газ, нефт заҳирасига ўхшаб, белгиланган жойдан эмас, бошқа бир кутилмаган ердан отилиб чиқади. Демоқчиманки, баданида том маънодаги олимлик бўлган инсон бугун бўлмаса эртага тан олинади.

Чунки, жамият доимо тоза бир нафас, илғор ғоя, янгилик берувчи олимларга, илм аҳлига муҳтоҷ бўлиб келган.

Олимликнинг фазилати ҳалолликдадир. Илм одами ўзи танлаган йўлда событқадамлик билан бориши учун аввало ўз нуқтаи назари ва фуқоролик позициясига эга бўлиши айни муддао. Олимлик гултожи ўзига хосликда. Тақлидчилик ёки номақбул йўллар билан узоққа бориб бўлмайди.

Замонавий олим, содда қилиб айтганда, янги замон одами, янгилик олиб киравчи, яратувчи, бунёдкор, янги ғоя, таклиф, ихтиrolар муаллифи ва ташаббускор, тадбиркордир. Миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган эътиқод соҳиби, юрт юкини кўтара оладиган одамдир.

Олим ҳам том маънодаги зиёли. Зиёли эса мамлакат, жамият ва ҳалқ тақдирига маънавий жавобгар шахсадир.

Тараққиёт ҳар доим замонавийликни талаб қиласди. Замондан орқада қолиш эса «эскиришдир». Эскириш кишини кераксиз матоҳга айлантиради. Замонасоллик билан замонавийликнинг катта фарқи бор. Замонавийлик тараққиёт талаб қилаётган янгиликларни ўзлаштириш, мустақил фикрлаш, мамлакат ривожланишига ўз интеллектуал салоҳияти билан ҳисса қўшишдир. Замонасиз одам шамолнинг эсишига қараб иш ва фикр юритувчи, имони, эътиқоди суст кимсадир. Замонавийлик жаҳон маданиятининг энг яхши анъналарини ўзлаштириб, ватан ва ҳалқ манфаатларига хизмат қилишдир.

«Фанимиз, ақл-заковатимиз, салоҳиятимизнинг ноёб ва гўзал биносига бундан кўп асрлар муқаддам пойдевор солинган эди. Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошлаганлиги, унинг чуқур ва қудратли илдизлари

борлиги билан ҳар қанча фахрлансак арзигулик. У асрлар давомида ўзбек миллатига, бутун инсониятта табиат сирларини ўрганишда ишончли хизмат қилиб келмоқда».

«Олимларимиз энг яхши анъаналарни ўзлаштириб, тарихий меросимизни чукур ўрганиб, буюк аждодларнинг ишларини муносиб давом эттиromoқдалар. Илмий зиёлиларимизнинг муҳим фазилати ҳамма вақт билимга, илғор илмий тафаккурнинг олдинги мэрраларида бўлишга интилишдан иборат. Улар янги, кам ўрганилган, долзарб муаммоларни тадқиқ қилишга дадил киришиб, ўз меҳнатлари билан республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, инновация салоҳиятини мустаҳкамлашга сезиларли даражада ҳисса қўшмоқдалар», деб таъкидлаганди Ўртбошимиз.

Жаҳон олимларининг етук асарларидан баҳраманд бўлиш ва уларни ўқиши, ўрганиш, интилиш ўз-ўзидан таржима ва таржимашуносликка бориб тақалади. Таржима ҳақида ўттизга яқин китоб, уч юздан ортиқ мақола ёзган, ўз мактабини яратган машҳур олим Гайбулла Саломовдан орттириб бир нарса дейиш қийин. Лекин замон шиддати, ахборот асри, мамлакатлар, миллатлар, ўзаро яқинлашувининг жадаллашиши, яъни глобаллашув таржима масалаларига тез-тез қайтишни тақазо этади.

Таржимашунослар ва таржимонлар деб бир неча тилни пухта биладиган инсонга нисбатан ишлатилади. Ижодкор таржимон оддий тилмочлик билан чекланмасдан, хорижий тилни миллий тилимизга қойилмақом қилиб ўгиради. Сўзмасўз таржима кўпинча муваффақиятли чиқмайди. Русча рекламаларни сатрма-сатр таржима қилиш, биласизки, маънони заифлаштиради. Масалан: «Вер жажде своей», «Чанқоғингга ишон» тарзида берилиши кўпчиликнинг гашини келтиради.

Таржиманинг оҳанграбоси эркин ёндошувдадир. Ижодкор тилнинг бутун бойлигини ишга солиб хайрли ишга кўл уради. Бундай асарни ўқисангиз унинг таржималигига ишонмайсиз. Гёёки рус ёки инглиз олими эринмасдан, ўзбек тилида дарслик ёзган дейсиз. Машҳур адид Чингиз Айтматов асарларини ўзбекчага моҳирона ўтирган Асил Рашидов ва Иброҳим Ҳидиров номини хурмат билан тилга олганини эслайлик. Кўплаб таржималарни ўқиганимда эса, афсусланиб кетаман. Негаки тили нўноқ, ўзбекча сўзлар ўз ўрнида ишлатилмаган, таржимон семантика, синонимларни яхши билмайди. Ҳозирги таржимонларнинг оқсоқ томони ўз она тилини тўлиқ билмаслиги ва таҳрирда ҳам етарли укуви йўқлигидадир.

Кейинги йилларда таржимонларимиз томонидан қатор дарслклар ўзбек тилига ўтирилмоқда. Бу, албатта, олий ўкув юртларидағи дарслкларга бўлган эҳтиёжни бир қадар қондиради. Чунки, дарслик яратиш игна билан қудук қазишдек мушқул иш бўлганлиги учун, у бир ёки икки йилда ёзилиб қолмайди. Афсуски, «Интернет»дан олиб тайёр асарни таржима қилиб, ўзим яратдим лея овоза қилиб, қўкрак кериб юрганлар ҳам йўқ эмас. Эмишки, бундай қилса ҳам ҳеч ким билмайди, ойни этак билан ёпса бўлаверар эмиш. Марказий газеталардан бирида «уриб» чиқишиди. Таниқли бир олим, рус тилидаги дарслкни ўзбек тилига ўтириб, ўз исми-шарифини қўйиб, ноёб «дарслик» деб босмадан чиқарибди. Кўп ўтмай таққослашса, ўзбек тилидаги дарслик русча қўлланманинг айни нусхаси, худди ўзи бўлиб чиқибди. Албатта, бу шармандалик, олимлик номига иснод.

Ҳар йили жорий йилда яратиладиган дарслклар режаси тузилади. 2003 йилда 30 нафардан ортиқ олим мана биз дарслик яратамиз деб ушбу режага исми-шарифларини қўштиришди. Фалвир сувдан кўтарилганда бир неча тайёр

дарсликларни экспертга тақризга бердим. Тақризни ўқиб эса ёқа ушладим. Хунобим ошди. Не кўз билан кўрайки, айрим профессорларимиз баъзан кўчирмакашликдан ҳам тап тортишмаган. Кал-катта обрўли одамларга уят эмасми?

Чет элда бўлганда бундай қилмиш учун суд орқали ҳақиқий муаллифга товоң тўланарди. Наҳотки, виждан сабил қийналмаса? Фойдаландингми иқтибосга унинг исми-шарифини келтир?! Асаканг кетмайди-ку?! Ваҳоланки, асарингнинг илмийлиги ортади. Сизга айтсан охир оқибатда, дарслик ёзадиганлар 3-4 нафарга тушиб қолди. Демоқчиманки, ҳар бир олий таълим муассасасида дарслик ёза олиш қобилиятига эга бўлган, Оллоҳ юқтирган қобилиятили, билимдон олимлар бармоқ билан саноқли. Бу сир эмас. Менимча, техника соҳасида асосий эътиборни таржимага қаратиш лозим. У рус тилидан ёки инглиз тилидан ўзбек тилига ўтириладими бунинг аҳамияти йўқ. Лекин дарслик ёки замонавий таржима мукаммал бўлиши лозим. Таржимонлик хайрли иш. Лекин, саёз-бўш таржималарни чоп қилдирилишига лоқайд бўлмаслигимиз керак.

Таржимон бўлишимга Устозим профессор Макс Самойлович Ховаҳ сабабчи. 1970 йили бир маслаҳат билан унинг олдига Москвага бордим. Ўй-хаёлимда ўзбек тилида дарслик яратиш.

-Ички ёнув двигателлари фанидан 100 та дарслик мавжуд. Сен бирортасига ўхшамаган, улардан кўчирилмаган, ўзингнинг тилингда ёзилган 101-нчи дарсликни яратса оласанми, - дея у менга саволомуз қарали.

-Йўқ,... - дея жавоб бердим иккilanmasdan.

-Бўлмаса маслаҳатим, ишни таржимадан бошла. Агар техника соҳасида ўзбек талабаларига ўз она тилларида билим бериш кун тартибида бўлса, мен ва профессор

Г.С.Масловнинг «Автомобил двигателлари» номли техникумлар учун (30 босма табоқли) дарслигимиз мавжуд. Ўзбек тилига ўтирган, фойдадан ҳоли бўлмайди. У бир неча тилларга (испан, инглиз, украин) тилларга таржима қилинган. Жуда равон, тушунарли тилда ёзилган. Таржима қилсанг ҳам тажрибанг ортади, ҳам дарслик нима эканлигини тушунасан: фақат ундан сўнг кичкинагина дарслик устида ишласанг яхши бўлади.

Шундай қилиб, 3 йил таржимонлик қилдим. Таржима мashaқатли ва фойдали илмий ижод эканини тушуниб етдим.

Устоз сифатида ўзбек тилида дарслик яратаман деганларга: «Аввал бошқа тиллардаги мавжуд яхши дарсликни таржима қилинг, сўнг дарсликка қўл уринг», дея маслаҳат бераман.

Шу давргача «Автомобил йўлларини лойиҳалаш» фанидан ўзбек тилида дарслик у ёқда турсин, қўлланма ҳам бўлган эмас. Бу соҳада етук олималардан бири Аъло Расуловна 10 йил давомида ушбу номли кафедрани бошқарган ва ўнлаб етук шогирлар тайёрлаган. Аълохонни ҳам В.Ф.Бабков ва О.В.Андреевларнинг «Проектирование автомобильных дорог» номли 2 томлик дарслигини (45 босма табоқ) ўзбек тилига ўтиришга кўндиридим. Ваҳоланки, аввал дарслик ёзаман деган ўй-фикр билан юрган эди. Бунинг учун 5 йиллик мashaқатли меҳнат сарф бўлди. Дарслик Ўзбекистон шароитига мослаб қайта ишланди. Дарслик яъни муаллифлаштирилган таржима 2003-2004 йилларда чоп этилди.

Биз «Автомобилсозлик технологияси» («Технология автомобилестроения») номли кичикроқ дарслик яратсак деган фикрда юрдик. Сўнг шу соҳадаги кўпгина дарсликларни таҳлил қилиб, Ф.В.Гурин ва бошқалар чоп

эттирган дарслик институт талабалари учун мўлжалланган эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Ушбу дарслик таржима учун танлаб олинди ва уни профессор Қудрат Дўстмуҳамедов билан камина таржима қилдик ва унинг ёнига ЎзДЭУ автокорхонаси бўйича кичкина рисолани ҳам қўшдик. Бунинг самараси ўлароқ, талабаларимизга ўз она тилларида таржима шаклидаги дарслик туҳфа этилди.

Афсуски, баъзи бир олимларимиз нотўғри йўлга кириб, ҳар хил йўллар билан аслида таржима асарларини ўзларининг дарслик ёки ўқув қўлланмалари деб чоп эттирмоқдалар. Маълумки, дарслик ёки ўқув қўлланманма маҳсус эксперт кенгашида кўрилади, сўнгра илмий кенгашда тасдиқдан ўтиб, нашриётга топширилади. Бу энг тўғри йўл! Кўчирмакашлик - эса қаллобликдир.

Бир мисол: ўз вақтида бир «олим»нинг ёзган дарслигига кафедра томонидан салбий баҳо берилган эди, кафедра мудири ўзгаргандан сўнг, қарор ўзгартирилган (яъни сохталашибирлигана) ва у дарслик «Ўқитувчи» нашриётидан чиқиб кетган. Бу китоб аслида дарслик эмас, балки монографияга ўхшашроқ бир нарса: талабалар учун дарслик сифатида тавсия этилиши ҳам мантиқа тўғри келмайди.

Яна бир мисол: ўз вақтида техникумлар учун бир «дарслик» ёзилган ва чоп этилган. Лекин ушбу китобни техникумлар бошқармаси раиси «дарслик» сифатида тарқалишига йўл қўймаган, чунки у жуда саёз бўлган.

Ўйлайманки; ҳар бир муаллиф энг аввало ўз виждони олдида пок бўлиши лозим. Иккинчидан ўқувчиларга керакли, янги маълумотларни бериш керак. Бунинг учун дунё миқёсида шу соҳа бўйича олиб борилаётган барча илмий изланишлардан воқиф бўлиш шарт. Илмий иш қиласиган одам ЭҲМ ва интернет нималигини билмаса, қандай қилиб

дарслик яратса олади? Биз институтда кечроқ бўлсада, бундай қаллобликка чек қўйдик.

Айрим олимлар ўз маъруза матнларини дарслик деб юрибдилар, бу хом хаёл. Уни дарсликка ёки ўқув қўлланмага айлантириш учун мashaқатли ижодий меҳнат керак. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Катта меҳнатлар эвазигагина мақсадга етиш мумкин. Бу соҳада ижодкор олимларга муваффакиятлар тилайман. Орзулари амалга ошсин. Талабаларимиз замон талбларига жавоб берса оладиган зукко мутахассислар бўлиб етишсин ва ўз устозларини доимо хурмат билан тилга олишсин.

Луғатшунослик. Техник атамалар қўмитасининг аъзоси сифатида шуни айтишим мумкинки, луғат яратиш дарслик ёзишдек ўта масъулиятли ижодий жараёндир. Бу ғайриоддий вазифани уддалаш учун ҳар хил (техник) соҳа олимлари ва мутахассислари ишлашлари лозим. Бундан 10-11 йил муқаддам бизнинг «команда»миз «Русча-ўзбекча автотрактор луғати», ҳамда «Инглизча-русча-ўзбекча автотрактор луғати» яратиш устида ижодий иш бошладик. Бунга аввал мавжуд «Русча-французча луғат»ни асос қилиб олдик. Ҳар бир бўлажак муаллифга салоҳиятига қараб, маълум қисмлар ажратиб берилди. Айримлар бу иш қўлидан келмаслигини билиб ўзини четга тортди. Иш секин-аста ривожлана бошлади. Муаллифларнинг ҳар бири ўзи билганича русчага монанд атамалар топиб ёзиб келишди. Шу билан уларнинг иши тугади. Энг асосий иш эса олдинда эди. Махсус ижодий груп ҳар бир сўз таржимаси ёки муқобил варианти устида тортиша бошлади. Ҳамма груп аъзолари бир фикрга келганларидан сўнг бу сўз ёки атама маъқулланарди. Бу груп камина ва профессорлар А.Ҳ.Ҳамидов, Қ.Н.Дўстмуҳамедов ҳамда мутахассис А.Аҳмедовлардан ташкил топган эди.

Ниҳоят, 2000 йилда «Русча-ўзбекча автотрактор луғати»нинг биринчи нусхаси принтердан чиқарилиб, атама кўмитасига тақризга топширилди. Таниқли олимлардан ижобий баҳо олинди. Камчиликлар бартараф этилиб, қайта топширилди ва кўмитанинг луғатни босиш мумкин деган ёзма қарори олинди. Бу катта ғалаба эди. Биринчи марта «Русча-ўзбекча автотрактор луғати» (тўлиқ ҳолда) «Ўзбекистон миллий Экциклопедияси» Давлат илмий нашриётида 2002 йилда (2 жилд) босилиб чиқди. Кўп ўтмай «Инглизча-русча-ўзбекча автотрактор луғати»нинг дастлабки нусхаси (2002 йилда) Ўзбекистон атамалар кўмитасига тақдим этилди ва у ҳам ижобий баҳоланди. Ушбу луғат З томда нашр этилди. Изланишларимиздан хабар топган россиялик олимлар бизга «Русско-английский автотракторный словарь» яратиш таклифини билдиришди. Бу ишни камина ва аспирант О.Қодирова ўз зиммасига олди. У ҳозирда 300 нусхада кўпайтирилмоқда ва Россия университетларига тақдим этилади. Ҳозирги кунда «Русча-ўзбекча автотрактор луғати»нинг электрон версияси тайёрланди ҳамда лотин графикасига ўтирилиб, қайта ишлаб чиқилмоқда. Ушбу ишларда магистрант И.Ҳабибуллаев ва талаба Т.Мусаевлар катта ёрдам беришмоқда. Ушбу лугатлар ҳар бир муҳандис ёки раҳбарнинг жавонида бўлиши керак. У кўпгина соҳаларни қамраб олгани учун техника олий ўқув юртларининг талаба ва аспирантларига ўқиш ва изланишларида қўл келади, мушкулларини осон қилади. Таржимонларимизнинг маشاққатли ишларини енгиллаштиради. Бу лугатлар ҳам маҳсус тақдимот қилиниши мақсадга мувофиқ, чунки буни республикада кўпчилик билмайди.

Инглиз тилидаги дарсликлар Ўзбекистон техника олий таълими муассасалари учун керакми?

Бизнингча, зарур! Чунки иқтидорли талабаларимиз ва магистрантларимиз билимга чанқоқ, инглиз тилини ва компьютер технологияларини мукаммал ўзлаштириб олмоқдалар. АҚШда, Англияда ва бошқа мамлакатларда магистратурани битириб келган ёш олимлар бир неча фанлардан инглиз тилида дарс олиб бормоқдалар. Талабаларда қизиқиш катта. Шуларни эътиборга олган ҳолда магистратура давомида ўқитиладиган, замонавий технологияларни ўз ичига қамраб олган дарсликларни инглиз тилига ўтиришни ва чоп этишни мақсад қилиб қўйдик. Катта қийинчиликлар эвазига бу мақсад ҳам амалга ошиди. «Машина деталларини тиклаш технологияси» ва «Автомобил ва трактор двигателлари» дарсликлари инглиз тилига ўгирилди. Энди уларни реклама қилиб чет эл университетларига етказиш керак. Бу ҳақиқий бизнесдир. Унинг орқасидан яхши маблағ топиш мумкин. Билимли, салоҳиятли, кучли олим яхши яшаши керак. Бунинг учун дарслик замон талабига жавоб бериши, харидоргир бўлиши лозим.

Янги педагогик технологиялар нима ўзи? Содда қилиб айтганда, ҳозирги давр талабларига жавоб бермайдиган XX аср ўқитиш усуллари билан мукаммал таълим бериб бўлмай қолди. Шунинг учун ривожланган давлатларда билим беришнинг янги усуллари ўйлаб топилмоқда. Интерактив усуллар, масофадан ўқитиш, дарсликларнинг электрон версиялари, лектор тизими орқали ўқитиш ва ниҳоят интеграллашган ўкув комплекслари шулар жумласидандир. Улар ёрдамида билими саёз мутахассисларни ўкуви ва малакасини юқори даражага олиб чиқиш мумкин. Акс ҳолда билими саёз мутахассислар қийин ахволга тушиб қолишлари ҳеч гап эмас. Бу бизга маъқулми? Асло! Мадомики, ёшларни янги усулда ўқитишга ўтиш керак экан бунинг учун яна

пешона терини түкиб ишлаш, менимча ҳар бир профессор-үқитувчига, кафедра мудирига бериладиган устама ҳақ ҳақиқий билим сифатига қараб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Таниш-билиш ва андишанийишириб қўйиш керак, бу ўринда. Талабаларнинг қолдиқ билимларини баҳолаш маҳсус, ҳеч кимга бўйсунмайдиган эксперт гурӯҳлари орқали амалга оширилса тўғри бўлади. Ҳар бир ўқитувчи ўз талабаларининг яхши билим олишлари учун курашишлари керак. Бу замон талаби. Акс ҳолда Ўзбекистонимизда, айниқса, техника соҳасида ривожланиш сусайди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Бунинг учун барча фанлардан ИЎКлар яратилиши даркор. Вазирлик қошида маҳсус комиссия тузилиб, ҳар бир олийгоҳнинг имкониятларидан келиб чиқиб, аниқ режа ишлаб чиқилиши керак. Режада қайси олий таълим муассасаси қайси фандан ИЎК яратади ва муддати кўрсатилган бўлиши лозим. Уларнинг химояси ҳам ўйланиши лозим ва бозорини ҳам шакллантириш ҳозирги кун талаби. Юқорида айтганимиздек, бу ҳам бизнеснинг бир тури.

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Урф-одат, анъана, расм-русумлар муйаян бир миллатнинг аҳлоқий қарашлари, тарихий тажрибаси ва хатти-ҳаракатлари замерида вужудга келиб, ўзига хослик касб этади. Миллий хусусият табиат, феъл-атворга мослашувчанлиги билан урф-одатлар барқарорлигини, содда қилиб айтганда, анънанавиийлигини таъминлайди. Урф-одатлар халқнинг тафаккур ва турмуш тарзи маҳсулидир. Даврлар ўзгарган сари урф-одатлар бойиб такомиллашиб, ўзгариб бориши мумкин. Айни пайтда маънавий глобаллашув жараёнида урф-одатлар маълум маънода асраб-авайлашга ва

сақлағ қолишига муҳтожлик сезади. Чунки миллий урф-одатларимиз бир томондан ёшларимизни миллий руҳда тарбиялаш омили бўлса, иккинчидан фарзандларимизни илм ўрганишга чорлайдиган маънавий таянч ҳамдир. Юнон ва Хитой тарихчилари ёзишича, қадимги аждодларимиз бўлмиш сүғдлар беш ёшдан ўз боласига хат-савод ўргатишган. Демоқчимизки, ҳалқимизда азалдан савод чиқаришга ва илм олишга эҳтиёжмандлик фазилати одат сифатида шаклланган. Одатлиги шундаки, ота-боболаримиз биз каби фарзандлар иқболини илм ва касб-хунар билан шуғулланиш омилида кўришган. Бундан ташқари қадимги одатларимизда илмли инсон бошқа инсонларга нисбатан бир поғона баландда юриши, зиёли оила вакиллари янги туғилган чақалоққа исм кўйишни мутаффакирлардан сўраши илми-урфоннинг қадри нечоғлик улуғ эканлигини кўрсатади. Алишер Навоий (Вазири олам) айтишларича бир куни отда ўтиб кетаётсалар Абдураҳмон Жомийнинг набиралари кўчада ўйнаб ўтирган экан. Улар дарҳол отдан тушиб, тавози билан устозларининг набирасини тавоф қылган ва салом берган эканлар. Бу яхши удум эмас-ми? Қолаверса, урф-одатларимизга ислом динининг кириб келиши назаримизда уни мустаҳкамланишига ва ривожланишига хизмат қилди. Айтмоқчимизки, урф-одатларимизнинг мақсади ҳам, муқаддас динимизнинг нияти ҳам инсонни эзгуликка мойил ва илмга интилевчан қилиб тарбиялашдир. Шу ўринда улуғ ватандошимиз Имом Ал Бухорийнинг «дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай» деган ҳикматомуз сўзлари ёдга тушади. Албатта, илм-фанга миллий урф-одатларининг нима дахли бор демоқчимисиз? Маълумки, мамлакат тараққиёти интиллектуал салоҳиятга боғлиқ. Бундай салоҳиятга ким эга бўлмоғи керак? Албатта замонавий ёшлар. Улар урф-одатларимизни қалбга жо қилган ҳолда замон талабига жавоб

берадиган мутахассис бўлишлари лозим. Интиллектуал салоҳият эса ёшларимизда миллий одоб, урф-одат, фазилатлар асосида шаклланувчи омилдир. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, миллий урф-одатларимиз одоб-аҳлоқимизнинг сарчашмасидир.

Ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, она заминга чексиз муҳаббати, меҳмондўстлик, катта ёшдагиларни иззат-хурмат қилиш, ота-онанинг сўзини икки қилмаслик, нонни, сувни, устозларни эъзозлаш билан боғлиқ бўлган қадимий урф-одатлари ҳозир ҳам ҳаётий мазмунга эга. «Авесто» китобида зикр этилган зардуштийликнинг тўрт асосий унсурларидан санаалмиш ҳаво, сув, тупроқ, оловнинг муқаддас ҳисобланиши бугун ҳам мавжуд бўлган удумларимизда ўз аксини топган. Масалан, ўтмишда анҳор сувларига ифлос нарсаларни ташлаб, уларни лойқалатиш таъқиқланган. Нонни қадрлашни, увогини ҳам увол қилмасликни халқимиз болаликдан ўргатади. Меҳмон келганда дастурхонга биринчи бўлиб нон қўйилиши, икки ёш турмуш қуришидан олдин улар жуфти-ҳалол бўлсин деб 2 та нонни ушатиш одатларида ҳам халқнинг эзгу орзу умида экс этган. Қолаверса, чақалоқларнинг бешиги ёстиғи остида ризқли бўлсин деб жуфт нон қўйилиши, узоқ сафарга жўнагандা, ризқи узилмасин деб нон тишлатилишида ҳам рамзий ва ҳаётий маъно мужассамдир. Инсон туғилишидан бошлаб то вафот этганга қадар урф-одатларимиз ва анъаналаримиз қуршовида ҳаёт кечиради. Ушбу омиллар бир томондан инсон ҳаётига мазмун бахш этса, иккинчи томондан унинг орзу интилишлари, ўй-хасратларини ифодалайди.

Урф-одатлар шарқона тарбия ўчғи ҳамдир. Шарқда азалдан ота муқаддас зот ҳисобланади. Глобалашувнинг салбий хусусиятлардан бири шундаки, минг афсулар бўлсинки, бугун бола ўз отасидан мол-мулк талаб қилиши,

керак бўлса судга бериши ҳолатлари қайд этилмоқда. Лекин, ўзбекона оиласарда ота чизган чизиқдан чиқмаслик, отадан олдин таомга қўл узатмаслик ва ҳар бир ишда отани намуна деб билиш одатлари қадриятларимизнинг нечоғли ҳаётийлигини кўрсатадиган ижтимоий феноменdir. Зеро, ўзбекларда ушбу хусусиятлар асрлар давомида ўзини оқлаб келган. Афсуски бугунга келиб эса айрим фарзандлар ота айтганини қилиш у ёқда турсин, ўз ота-оналаридан хабар ҳам олиб туришмайди. Бўлмаса қариялар уйи бўлармиди? Бирники мингга, мингники туманга деб шуни айтсалар керакда. Айтмоқчиманки, миллий қадриятларимизни тиклаб, оиласада ота ўрни ва мавқеини ошириш фурсати етди. Чунки ҳалқимиз менталитетида фарзандларни оқ ювиб, оқ тараф вояга етказган ота-оналарни ҳурмат қилиш, бошга қўтариш фазилати мавжудки, ундан унумли фойдаланишимиз зарур.

Маълумки, устоз-шогирдлик муносабатларига оил урф-одатлар бутун бир тамойилни ташкил этади. Зайниддин Воис Кошифийнинг ёзиича «устоз шогирд учун бутун умр мобайнида ибрат ва намуна ҳисобланади». Ўтмишда ҳалқимиз фарзандларини «эти сизники, суяги бизники» лея устоз ихтиёрига топширишган. Устозлар шунчалик ҳалол бўлишганки, шогирддан таъмагирлик қилишмаган. Лекин, шогирд ҳам устознинг маслаҳатисиз ҳеч бир ишга қўл урмаган. Урф-одатларнинг барқарорлиги номақбул ишлардан тийилишга чорлаган. Устозга бўлган ҳурмат ва шогирдга бўлган меҳр занжирсимон боғланиш билан урф-одат шаклида ворисийлик касб этган. Афсуски бугунги кунимиизда ана шундай урф-одатларимизда дарз кетиш ҳолатлари учрамоқда. Баъзан шундай бўладики, устозга ишининг тушса нимадир олиб боришинг, қандайдир ишини битказиб боришинг кераклиги салбий анъанага айланиб қолмоқда. Айрим ҳолларда, номзодлик ва докторлик диссертация ҳимоясидан кейин

қилинадиган тадбирлар дабдабали маросимларга айланиб кетмоқда. Одатда бундай хурсандчиликларни яқин қариндошлар ва ошна-оғайнилар ўртасида кичкина, камҳарж қилиб нишонламоқ мақсадга мувофиқ. Урф-одатларимизнинг салбий жиҳатлари хақида ҳам гапириш фойдадан ҳоли эмас. Масалан, маҳаллийчилик салбий «одат»ини олайлик. Тўрт беш киши йиғилиб қолса, бирининг қаердан эканлигини, қайси вилоятдан келганини суриштира кетади ва бу билан одам ажратади. Аслида Ўзбекистон якка - бизнинг Ватанимиз. Ким қайси вилоятдан бўлмасин, бир мамлакат фуқоросидир. Халқимизда бу иллатга қарши ижобий одатлар мажмуасини шакллантириш мумкин. Юртбошимиз айтганидек, «Биз маҳаллийчиликка, гуруҳбозликка чек қўйишимиз зарур». Бундай нарсаларни орамиздан кўтариб ташлашимиз керак. Бу ишимизга халақит беради. Дунёда миллати битта у xorazmlikmi, farqonalikmi, surxondarёlikmi фарқи йўқ – ўзбекдир.

Яна шуни айтишимиз керакки, одатларнинг халқни жипслаштиришга чорловчи хусусиятлари ҳам мавжуд. Ўтмишда Ўзбекистонда барча қурилиш ишлари шаҳарда, маҳаллада, қишлоқда, жамоа томонидан олиб борилган. Жамоаларнинг ташаббуси билан ҳашарлар уюштирилган. Ҳашарлар мамлакатни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган. Ҳозир ҳам бу анъанадан кенг тарзда фойдаланилмоқда. Унинг яна бир хислати шундаки, ҳашарларда одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат туйғулари мустаҳкамланган.

Тўйлар билан боғлиқ урф-одатлар ҳам жамоани жипслashiшига олиб келган. Бешик тўйи хусусида гаплашсак. Бешик чақалоқнинг она қариндошлари томонидан олиб келинган, дастурхонга нон, патир ва анвойи ширинликлар қўйилган. Кўп жойларда чақалоққа атаб той

ясатилган. Мәҳмонар кутиб олинганды, ниятлари оқ бўлиши, болага баҳт тилаш рамзи сифатида уларнинг юзларига ун сепилган ва ирим-сирилар уддалангач чақалоқ бешикка беланганды. Бешик устига парварда ёки қанд сочилган. Тўрт-беш кишига таом тортилгандан кейин маросим тугаган. Ҳозирда-чи, босар-тусарини билмаган бойваччаларимиз бешик тўйини ҳам катта маросимларга айлантириб, ресторанларда ўтказиб ўз-ўзларини кўз-кўз қилмоқдалар.

Ўзбек халқида инсоннинг охирги манзилга кузатиш билан боғлиқ дағнин маросимлари шаклланган. Яъни марҳумни «мехмон» қилиш (қора ош тортиш), йиғи маросими, чиқариш ва марҳумнинг гуноҳини олиш, дағнин этиш одатлари ҳам мавжудки, у ҳам ўзбек халқининг ўзига хос хусусияти. Халқимиз киши кечаси ёки куннинг биринчи ярмида вафот қиласа, уни одатда ўша куни чиқаришган. Куннинг иккинчи ярмида вафот қиласа, чиқариш эртанги кунга қолдирилган, яъни марҳум бир кеча меҳмон қилинган. Бунда узоқ яқиндан дағнин маросимига келганларга қўшниларнинг бирининг уйида пиширилган таом тортилган. Албатта, яқин кишини йўқотиш-офир жудолик. Лекин у вафот этгандан сўнг, ким ўзарга еттиси-ю, йигирмасини дабдабали тўй қилиб ўтказгандан кўра инсоннинг тириклигига ардоқлагани минг афзал.

Урф-одатлар жамият тараққий этган сари муайян ўзгаришларга учрайди. Эскиси ўрнини янгиси тўлдириши мумкин, лекин ана шу янгиси ҳам маълум бир замин замирида вужудга келишини назардан қочирмаслигимиз керак. Демоқчиманки, ёшларимиз тарбиясида муҳим рол ўйнайдиган, маънавий ҳаётимизнинг ажralмас қисмига айланниб қолган анъаналаримизни ривожлантирумомиз лозим. Яна айтиш мумкинки, халқимизда мавжуд барча урф-

одатларни ўрганиш, яхшиларини таңлаб олиш ва тарғиб этиш фурсати етди. Чунки халқимизнинг бугунги куни ва эртасини миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

МАЊНАВИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ **Сиз Фарбда яшаяпсизми, Шарқда?!**

Ўзбекистон Шарқ мамлакатларидан ҳисобланади. Географик ибора билан айтганда, Урал тоғлари Евросиё материгини Европа ва Осиё миңтақасига ажратиб туради. Осиёнинг муқобил номи Шарқдир. Шарқ азал-азалдан ўзига хос урф-одатлари, қадриятлари, анъаналари билан ажралиб туради. Бундан ташқари, шарқликлар мардлиги, жасурлиги ва меҳрибонлиги билан донг таратган. Тадқиқотчиларнинг аниқлашиба, шарқликлар фазилатларида жуда кўп ўхшаш ва умумий жиҳатлар бор. Қадриятларни демократик фазилатлар деб аташ мумкин. Шарқона ҳаётнинг ўз белгиси бор. Ота-она фарзандлари мисолида ўз келажаги ва наел давомийлигини кўради. Тарбиялайди, боқади, катта қиласи, ўқитади. Болам кўпдан кам бўлмасин деб яшайди. Ўзи емаса ҳам болаларига беради.

Фарбда икки севишган йигит ва қиз бир йил никоҳсиз яшайди, кейин турмуш қуришини ўйлаб кўради ёки бири иккинчисини жонига теккан бўлса, бошқасига кетиб қолади. Буни улар «эркинлик» деб аташади.

Шарқда оила муқаддас кўргон. Уни асрар учун кексаю ёш бирдек жавобгар. Фарбда ажралишаётганларнинг бирига насиҳат қилиш «эркинлик»ни бузилиши деб аталади.

Фарбча яшаш, фикрлаш ва кийиниш тарзи экспорти
«Ёлғон асираси» телесериали қаҳрамони Паола эри
бўла туриб, кўнгли истаган ишини қиласи.

Қайни singlisisinинг эридан тортиб, бир нотаниш миллиардер билан дон олишиб юради. Балки бу ғарбда одатий ҳолдир. Лекин, бизнинг телеканалларимизда бу манзарани кўрсатиш ёш оилаларга салбий таъсир қиласмикин? Демоқчиманки, ғарбдан андоза олишга ўрганиб қолганлар бундан ҳам тегишли «ибрат» олишлари мумкин. Шундаям, статистик маълумотларга кўра, юртимизда йилида 20 мингга яқин оила бузилади. «Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, бекор қилинган никоҳ аҳдларининг салкам 70 фоизи оилавий ҳаётнинг дастлабки тўққиз йилига тўғри келади. Бир йил ёки бир йилга етмай ажралганлар эса 11,5 фоизга тўғри келади».

Албатта, ажралишга сабаб қилиб кўрсатилган далиллар ичida хиёнатдан тортиб икир-чикир асослар ҳам бор.

Ғарбда никоҳ романтик муҳаббат меваси сифатида талқин этилади. Шарқда ҳам севги муқаддас қадрият ҳисоблансада аксарият ҳолларда оила қургандан кейин бошланади ва бундай муҳаббат узоқ яшайди. Ғарб дунёсида ҳар бир одам учун унинг жамиятдаги мавқеидан қатъий назар тотал тенглик тамойилини мутлақлаштириш ва шахснинг индивидуал озодлигини таъминлаш тақазо этилади. Платон таъбири билан айтганда: «Сенинг ҳуқуқинг менинг ҳуқуқим бошланган жойда тугайди» дейишади.

«Окна» кўрсатувида, бир рус аёли ўз эрини кўрсатувга чақириб, унга хиёнат қилишига қаршилик билдири маслигини, қолаверса иккаласи ҳам тенг ҳуқуқли эканлигини, у ҳам шундай йўлни тутишга ҳаққи борлигини шама қилди. Ўйланиб қоласан, киши, бундай «ўйин»дан турмушда маъно қани? Наҳотки, инсон ўзининг беш кунлик умрини беманигарчиликлар билан исроф қилса? Баъзан ачиниб кетаман. Айни пайтда одамлар ўз қилган гуноҳларидан афсусланиш ўрнига мақтанадиган бўлиб қолганлар. Кимдир

«гўл экан боплаб тушурдим-да, шунча фойда қолди» деса, яна аллаким «аҳли аёлимга билдириласдан, жононларни кўлдан ўтказиши давом этаман» дейди. Бу билан гуноҳ қилиш айрим кимсаларнинг яшаш тарзига айланиси қолганлигини кўрсатади.

«Поцелуй, вылет» деган кўрсатув бор МТВда. Афсуски, айрим ёшларимиз уни муккасидан кетиб кўришади. Кўрсатувда бир қиз икки йигит билан обдон танишиб, бирини танлайди. Ёки аксинча бўлади. Бундай номақбулчиликлар бизнинг менталитетимизга мутлоқо тўғри келмайди. Аллоҳ ҳам Момо Ҳавони Одам Атога жуфти ҳалоллик учун яратган. Шунинг учун Шарқда эркак ва аёлни турмуш қуриши бир жиҳатдан Пайғамбаримиз суннати ҳисобланадилар. Чунки Пайғамбаримиз ҳам уйланганлар. Иккинчидан, аёл ва эркак никоҳи насл-насад пойдорлигини таъминлайди. Бир жинс вакиллари никоҳи эса назаримда, маънавий тубанликлир. Ҳинд файласуфи Нагаржуни айтганидек, «аҳлоқсиз жамият бўлмайди. Чунки жамиятни аҳлоқ меъёрлари бошқаради. Аҳлоқсизлик авж олган жамият эса ҳалокатта учрайди».

Албатта ҳар ким дунёни ўз қаричи билан ўлчайди. Фарбда шахснинг индивидуал озодлигини таъминлаш ёшларни шафқатсиз ва бераҳм қилиб вояга етишга ҳисса кўшмоқда. Ота-она кўмагисиз ўқиган ва ишлаган фарзанд эртага керак бўлса ота-онасига қайрилиб боқмайди, мулк талашиб отасини судга беради, оқ ювиб оқ тараган онасига қарз бериб, қисталанг қиласди. Уларни фикрлаш тарзи ҳам шунга мослашган. «Ёлғон асираси» телесериали қаҳрамонларидан бири фикрлади: «унинг ожиз томонларини рўқач қилиб, дағдага қилсан, кўрққанидан истаган пулимни беради» ва ҳакозо. Айтмоқчиманки, глобаллашув жараёнида фикрлашдан тортиб аҳлоққача

«экспорт» тариқасида ривожланаётган мамлакатларга сүклиб киради.

Фикрлаш тарзи яшаш тарзини белгиловчи омилдир. Бундан ташқари, кийиниш тарзи ҳам дунёқарашиб махсулидир. Глобаллашув ўз таъсирини барча жабхаларда ўтказмоқда. Қизларимиз замонавийлик кетидан қувиб, калта юбка, тор шим, ярим очиқ кофталарга ўзларини урмоқдалар. Албатта, замон билан ҳамнафас яшаш яхши.

Аммо, миллий лиbosларимизни оёқ ости қилиб, кўйдирмаслигимиз керак. А.Бегматов ёзади: «XX аср бошидагилар бир кун келиб ўзбек қизлари шим кийишади, шим кийганда ҳам баданларига ёпишиб турадиган шим кийишади, қоринларининг анча қисми очиқ бўлади, сигарет чекишиади дейишса, албатта бунга улар мутлақо ишонишмасди».

Аҳлоқ ва андиша

Глобаллашувни таржима қилганимизда умумлашув маъносини беради. Янада тушунарли қилиб айтганда, маънавий глобаллашувнинг асосий хусусияти шундаки, дунёдаги турли мамлакатлар, давлатлар, минтақалар орасидаги маънавий таъсир ва тажовуз кучайиб боришидир.

Мишел Адамъ «Глобаллашув-замон талаби. Таракқиёт қанчалик илдамласа замонавийлик кучаяди» дейди. Аммо ҳар бир мамлакатнинг ўз маънавият модели бор. Замон талаб қилаётган экан деб миллий қадриятлардан юз ўтириш бебурдликдир. Чунки, баъзи бир ўз оғзига хўжайнлик қила олмайдиганлар миллийлик инсон ҳуқуқларига зид деб ногора чалсаларда, қадриятларимиз сенинг, менинг, унинг қиёфасини белгиловчи ўзлигимиздир, эътиқодимиздир. Эътиқод - ўтда куймайдиган, сувга чўкмайдиган хусусиятга эга.

Ўйлаб кўринг, азиз ўқувчи, ўзбекларда асосан қўл бериб саломлашишади, одоб сақлаб қўлини кўкракга қўйиб саломлашишади. Ҳозирчи? Йигит қизларимиз ўпишиб кўришадиган ёки ўпишиб хайрлашадиган бўлиб қолганлар. Бир замонлар бўлажак куёв то тўй бўлгунча қайнотадан қочиб юради. Бугун-чи? Қиз бўлажак турмуш ўртоини дадасининг олдига бошлаб боради.

Бўлажак қайнота-куёв ўтириб, қиттай-қиттай қилишади. Айтмоқчиманки, ўртадаги хурмат-иззатнинг нозик торлари узилаётгандек. Ўзбекона андишага путур кетаётгандек.

Сизга нима бўлди?

«Хуррият» газетасида ёзилишича, бир эркак уйда ўтиаркану, хотини танасини сотиб, оила боқаркан. Ўқиб, ёниб кетдим. Эркаклик ғурури қайда қолди, дейман ўзимга ўзим ёки Туркияда фоҳишахоналарнинг қонунийлаштирилганлиги ва улар давлатга солиқ тўлашига нима дейсиз?!

Фарбча яшаш тарзида никоҳсиз дон олишиш одатий ҳолга айланиб қолган. Қизлар номуссиз оила қуришади, йигитлар эса номусли қизга уйланмайди. Бизда эса бунинг акси. Қизлар номусини авайлаб асрайди, шарм-ҳаё унинг зийнати ҳисобланади.

Оила бошлиғи ота-она фарзандлар учун жавобгарликни ҳис қиласиди. То қизи узатилгунча унга кўз-кулоқ бўлади, унинг шаъни оила шаъни эканлигини уқтиради.

Ҳозир-чи, ҳозир?! Оталар қизлари, умуман фарзандлари устидан назоратни сусайтиргандек.

Оддий мисол: мактаб ўқувчилари йигит-қизлар кўчаларда бир-бирини ялаб-юлқаб, қучоқлашиб юради. Бу ҳолни яна сиз замонавийлик дерсиз. Йўқ, йўқ бу

аҳлоқсизлик, аникроғи ҳәёсизликдир. Ҳа, азиз ота-оналар, сизга нима бўлди? Нега бунчалик беларвосиз?!

КИТОБСЕВАРМИСИЗ, КИТОБСУЯР?

Зиёли инсон учун энг яхши совға китоб. Чунки, яхши китоб маънавий булоқ. Суви бирам шифобахшки, танант яйрайди, руҳинг тетиклашади. Қанча кўп китоб ўқисанг, билиминг ўсиб бораверади. Китоб ўқиш ҳам маданият. Афсуски, кўпчилигимиз зарурат бўлсагина китоб ўқиймиз. Яхши бир асар ўқисанг, ўзингни ва дунёни қайта-қайта кашф этасан. Китоб бир томондан инсонни тарбиялади. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Устозим Оқил ака талабалигимда ўз китобини менга совға қилиди. Тилла топган одамдай қувончим ичимга сигмайди. Бу рисолани қўзимга суртиб, қайта-қайта ўқидим. Ҳар сафар ўқиганимда янги таассурот оламан. У ҳозир ҳам китоб жовонимда турибди. Айтмоқчиманки, китоб дунёси руҳий-маънавий, илмий ҳазина. Шоҳруҳ Мирзо падари бузруквори Амир Темурдан сўрабди, Улугбек бунёд этишга қодир боғ қандай боғ экан?

-Салтанатимни гавҳари бўлмиш Улугбек барпо этадиган боғнинг номи илму маърифатдир. Бу боғнинг дараҳтлари китоблару, мевалари ҳикматдир. Улугбек яратган китоблар абадиятга етгулиkdir. Китоблар бунёдкорлик, ақл-идрок ва илму донишнинг асоси, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

Баъзи бир талабалар билан суҳбатлашсанг «китоб ўқигандан фойда йўқлигини, пул бўлса чангалда шўрва эканлигини айтиб» маънан кемтиклигини кўз-кўз қиласди.

Уларга ачиниб кетаман. Наҳотки кўнгил кўзи шунчалик кўр бўлса?!

Яна бири, китоб фақат сессияда керак бўлади, чунки ҳозир ўқишга вақтим йўқ, дейди. Аллақайси талаба ўқиганим билан қулоғимга кирмайди деб тўнгиллайди.

Туриб-туриб ўйлайман, наҳотки улар олтин давр зийнати-китоб эканлигини, ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақшлигини тушунишмаса?

Ахир зиёлиликнинг шарти дипломга эгалик эмас, балки билимдоңник эмасми? Улар қизиқсан сканворд сабилни ечиш учун ҳам китоблардан олинган билимлар асқотмайдими?!

Якуний назорат яқинлашиб қолган сари талабалар пайтавасига қурт тушгандек китоб излашади. Уларнинг фикрича, олти ойда олиниши зарур бўлган билимни тегишли китобдан «титулний»га кўчириб бериш билан қопласа бўлади. Якуний назорат вақтида кирсанг ҳамманинг қўлида китоб. Кимдир варакларини йиртиб олиб, титулнийни остига кўйиб, атрофга олазарак бўлиб кўчирмоқда. Яна бири инсоф қилиб китоб саҳифаларини йиртмасдан, икки ёғига қўйволиб бир амалламоқда.

Китобни йиртиш гуноҳи азим. Китобдан кўчирмакашлик қилиш эса маънавий саёзлик автоматидир. Китобни йиртган талабалар имтиҳондан чиқарилиб юборилади. Бу ҳам талабаларни билим олишга, изланишга, китоб ўқишга чорлашдир. Бобомиз Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарога «Ҳамса» китобини тақдим этганда, жаҳонгирнинг севинчи ичига сиғмай дўстини отга миндириб, ўзи жиловидан ушлаб борганини бир кўз олдингизга келтиринг-а.

Ёзувчи Саид Аҳмад қаҳрамонимиз Озод Шарафиддинов ҳақида ёза туриб, қаерга бормасин чўнтағида мири қолмагунча мошин-мошин китоб олади, лейди.

Ҳозир-чи? Кўпинча ёшларимиз китоб дўконларига киришмайди. Кутубхонага дўппи тор келганида, киришга мажбур бўлишади. Чунки топшириқлар бажарилмаса балдан куруқ қолишади-да.

Аслида, китоб ўқиш зарурат эмас, табиий эҳтиёж бўлиши лозим.

Хуқуқингни билмасанг ҳар қадамда қоқиласан, нутқинг бўлмаса маъруза ўқий олмайсан. Бадиий адабиётларни ўқимасанг, кўнгил эхтиёжларингни қондира олмайсан. Китоб бир оҳанграбоки, ақл-заковатни ўстиради, зеҳнни тоблайди, тафаккурни кенгайтиради.

КОНСТИТУЦИОН ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

XX аср охирида рўй берган буюк тарихий воқеалардан бири Ўзбекистоннинг ўз миллий мустақиллигини қўлга киритиш билан Конституциясининг қабул қилиниши бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 6 бўлим, 26 боб ва 128 та мoddадан иборат. Унинг тузилиши, мазмуни инсон жамият-давлат йўналишида ташкил этилган. Бу мазмун инсон манфаатининг энг аввало ҳамма нарсадан устун туриши, давлатнинг асосий диққат-этиборида эканлигини билдиради. Конституциянинг ҳар бир мoddаси, ҳар бир боб ва бўлимларида инсон ҳуқуқлари, бурчлари баён этилган. Унинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари»га бағишланган.

Унда умумий қоидалар фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий - ижтимоий-иктисодий ҳуқуқлари, бу ҳуқуқларнинг кафолатланганлиги тўлиқ ёритиб берилган. Конституцияда кафолатларнинг 4 тури бор, яъни иктисодий, сиёсий, маънавий ва юридик кафолатлар.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари дейилганда, унинг қайси давлат фуқаролигига мансублигидан қатъий назар, у туғилиши билан эга бўладиган табиий, бироқ бошқа шахсга ўтказиб бўлмайдиган ҳуқуқ ва эркинликларнинг йиғиндиси тушунилади.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсоннинг табиий ҳуқуқ ва эркинликлари бўлиб, унинг ҳаёти, соглиги, шаъни ва қадр-қиммати, ор-номуси, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, хусусий ва оилавий сири, тасвирга бўлган ҳуқуқи, номга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, мулкий ҳуқуқ ва бошқа шахсий ҳуқуқлар түғилгандан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан кафолатланган, ҳимоя қилинади.

Бу ҳақдаги меъёрий қонунлар Республикамиз Конституциясини 7-боб ва тегишли моддаларида ўз аксини топган. Бу боб «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб номланган. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсонга тегишли бўлган бошқа ҳуқуқ ва эркинликлардан устувор турари ва улар муқаддас. Шунинг учун бу ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамловчи ҳуқуқий асослар Конституцияда биринчи навбатда берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир инсонга, ҳар бир фуқарога тааллуқли бўлиб, барча учун тенг ва баробардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралишишдан ҳимояланиш ва турар жойини дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бирорнинг турар жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефон сўзлашмалар сирини ошкор қилиши мумкин эмас» деб эътироф этилган. Ушбу фикр Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида ҳам қайд қилинган. Конституцияда шахсий дахлсизлик ҳуқуқи унинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги билан

тўлдирилади. Қонун шахснинг фақат ўзига тегишли бўлган маълумотларни ошкор этмаслиги, унга маънавий ва моддий зарар етказмаслигини кафолатлайди.

Конституциямизда мамлакатимиз ҳудудида эркин ҳаракат қилиш, Республика ҳудудига кириш ва ундан чиқиб кетиш каби инсон ҳуқуқларининг муҳим томонлари ҳам қайд қилинган. Ушбу Конституциявий норма мутлақ характерга эга бўлиб, номулкий шахсий ҳуқуқларни ташкил қиласиди. Шу ҳуқуққа мувофиқ, шахс ўз хоҳиши билан қонунда назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриши, ундан чиқиб кетиши ва ватанга қайтиб келиш ҳуқуқларига эга. Бу ҳуқуқ фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина чекланиши мумкин. Шунингдек, Конституциямизда эркин фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги умуминсоний қадриятларнинг асоси ҳисобланади. Буларсиз инсонларнинг ва умуман жамиятнинг тўлақонли даражада яшашини тасаввур этиш мумкин эмас. Фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги барча маълумотларни қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқларидан фойдаланган фуқароларнинг давлат идораларига, жамоат бирлашмаларига, корхона, ташкилот ва муассасаларга таклиф, ариза ва шикоят қилиш йўли билан жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол иштирок этиш имкониятини беради. Сўз эркинлиги шахсларнинг қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда, референдумлар ўтказишда, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларини сайлашда, ўзларининг мулоҳазаларини баён қилиш ва қатнашишда фаоллигини таъминлайди.

Конституциянинг 31-моддаси виждон эркинлиги тўғрисида бўлиб, мамлакатимиздаги барча шахслар диний эътиқодни қабул қилиши ёки рад этиши, истаган динни эркин танлаб олиш, унга амал қилиш ва ёйишини кафолатлайди. Виждон эркинлигининг асосий юридик

кафолатларидан бири Конституцияда ҳар бир инсон ва фуқаронинг, унинг динга бўлган муносабатларидан қатъий назар, хукуклари ва эркинликлари тенглигидир. Виждон эркинлиги ҳеч қандай қонун билан чекланиши мумкин эмас.

Давлат томонидан фуқароларга бериладиган хукуқ ва эркинликлар билан бирга Конституцияда ва қабул қилинган бошқа қонунларда фуқароларга тегишли бошқа бурчлар ҳам баён этилган. Бурч бу ҳар бир шахснинг ўз вазифаларини тўлиқ бажариши, бошқаларга тўғри муносабатда бўлишидир ёки бурч, бу адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифалардир. Бурчларни бажариш ўз-ўзидан қонунийликни мустаҳкамлашда асосий омил бўлиб хизмат қиласди. Конституциявий бурчлар ҳам қўйилагилардан иборат:

-Конституция ва қонунларга риоя этиш бурчи. Конституцияга кўра фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга мажбурдирлар. Чунки демократик хукуқий давлатни шакллантириш жамиятда қонун устуворлиги қарор топишими тақозо этади. Ҳар бир фуқаро қонунда белгиланган бурчларни бажармаслиги муайян салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Бу уларда қонунларни бажариш масъулияtlарини оширишда ва масъулиятни ўзида ҳис қилиш тушунчасини келтириб чиқаради. Фуқароларнинг асосий бурчлари Конституция ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларда фуқароларнинг Конституцияга риоя қилиш билан бирга, ҳар бир фуқаро ўз хукукларини амалга оширишда бошқа кишиларнинг хукуқ эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматларини хурмат қилишга мажбурдирлар. Қонунчилигимизда фуқаролиги бўлмаган чет эл фуқаролари ҳам қонунда белгиланган бурчларни бажаришлари лозимлиги таъкидланган.

-Халқ меросини асраш бурчи. Конституциянинг 49-моддасида ҳар бир фуқаро Ўзбекистон халқининг тарихий,

маънавий, маданий меросини асраб-авайлаши зарурлиги баён этилган. Тарихий мерос бу тарихга оид муҳим воқеалар, асарлар, ёдгорликлардир. Маънавий мерос кишиларнинг ички руҳий-аҳлоқий ҳаётига оид нарсалардир. Маданий мерос бу маориф, фан, санъат каби соҳаларда яратилган моддий ва маънавий бойликлардир. Буларнинг барчаси мерос деб аталишига сабаб, улар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бойлиқдир. Бу ҳақда Ислом Каримов шундай деган: «Миллий давлатчилигимиз изларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига қадимий бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак».

-Табиатни асраш бурчи. Фуқароларнинг асосий бурчларидан яна бири атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишдир. Конституциянинг 50-моддасида кўрсатилган табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш қоидаси Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қанча қонунларида ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу қонунларнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистон аҳолисининг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, экологик қоидаларга риоя этилиши шартлиги кўрсатилган. Фуқароларнинг ушбу бурчларини лозим даражада бажармасликнинг салбий оқибати, бунда у нафақат ўзига, балки бутун жамиятга зарап келтиради, яъни ҳар икки тараф ҳам маънавий-моддий зарап кўради. Шунинг учун ҳам ушбу бурч Конституциявий бурч сифатида киритилган.

-Солиқ ва йигимлар тўлаш бурчи. Солиқнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими, давлат тузуми вазифаларига кўра белгиланади. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўта бошлаганлиги муносабати билан Конституциямизда биринчи маротаба солиқ тўлаш мажбурияти қонунлаштирилган. Ушбу қонунда ёзилган қоидаларни бузувчиларга молиявий

жарималар солинади ва қонунда кўрсатилган ҳолларда жиноий жавобгарлик ҳам белгиланади.

-Ватанни ҳимоя қилиш бурчи, фуқароларнинг энг асосий бурчларидан бири бўлиб, у Конституциянинг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар» деб белгиланган. Ватан муқаддаслигини қўйидаги жумлаларда ҳам кўриш мумкин «Ватанни севмоқ иймондандир». Пайғамбаримиз Мұхаммад Алайҳиссаломнинг ана шу муҳтасар каломларида инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, унинг фазилатлари, яашаш тарзи ва мақсади ифода этилган.

Инсон хукуқ-эркинликларини муҳофаза қилиш, уларни амалга ошириш механизми Конституциямизда батафсил ўз ифодасини топган. Давлатимиз томонидан инсонлар хукуқ ва эркинликларини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кенгайтираётганини, Ўзбекистон фуқароларининг хукуқ ва бурчлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида кўпгина самарали ишлар амалга оширилгани ва оширилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

ДИН-МАЪНВИЙ ҲОДИСА

Дин ўзи нима деган савол туғилади. У албатта инсон ва дунёнинг яратувчиси, тақдирини белгилаб берувчиси Оллоҳга, айни замонда тўғри йўл ва ҳидоятга чорловчи илоҳий қудратга ишончдир. Содда қилиб айтганда, дин ишонч туйғусидир. «Диншунослик» ўқув қўлланмасида ёзиладики: дин олам, ҳаёт яратилиши ҳақида тасаввур қилишнинг алоҳида тарзи, уни идрок этиш усули, оламда инсоният пайдо бўлгандан то бугунга қадар илоҳий

тасаввурда акс этишидир. Дин - комил инсонни тарбиялашда салмоқли қудратга эга бўлган маънавий-аҳлоқий кучdir. Оллоҳ, барчамизning қалбимизда, юрагимизда деб ёзади Президентимиз ўз рисоласида - яратгани доимо ёд этамиз, ундан мадад сўраймиз. Бинобарин, Ислом дини ҳаётимизning туб замирига сингиб кетган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31 моддасида ёзилганидек, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Дин бу кўнгил иши. Бош қомусимиз билан бирга «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун ва Жиноят, Фуқаролик ва Оила кодекслардаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги қоидалар ҳаётимизда ластуруламал бўлиб келмоқда. Инсон хукуклари умумжаҳон декларациясига мавофиқ ҳам ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги хуқуқига эга.

«Дин афюндинир» деб эълон қилган мустабид тузумдан халос бўлиб, «дин маънавиятдинир, маърифатдинир» деган ҳақиқатга амал қилинаётган мустақиллик даврида яшамоқдамиз.

Дарҳақиқат, муқаддас динимиз Ислом аҳлоқ, маънавият, маърифат, руҳий баркамоллик динидир. Ушбу фикримизни пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг «Мен гўзал аҳлоқларни мукаммал этмоқ учун пайғамбар қилиб юборилдим» деган ҳадиси мубораклари ҳам тасдиқлади.

Яратган эгамиз томонидан айнан қурайш қабиласи вакили Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг (с.а.в) пайғамбар мақомига кўтарилишига ҳам Расули Акрамнинг ҳалол, тўғрисўз, самимий ва диёнатли эканликлари сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам «Куръони карим» да «Эй Муҳаммад, сиз

буюк ахлоқ соҳибисиз», дея мараҳамат қилинади. Оллоҳ томонидан нозил қилинган барча динлар, ҳусусан Ислом дини ҳам инсоният ахлоқсизлик ва жаҳолатга юз буриб кетаётган тарихий паллада, ўзи суйган зот - Пайғамбар (с.а.в) воситасида нозил қилинган ва асосий вазифаси юксак ахлоқ, маърифат ва руҳоният соҳибларини тарбиялашдан иборат бўлган.

Ҳақиқий мусулмоннинг қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини, пайғамбар алайҳиссалом ҳадиси муборакларида батафсил баён қилганлар: «тилидан ва қўлидан бирорга зарар етмайдиган киши ҳақиқий мусулмондир», дейдилар. Демоқчиманки, зулм, тажовузкорлик, қўполлик, дилозорлик мусулмон кишига хос эмас. Яна бир ҳадиси муборакда Расулуллоҳ: «Одамларнинг энг яхшиси башариятга кўпроқ манфаат келтирадиганидир», деб марҳамат қилганлар. Яъни ким жамиятга моддий ва маънавий манфаат етказса, ўша одам комил мусулмондир.

Динимизда илм олиш ва меҳнат қилиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун бурч қилиб қўйилган: «илмни Хитойда бўлса ҳам ўрганинглар, деб кўрсатма берганлар Сарвари Анбиё (с.а.в). Яна бир ҳадиси шарифда шундай дейдилар: «Агар қиёмат бошланиб қолсаю, бирортангизнинг қўлингизда кўчат бўлса, уни имкон қадар экиб қўйиб, кейин ўрнидан турсин». Набиийи Акрам (с.а.в) уззукун масжидда ибодат билан бўлиб, егулик-ичимликни бошқалар олиб келади, деб умидвор бўлганларни ёмон кўрганлар, кўл меҳнати билан кун кўрувчиларни мақтаганлар ва Оллоҳ меҳнаткаш бандаларни сийлайди, деганлар. Бинобарин, Оллоҳга эътиқод қилиш меҳнат қилиш, моддий ва маънавий қадриятлар яратишдан ва улардан баҳраманд бўлишдан воз кечишни англатмайди. Оллоҳнинг номини зикр қилган, унинг буйруқларини бажарган ҳолда, зарур нарсаларни муҳайё қилиш ўз

зиммамизда эканини унутмаслигимиз керак. Оллоҳ мөхнат қилювчи ҳамда ҳаракат қилювчилар билан биргадир. Ал-Раъд сурасининг 11-оятида «Ҳақиқатдан Оллоҳ кишилар ният-мақсадларини ўзгартиргунларича, уларнинг ҳолатини ўзгартирас» дейилган. Халифалардан Умар ибн Хаттоб (р.а)нинг «Осмондан на олтин, на кумуш ёмғир бўлиб тушмайди», деган машҳур ибораси ҳам, у зотнинг мөхнат қилиб насиба топишга бўлган чақириқлари ҳам пайғамбаримиз (с.а.в) ва саҳобаларнинг кўл мөхнатига, ҳалол тер тўкиб тирикчилик ўтказишга бўлган эътиборлари ҳамда даъватларини тасдиқлади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) умматларимнинг нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишидан, илму маърифатга эга бўла туриб, ғоғиллар йўлини тутишидан кўрқаман, деганлар.

Бир ўйлаб кўринг, кибру-ҳавога берилиб, эътиқодини пулга чақадиган инсонлар орамизда йўқми? Фақат еб-ичиш, ялло қилиб юриш учун яшаётганлар, зино, бузуклик кўchasига кириб, мағурланаётганлар бутун топилмайдими? Фоҳиш ва фоҳиша албатта дўзахга маҳкумдир. Ҳаром йўл билан пул топаётганлар гуноҳкорлардир. Ҳадиси шарифда айтиладики, пора берувчи ҳам, ўртада турувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахийдир. Зиёлиларимиз илму-маърифат тарқатмоқдалар. Аммо, баъзи домлаларимиз пора олиш Худо олдида ҳам, қонун олдида ҳам, гуноҳ эканлигини била туриб, хатто ўзи бу ҳақда талабаларга оғиз кўпиртириб айта туриб, яна муллажирингни олмасдан баҳо кўймайдилар. Бу албатта ғоғил, жаҳолат ботқоғига ботган, манфур кишига хос қусурдир.

Яшашдан мақсад нима? Кўпчилик яхши, шоҳона ҳаёт кечириш керак дейди. Тўғри, яхши яшаш лозим. Шоҳона ҳаёт кечириш лозим, лекин дабдаба бирорни чирқиришиш,

ризқини қийиш ҳисобидан бўлмаслиги керак. Яхши ном қолдириш, эзгу ишлар қилиш, бировлар дардига малҳам бўлишдир. Ҳаётда беш нарса ғаниматдир, дейилади ҳадисда.

-ўлимдан аввал тириклиқ, бетобликдан аввал саломатлик, бандликдан аввал бўш вақт, кексаликдан аввал ёшлиқ, фақирликдан олдин бойлик.

Динимиз ота-онага эҳтиромни исломий аҳлоқнинг асосларидан бири, деб билади. Саййид Коинот (с.а.в)нинг «Жаннат оналингизнинг оёқлари остидадир», «Аввало онангизга ва яна онангизга, яна онангизга, сўнгра отангизга яхшилик қилинг», «Ота-она тириклигини уларнинг ҳар иккисининг, ҳеч бўлмаса биттасини розилигини ололмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин» мазмунидаги муборак кўрсатмалари фикримизга мисол ва далилдир. Куръони карим ва ҳадисларда фарзанд тарбияси, аёлларга муносабат, қўни-қўшилар, қариндош-уруглар билан муюмала мавзуларига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Ёлғон сўзламаслик, ҳалоллик, фитнадан йироқ бўлиш, қон тўқмаслик, зулм қилмаслик, зино, қимор, ичкилик каби ёмон ишларни қилмаслик ҳам динимиз кўрсатмалариdir.

Кўриб турибмизки, Ислом динининг асосий мақсади аҳлоқий камолотдир. Бу ҳақда кўплаб уламоларимиз бир қанча мақолалар, китоблар ёзишган.

Афсуски, баъзи шум ниятли кимсалар, тажовузкорлар, жиноятчилар мана шундай юксак инсоний қадриятларни ўзида жамлаган муқаддас динимизни ниқоб қилиб манфур ва беъмани, чиркин ғояларини илгари суриб, ёшларимизнинг онгу-шуурини заҳарлашга уринишмоқда. Дини-диёнатдан бехабар, диний ва дунёвий илмда саводсиз айрим жоҳил кимсалар бундай тоифаларга эргашиб, жиноят кўчасига кириб қолмоқдалар. Улар Оллоҳнинг «Фирқаларга бўлинмаслик», «Оллоҳга, пайгамбарларга ва сайлаб қўйилган

бошлиқларига итоат қилинг», «Динда мажбурлашнинг йўқлиги», «Аҳли китобларга ҳурмат билан муомала қилиш» лозимлиги тўғрисида буйруқларига амал қилмай жоҳил ва бетайин «бошлиқ»ларнинг залолат, жаҳолат ҳамда ҳалокатга бошлайдиган кўрсатмаларини кўр-кўrona бажармоқдалар. «Одамлар орасида шундай кимсалар борки, дунё ҳаёти тўғрисидаги гапи сизга қизиқарли бўлади. Дилидаги «иймони»га Оллоҳни гувоҳ қиласи, ваҳоланки ўзи (исломга) душманларнинг ашаддийсидир», дейилади бундай мунофиқлар ҳақида Бақара сурасининг 204-оятида.

Сўнгги вақтларда жаҳонда содир бўлаётган нохуш воқеалар улар танлаган йўлнинг биринчи навбатда ўzlари ва яқинларига, қолаверса, муқаддас динимиз учун, инсоният учун нақадар хавфли эканини кўрсатиб турибди.

ГУРУРСИЗ ЯШАБ БЎЛАДИМИ?

Гурур, орият, диёнат инсоний фазилатлар гултожидир. Ҳар бир инсон гуурни ўзича тушунади. Кимdir буни нокамтарлик деса, яна бирор инсоннинг қаддини тетик қилиб турувчи куч дейди. Кимdir ҳақоратланса, гуурим топталди, уни вақти келиб боплаб тазирини бераман деб ўксийди. Албатта, гуур бу номус, гуур бу шан. Гуур инсонни бардошли бўлишга, енгилмасликка, юксак чўққиларга чорлаб турадиган ички ботиний куч. Гуур асло манманлик эмас, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, вазифамиз авваламбор, ёшларимиз иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, отабоболарнинг муқаддас қадриятларини асрраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш. Мен ўзбек фарзандиман, деб гуур ва ифтихор билан яшашига

эришишдир. Ўзбекистон ёшларининг фаҳрланиш туйғуси мустақиллик, маънавият, миллий қадриятлар, илму фан, тарих булоғидан озиқланади. Киши руҳини чароғон, қалбини мунаввар, қадди-қоматини алпдек тутиш, тилини узун, сўзини дадил қиласиган хусусият бу албатта ғурурдир. Фурурсиз одам қуриб қолган дарахтга ўхшайди.

Вақт амрига кўра, кекса авлод ўрнини ёшлар эгаллайди ва мамлакат салоҳияти ушбу наслнинг интеллектуал қобилиятига боғлиқ бўлади. Интеллектуал қобилият - фақат билимдонлик бўлиб қолмасдан, аҳлоқий тўқисликни ҳам ўз ичига олади. Арасту ўз шогирдларига «энг аввало ҳулқларинг гўзал бўлсин» деб насиҳат қиласар экан. Чунки, ҳулқ-атвор гўзал бўлса, инсоннинг жамиятда тутган мавқеи ҳам ортади. Бунинг учун даставвал ақл-заковат, фаҳм-фаросат, зеҳн ўткир бўлмоғи лозим. Маънавиятга йўл нима яхши-ю, нима ёмонлигини ажратса олишдан, мустақил фикрлашдан бошланади. Тўхтовсиз ўқиш ва изланиш фақат тажриба тўплаш манбай бўлиб қолмасдан, балки дунёқарашни шакллантирувчи омилдир.

Эртага ўрнимизни босадиганлар ёшлардир, деб таъкидлайди Юртбошимиз. Мамлакатимиз раҳбари ёшларимиз қиёфасида баркамоллик нишонасини кўришни истайди. Комиллик мукаммаликдир. Комил инсон энг аввало ватан қадрини теран англаши, юрт корига ярай оладиган кишидир. Ҳар кимнинг ватани пешонасига ёзилган бўлади. Шунинг учун ватан танланмайди, дейишади.

Ватанинни севиш иймандандур, дейилади муқаддас ҳалисларда. Севигига куч-қувват баҳш этадиган илдиз эса ғурурдир. Чунки, жаннатмакон бу ватаннинг дунёда яккаю ягоналиги ҳар биримизда фаҳр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Эътибор берган бўлсангиз, «мустақил авлод» ёки «мустақиллик ёшлари» иборалари тез-тез такорланиб

туради. Бу нафақат мустақиллик йилларида улғайган авлод, шунингдек, мустақилликни қадрлай оладиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштирган наслдир.

Она юртимиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қила оладиган зиёли кадрлар тайёрлаш, ёш замонавий мутахассислар учун қайгуриш келажак учун қайгуришдир. Ёшларда энг аввало миллий ғуурни уйғотишимиз керак деб ўйлайман.

Ўз ҳалқим, элим, давлатим деб ёниб яшайдиган кишиларни миллий ғуурга эга инсонлар деса бўлади. Ҳар бир ғуурли инсон ўз ҳалқи ва давлатининг дунёда обрў-эътиборли бўлишига ўз ҳиссасини қўшиши шарт.

Ғуур бу инсонни олға интилишга, ҳалқ учун, ватан учун жон куйдиришга мажбур қиласди, ҳар қандай тўсиқларни енгишга қодир, лозим бўлса жонини фидо килишга тайёр килиб тарбиялайди.

Миллий ғуури кучли бўлган ҳалқ ўз олий мақсадларига, фаровон ҳаётга тез эришадилар ва эришганлар.

Миллий ғуур бу асло миллатчилик эмас, балки инсонни ватанпарварликка рағбатлантирувчи, юксакликка бошловчи куч.

Ҳар бир ўзбек йигит-қизи ўзига ўзи савол бериши керак. Нима учун мен рус, инглиз, япон, америка, немис йигит ва қизларидек миллат ва давлат ривожига салмоқли ҳиссамни қўша олмайман. Менинг улардан нимам кам? Зоро, миллий ғуур ўзидан ўзи пайдо бўлиб қолмайди. Ғуурли инсонлар бахтилирлар. Инсон бу фоний дунёда яшаб ўтар экан, ўзидан яхши ном, яхши амаллар қолдириши лозим. Акс ҳолда яшамоқдан маъно йўқ. Яхшидан боғ қолади, савобли ишлар қолади. Ширин сўзлар қолади.

Давлат ривожини, ҳалқ фаровонлигини белгилайдиган омиллар ичida асосийси илму-фандир. Бобокалонимиз Амир

Темур ҳам, илм аҳлини эъзозлаганлар, ҳурмат-эътиборини жойига қўйганлар. Ҳозирги кунда баъзи йигит-қизларимиз миллий ғурур деганда ўз она тилимизда гаплашиш, ўқиш ва иш юритишни тушунадилар. Республикадаги барча миллат ва элатлар асосан ўзбек тилида сўзлашишлари ва ўқишилари шарт деб ўйлашади. Бу бир томонлама чегараланган фикр. Рус тили, инглиз тили ва бошқа тилларни билиш қандоқ яхши. Айтишади-ку бир тилни билсанг - бир одамсан, икки тилни билсанг икки одамсан ва ҳоказо. Бобокалонимиз Беҳбудий ўтган асрнинг бошларидаёқ, маърифатли одам энг ками тўрт тилни билмоғи жоизлигини таъкидлаб ўтганлар. Хоразмлик машҳур шоир Аваз Ўтар ўғли ҳам «ҳар тилни билув» ҳакида ёзганлар. Республикамизда истиқомат қилаётган юздан ортиқ миллат ва элатларнинг кўпчилиги ўзбек тилида bemalol гаплашади ва ёза олишади. Бу энг аввало ўзлари учун, жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун керак. Тўғри, республикамизда туғилиб ўсиб, ишлаб шу юртнинг нонини еб, тузини ичиб унинг тилини ўрганмаган, энг ачинарлиси ўрганишни хоҳламаган одамлар ҳам йўқ эмас. Бундайлар айтайлик, болтиқ бўйи республикаларида яшашса улар тилини тез орада ўрганиб олишга мажбур бўлишади. Ўзбекнинг бағри кенг. Айни чорда ўзбек бўлиб, ўз тилини дуруст билмайдиган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас.

Ҳозирги кунда тайёрланаётган, ўзбек тилини ҳам чала биладиган айрим мутахассисларимиз, кадрларимиз Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришга қай даражада қодир бўлар экан?

Буюк бобокалонларимиз ҳам илмий, бадиий асарларини, китоб-рисолаларини бутун жаҳон тан олган араб ёки форс тилларида ёзганлар. Бир ўйлаб кўринг: сиз, масалан, ўзбек тилида илмий мақола, монография, ёки дарслик чоп эттирдингиз дейлик. Қайси чет эллик олим

сизнинг асарларингизни ўқииди. Баъзилар кибр билан айтяптики, керак бўлса (оламшумул кашфиёт ёки илмий асар бундан мустасно, улар таржима қилинади) ўзлари таржима қилиб олишади, бу балким тўғридир. Лекин баланд мақомдаги кашфиёт қилиш учун бутун дунёдаги илмий ишлардан, кашфиётлардан муаллиф хабардор бўлиши шарт эмасми? Уларни ўрганмай туриб, бирор кашфиёт ёки янги технология яратиб бўлмайди, ахир!? Бунинг учун эса энг камида рус ва инглиз тилларини билиш зарур. Бизнингча, фақат шу йўл билан муҳандисларни, ёш олимлар ва магистрларни тайёрлашимиз жаҳоннинг етакчи мутахассисликлари билан бўйлашишимиз мумкин.

Қизик воқеа эсимга тушиб кетди: барча республикалар мустақил бўлгандан сўнг, Ўзбекистон Фанлар академиясига Латвиядан латиш тилида бир хат келибди. Тошкентдек шахри азимдан қидириб-қидириб латиш тилини биладиган бир одамни топишибди ва у хатни таржима қилиб берибди. Бунинг учун бир ой вақт сарф бўлибди. Хатда «бизларга стажировка учун бир ўрин беринглар» деб сўралган экан. Жавоб ҳам ўзбек тилида «агар аспирант ўзбек тилини билса, биз розимиз» деган мазмунда бўлибди. Хатни ўқимоқчи бўлган латиш биродарларнинг ҳолатини тасаввур этиш мумкин. Техника олий ўқув юртлари талабаларига, ўқитувчиларга бир неча тилни билиш ҳам фарз, ҳам қарз.

Мен яхши тушунаман шеъриятимиз, романчилигимиз, тарихимиз, пахтачилик, пиллачилик, қоракўлчилик ва шунга ўхшаган соҳалар тўғрисида асосан она тилимизда ёзилади. Лекин ҳеч бўлмаганда, магистратура босқичида умумтараққиёт билан боғлиқ кўпчилик соҳаларда (тиббиёт, физика, математика, биология, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, химия, техника ва ҳ.к.) дунё тан олган тилларда дарс ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Яна бир мисол: биз кўпчилик ўзбек зиёлилари ўзбек мактабини, сўнгра олий ўкув юртларининг ўзбек гуруҳларини тутатганмиз. Мактабда рус, инглиз тилларини, олий илм даргоҳларида эса фақат икки курс - рус тилини ўрганганмиз. Бу бизлар учун етарли эдими? Афсуски, йўқ! Билғанларимиз маърузаларни эшитиб, ёзиб олиш учун ҳамда дарсликларни ўқиб тушуниш учун етарли эди, холос. Лекин уларни рус тилида тўлиқ таҳдил қилиб гапириб бериш учун бу кам эди. Бунинг учун шароит керак. Мана бундай шароит биз, бўлажак муҳандислар учун 3-курсдан бошланган эди: Минск шаҳридаги икки ойлик амалиёт даври: хоҳланг-хоҳламанг ишчилар билан рус тилида мулоқотда бўлишга мажбурсиз. Киевдаги диплом олди амалиётлари даврида бизлар хаттоқи украин тилини ҳам ўрганиб олдик. Энди-чи? Амалиётлар ўз корхоналаримизда ва ўз она тилимизда пала-партиш номигагина ўтказиласяпти. Қўшма корхоналар фақат экскурсияга рухсат беришади. Бунақада бўлажак муҳандислар амалиётда нима ўрганишади? Ҳеч нарса! Энг ачинарлиси, маънавий бойлик-билим кучаймаяпти. Мен 1963 йили октябр ойида Москвага педагогик стажировка ўташ учун бордим. Бир куни домланинг котибаси Яна Яновна мулоҳимлик билан танбеҳ берди: «Сарвар ты на русском языке хорошо пишешь, но говоришь очень плохо. Ты еще не знаешь русского языка». Котибага тушунтирдим: «Ҳақиқатда ҳам, шундай. Ёзишни мактаб ва институтда яхши ўзлаштиранман. Лекин эркин мулоқот нисбатан кам бўлганлиги учун оғзаки нутқим ривожланмаган. Эга кесимни жойига қўйишга қийналаман» дедим. «Танқид»дан тўғри хулоса чиқариб, тинмай оғзаки нутқимни ривожлантиришга ҳаракат қилдим, машқлар олиб бордим. Котиба аёл бир йилдан сўнг менга «комплiment» қилди. «Сарвар молодец, теперь ты знаешь русский язык. Так как ты уже мыслишь на

русском и не занимаешься переводом своих мыслей, с русского на узбекский, потом наоборот». Бошқаларда ҳам шундай ҳолат учрагандир. Бу мен ўз она тилимни унутдим дегани эмаску?!

Ўз она тилим энг улуг тил сифатида доимо юрагимнинг тўрида, қонимда ва жонимда.

Биз зиёлилар истардикки: барча ёшларимиз энг камида 2 ёки 3 тилда бемалол ёзиш ва мулоқот олиб боришни билсалар. Шундагина Ўзбекистонинг мустақиллигини мустаҳкамлай олиш ва келажагини порлоқ қилишга салмоқли ҳисса қўшиш мумкин.

Мустақиллик шундай шарт-шароитлар яратиб бердики, кўпчилик олимларимиз бутун дунёдаги олимлар билан мулоқот ҳамда илмий мунозара олиб боришмоқда.

1985 йиллар. Домлам С.Е.Никитин билан Ўрта Осиё иклим - тупрок шароитларини хисобга олган ҳолда дарслик яратишни мақсад қилиб қўйдик, чунки бундай дарслик собиқ иттифоқда йўқ эди. Ҳамма хужжатларни расмийлаштириб, Республика олий таълим вазирлигига тақдим этдик (илтимоснома, асоснома ва ластур ҳ.к.). У ердан шундай жавоб бўлди: «Техника соҳасидаги дарсликларни фақат рус, украин, белорус олимларига ёзиш рухсат этилган, ўзбек олимлари эса пахтачилик ва ипакчилик соҳасида ёзишлари мумкин». Шу ерда тақдирга тан бериб, дарслик ёзмаслик ҳам мумкин эди, лекин миллий ғурур устун келди. Яна ўйладим, менга докторлик дарражасини ва профессорлик унвонини мамлакат ОАҚ-иси берган, рус олимларидан қаерим кам, уларнинг кўлидан келган иш бизнинг кўлимиздан ҳам келади-ку?! Олий таълим вазири номидан «обоснованиемиз»ни кўшиб Госкомиздатга мактуб йўлладик ва хуллас бир йиллик тортишувдан сўнг ижобий жавоб рухсат олдик. Шундай қилиб, ўзбек олимининг рус тилидаги

«Автомобильные и тракторные двигатели» номли дарслиги (30 босма табоқ) 1990 йилда чоп этилиб, техника олий ўкув юртлари талабаларининг қўлига тегди ва 2 йилдан сўнг ўзбек тилида шу дарслик қайта 5000 нусхада чоп этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, рус тилидаги дарсликнинг 300 нусхаси ўша даврда 15 давлатга, яъни чет элларга (Эрон, Ҳиндистон, Арабистон, Хитой ва бошқа мамлакатларга) сотилди. Ўзбек тилидагиси эса факат республика миқёсида тарқатилди. Мана бу муаммо тўғрисида бош қотириш лозим. Демак, тараққиётни белгилайдиган асарлар асосан ўзбек тили билан бирга рус ёки инглиз тилларида ёзилиши мақсадга мувофиқдир, чунки ундан бошқа тилларга ўтириш осон бўлади ва чет элларга тезроқ тарқалади. Японлар ҳам, жанубий курияниклар ҳам, ҳиндлар, мисрликлар ҳам асосий асарларни инглиз тилида чоп этадилар ва шу тилда университетларда магистрантларга дарс берадилар. Бу билан миллат шаънига дод тушмаяпти, аксинча бундай олиму педагоглар миллат тараққиётига хизмат қиласяптилар. Фикримча, бизнинг йўлимиз ҳам шу. Президентимиз ёшларимизнинг бир неча хорижий тилларни билишлари шартлигини қайта-қайта таъкидламоқдалар. Бу мақсадни амалга ошириш учун ёшларга керакли барча қулай шароитни яратиб бериш лозим. Барча университет ва институтлар бунга кафолат беришса яхши бўларди. Она тилимиз - ўзбек тилининг мустаҳкам пойдевори мактабларда қўйилиши, яъни унга бўлган талабни бир неча баробар ошириш зарур. Институт ва университетлар эса юқори босқич, у ерда чет тилларга катта йўл очиш мақсадга мувофиқ ва бу йўналиш Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлиши йўлида қўйилган яна бир қадам бўлади.

«АВЕСТО»ДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ

««Авесто»дек ўлмас асар яратилган тупроқ Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳурдир» дея таъкидлагандилар Юртбошимиз. Хоразмда ушбу битик яратилганинг 2700 йиллиги байрам қилиниши хусусида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг 1999 йил ноябридаги XXX сессиясида қарор қабул қилинди. 2001 йил «Авесто» йили деб эълон қилинди. Президентимиз Ислом Каримов 2000 йилнинг 29 марта имзолаган муҳим тарихий хужжатда «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни мавзусида халқаро илмий конференция ўтказиш, бу асарни мукаммал нашр этиш, дунёга тарқатиш, шу даврга оид асарлар ёзилишига, шунингдек кўплаб маданий-маърифий тадбирларга тайёргарлик кўришга кўрсатмалар берилганди.

Ҳозир жаҳондаги 23 та мамлакатда «Авесто»ни ўрганиш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Марказий Осиё халқларининг узоқ ўтмиш тарихи, улар яшаган жойларнинг табиати, ер усти ва ер ости бойликлари, аҳолининг турмуш тарзи, маданияти-маънавияти, урф-одат ва анъаналари баён этилган «Авесто»ни ўрганишга тараққийпарвар инсониятнинг қизиқиши, диққат-эътибори тобора кучайиб бораяпти.

Олимларнинг фикрича, Марказий Осиё халқларининг исломгача бўлган даврларда ҳам маданий ҳаётида илм-фан муайян даражада тараққий этган. Таълимда илоҳий фалсафа, илми-нужум, тиббиёт, ҳисоб, грамматика, тарих ва бошқа илмлар чукур ўрганилган. Аждодларимиз ҳаётида асосий ўрин эгаллаган зардуштийлик эътиқоди ва унинг битиги «Авесто» жаҳон халқлари маънавий маданияти ривожига ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. Қадимги шарқ донишманди

Зардушт тимсоли греклар воситасида Европа маданиятининг бисотига айланди. Эллин даврида кўплаб санскрит афсоналари Зардушт қиёфасида қайта дунёга келтирилган. Қайсики, уларда қадим Турон халқларининг колорити сақлаб қолинган. 1-2 асрлар антик муаллифи Диан Хриссост ёзган ривоятида, Зардўшт ҳақиқат излаб якка ўзи бир тоққа жўнайди ва у ерда унинг бошига осмондан улкан олов парчаси тушади. Бироқ Зардушт оловдан шикаст кўрмасдан донолик фазилатларига йўғрилиб чиқади.

Ривоятда Зардушт пайғамбар сифатида кўплаб кароматлар кўрсаттан. Осмон ва юлдузларга қараб одамлар тақдирини олдиндан башорат қиласидиган сеҳргарга айлантирилган. Олов олий маъбуд Ахурамазданинг ўғли даражасига кўтарилиганди.

Биринчи минг йилликнинг IV асирида Грецияда фалсафий йўналишида фаолият кўрсатган лигара мактаби файласуфи Эвклид зардуштийлик теологияянинг олий тушунчаси эзгуликни борлиқ билан уйғулаштириб, кўпдан-кўп ва хилма-хил нарсалар якка-ю ягона эзгуликка қарама-қарши туради, уларни ўзгармас ва ўз-ўзига тенг бўлган эзгу ҳақиқат, ақл, худо, деб номлади. Эрамиздан аввалти биринчи минг йилликнинг 427-348 йилларида яшаб ижод қилган юонон файласуфи Платон зардуштийлик таълимоти асосида идеалистик фалсафани янада ривожлантирди. Материалист файласуф, антик атомистиканинг асосчиси Гераклит ҳам зардуштийликдан учлик тамойилини олиб, амалиётда қўллаган, деган тахминлар ҳам бор. Дастрлабки яккахудолик дини зардуштийликни ва унинг «Авесто» китобини ўрганишга қизиқиш катта бўлганлиги учун бу асар жуда кўп тилларга ўтирилган. Анкеталь дю Перрон, Ж.Дармстетерлар француз, К.Коссович рус, Л.Майлс

инглиз, А.Христенсен немис, Иброҳим пур Довуд - форс тилларига таржима қилганлар.

«Авесто»да икки йўналиш: диний афсоналар ва фалсафий тафаккур асос қилиб олинган. Табиат кучлари, жамият ҳодисалари, инсоннинг аҳлоқий хусусиятлари илоҳийлаштирилган. Шу жиҳатдан унинг авлиёларга бағишиланган қасидаларини ва бошқа битикларни ўқиб таҳлил қилинганда, у ҳинд халқининг энг қадимги диний-фалсафий эпик достонлари «Маҳобҳорат» ва «Рамаяна» ларга мазмунан қиёсланадиган қадрият манбаи эканлиги маълум бўлди. Чунки «Авесто»да ҳам ҳукмдорлар, коҳинлар ҳокимиятини муқаддаслаштириш, шу билан бирга, ўша давр тузуми, уруғчилик негизларини улуғловчи халқчил поэтик хусусиятлар ўз ифодасини топган.

Зардуштийлик дини ва дунёқарашининг шаклланиши, унинг тарқалиши антик даврнинг ижтимоий-сиёсий, тарихий-иктисодий шароитлари билан чамбарчас боғлиқ. Қадим Турон заминидаги ҳар бир мамлакат, ҳар бир ҳудуд ўз дини ва эътиқодига эга эди. Масалан, Хоразм аҳолиси ассириялик босқинчилар олиб келган Молоҳ худосига эътиқод қиласади. Ўша давр одатларига кўра Молоҳга болалар ва катта ёшдаги кишилар қурбонлик қилинган. Қурбонликлар сони ер ҳосилдорлигини оширишни, ёмғир ёғишини сўраб, турли касалликларга назр-ниёз ва шу каби ҳар хил баҳоналар билан кўпайиб кетган. Бундай шафқатсиз, ёвуз маросимлар худоларга зарурлигини коҳинлар одамларга қанчалик тушунтирмасинлар, бу тадбир халқининг қаҳр-ғазабини оширган, норозилигини кучайтириб, кўзголонларга олиб келган. Марказий Осиёда қулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши аҳмонийлар салтанатида чекланган динларни - этник мансублигидан келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, барча кишилар сифинадиган кенг қамровли

дин билан алмаштиришни тақозо қиласы. Ушбу вазифани ҳал этган зардустийлик мавжуд мажусий динларни тартибиң солди, яхлит таълимот яратып, тез орада атрофға ёйила бошлади.

Машхұр шарқшунос олимлар В.Струве, М.Брагинский, И.Дьяконов, В.Луконин, С.Толстов, Б.Авдиев, М.Бойс, Э.Берзин ва шарқ мутафаккирлари Абу Райхон Беруний («Осорул-бокия»), Масъудий («Мурруж аз-изхоб»), Балхий («Форснома»), Балъамий («Тарихи Балъамий»)ларнинг фикрича, зардустийликнинг ватани Хоразм ҳисобланади. «Авесто»да Олий маъбуд Ахурамазда билан Зардустт ўртасидаги суҳбатда «О, Зардуст, мен бефайз масканни ўлкага айлантирдим. Энг аъло манзил ва мамлакат сифатида мен Ахурамазда сўзим Доитой дарёси бўйидаги Айриона Вайжони яратдим» деб, айтилган. Географик жиҳатларга кўра, бу қадими Хоразм ўлкаси. Хвейрезм-қуёшли замин маъносини англашиб, «Авесто»да билдирилган фикрларнинг аксарияти Хоразмда бўлиб ўтганлиги хабар қилинади. Ёвуз кучлар ҳомийси Ахриман зулм ўтказган юртлар қайд этилади. Шу билан бир қаторда, зардустийлик динининг асосчиси, пайғамбар даражасига кўтарилган Зардусттинг туғилган юрти тасвирланади. Иската (Скифия), Поурата (Парфия), Моуру (Марв), Суғдиёна, Хвейрезм (Хоразм) каби юртларнинг номлари келтирилиб, уларнинг табиати, иқлим шароитларини айтиш билан илоҳ Ахурамазда Хоразмда Зардустта кўриниш берган ўлка, деб тан олинади. «Авесто»нинг ўзида зардустийлик динининг биринчи «муқаддас олови» ҳам Айрйана-Вайжо, яъни Хоразмда ёқилганлиги тўғрисидаги хабар берилади. Шунингдек, зардустийлик Турон заминида таркиб топиб, сўнг Эрон ва бошқа мамлакатларга ёйилганлигини «Авесто»да келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Таъсир доираси кенгайиб ва шароитнинг ўзариши билан зардустийлик дини турли ижтимоий табақалар манфаатларига мослашиб борган. У сосонийлар даврида хукмрон динга айланган. «Авесто» сосоний Шопур II даврида тўла тартибга солинган. «Зонд Авесто» номи остида у қўшимча ва изоҳлар билан бойитилиб, китоб ҳолига келтирилади.

«Авесто»да илгари сурилган ғоялар аждодларимиз ҳаёти, турмуш-тарзи, урф-одатлари, диний эътиқоди ва ақидалари билан бир қаторда, тарих, фалсафа, диншунослик, манбашунослик, география, этнография, тиббиёт соҳаларини ўрганишда, ёшларимизнинг дунёқарашини ўстиришда биз учун ўта муҳим ва долзарблиги билан ғоят катта маънавий-маърифий қимматга эгадир.

Зардуст томонидан яратилган изчил таълимот, биринчи галда, ўша даврдаги давлат ва жамиятнинг сиёсий мақсадларини акс эттирувчи мукаммал мафкура бўлиб шаклланганлигини айтиб ўтмоқ муҳим.

Шу маънода, бу асар қадим аждодларимизнинг теран фикрларини, илк илмий хуносаларини бугунги авлодларга элтгувчи, ўтмиш билан келажакни туташтирувчи кўприкдир. Ўзлигимизни англашда, буюклика, эртанги кунга теран нигоҳ ва ишонч билан қарашимизда «Авесто» бизга бекиёс маънавий ва руҳий таянчdir.

Юртбошимиз раҳбарлигида истиқолол мафкураси ва миллий ғоя ўзгача ҳаётбахшилик билан ҳаётга тадбиқ этилаётган бугунги кунда халқимиз «Авесто»ни ўз она тилида ўқиш имкониятига эга бўлди. Шукронамиз шундаки, биз 2700 йил берида туриб, ўтмишимиznинг ноёб дурданасига мурожаат қилишдек баҳтга мушарраф бўлдик.

Такрор бўлса ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, «Авесто» ўзбек давлатчилигининг илдизлари нақадар узокларга

бориб тақалғанлигини асослаб берадиган, инсонларни өзгулик ва камолот сари етакловчи нодир асарадир. Миллий қадриятларнинг қайта тикланиши баробарида бу асарнинг қайта туғилиши - келгуси авлодларимизга муносиб тұхфадир десам, янглишмайман. Уларнинг ўз аждодлари әгаллаган илму-маърифат чўққиларини қайтадан забт этишларига ишончимиз комил.

АМИР ТЕМУР - МАЪНАВИЙ САРЧАШМА

Ўз вақтида Амир Темур ва унинг даври ҳамда темурийлар салтанати катта сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий қарашларни ўзида мужассамлаштирган. XIV-XV асрларда жаҳон тарихи ва сиёсат саҳнасида марказлашган давлатчилик, уни бошқариш, ҳар бир бажариладиган ишнинг адолатли ижро этилиши, ҳуллас инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиласидиган бутун бир тизим вужудга келди.

«Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатимнинг мартабасига зеб-зийнат бердим», дейди Соҳибқирон Темур. Амир Темур номи билан боғлиқ бўлган, унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари тўплами «Тузуки Темурий» (Темур тузуклари), «Воқаёти Темурий» (Темурнинг бошидан кечирганлари) каби номлар билан Шарқ ва Фарбда маълуму машҳурдир. Унинг кўлёзмалари айни пайтда мамлакатимизда ҳамда Англия, Франция, АҚШ, Финляндия, Дания, Эрон, Туркия, Миср ва Ҳиндистон каби бир қатор давлатларда сақланаяпти. Бундан ташқари жуда кўп хорижий тилларга таржима қилиниб, нашр этилган. Унинг машҳурлиги, дунёга кенг ёйилишининг боиси, давлатнинг идора қилиш тамойиллари, усувлари, армияни ташкил этиш ва жанг қилиш тактикаси каби қатор сиёсий-ҳуқуқий ва ҳарбий маслаҳатларга бойлигидадир. Президентимиз

таъкидлайдиларки, ҳар сафар «Темур тузуклари»ни ўқисам бутунги муаммоларга ҳам ечим топгандай бўламан.

«Темур тузуклари» Темур кодекси, яъни Темурнинг давлати ва уни идора қилиш қонун-қоидалари, тамойиллари тўпламидири. Ундан биз Ўрта асрдаги сиёсий қарашлар, қоидалар, қонунларни ўрганамиз.

Китоб асосан икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Соҳибқирон Темурнинг етти ёшдан то унинг сўнгти кунигача бўлган ҳаёти, сиёсий фаолияти тасвирланади. Бошқача қилиб айтганда, унинг Мовароуннаҳрда ҳокимиятни аста-секин қўлга киритиши баён этилган. Иккинчи қисмда эса Темурнинг шаҳзодаларга айтган панд насиҳатлари, ўгитлари ўрин олган. Унда давлатни идора қилиш, жангларнинг нозик санъат ва усуслари, вазир, амир ва бекларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тақдирлаш хусусида сўз боради.

Темур ўз тузукларida аниқ ва равшан қилиб, давлатни идора қилишда ўн икки тамойилга асосланганлигини баён этади. Соҳибқирон бу хусусда шундай дейди: мен ўзимча ўн икки нарсани шиор қилиб олдим ва салтанат мартабасига эришдим. Муваффакиятлар омили биринчидан, қонун-қоидаларига риоя қилганлиги, уни қўллаб-қувватлаганлигига эди. Унинг ўзи «Тузуклар»да шундай деб ёзади: «биринчи галда тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақтда ислом динини қўллаб-қувватладим». Темур ўз империясида унинг мафкурасини ҳам яратади. Бу эса Темурнинг нақадар ўткир сиёsatчи эканлигидан далолат беради. Навбатдаги иккинчи тамойил ҳам Темурнинг улуғлиги, донишмандлигидан нишона, яъни оммага, раиятга таянган ҳолда, уларнинг фикрини тинглаган ҳолда давлатни бошқариш. Учинчиси эса тадбиркорлик, эҳтиёткорлик, кенгаш, зийраклик билан иш кўришдир. Тўртинчи тамойил -

давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланиб, мулозимларига таянган ҳолда иш кўриш. Бешинчиси тамойил амирлар, тўралар, сарой аёnlари, сипоҳларни иззат ва хурмат қилиш. Олтинчи тамойил - адолат ва инсоф билан иш кўриш, гуноҳкорга ҳам, бегунохга ҳам раҳм-шафқатли бўлиш, «ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқариш». Амир Темур айтади: «Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказгандарни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгандарни хурмат қилиб, ёмон қилмишларини ёддан чиқардим». Еттинчи тамойил сайидлар, уламолар, оқилу донолар, муҳандислар, тарихчиларни эътиборли шахслар деб эъзозлаш, уларнинг фикрини билиш ва пайти келгандага маслаҳатлар сўраш.

Саккизинчи тамойил қатъият билан иш тутган, яъни ишни амалга оширишга қарор қилган бўлса, унга бутун вужуди билан киришган.

Тўққизинчи тамойил раият (оддий халқ) ҳол-аҳволидан доимо огоҳ бўлган. Уларнинг улуғларини оға қаторида, кичикларини эса фарзанд қаторида кўрган. Ҳокимлар, сипоҳлар томонидан раиятга жабр зулм етказилган бўлса, уларни адолат, инсоф юзасидан жазолаган.

Ўнинчи тамойил - турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифаларидан ўз паноҳига кирган кишиларни мурувват, эҳсон, иззату икром билан қабул қилган ва дўстликни улуғлаган.

Ўн биринчи тамойил фарзандлар, қариндошлар, ошналар, қўни-қўшнилар ва дўстларини давлат мартабасига эришгач ҳам унутмаган.

Ўн иккинчи тамойил дўст-душманлигига қарамай, сипоҳийларни хурмат қилган. Чунки, - дейди у, - улар боқий бўлмаган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини майдонга, ҳалокатга отиб, қурбон қиласидилар.

Кўриниб турибдики, тамойилларнинг ҳар бири жамият учун, унинг порлоқ келажаги, юксак мавқеда бўлишида муҳим рол ўйнайди Амир Темур давлат мустаҳкам қонунга асосланган пойдевор асосида қурилмас экан, ундаи салтанатнинг шукухи, куррати йўқолишини, бундай давлат яланғоч одамга ўхшаб қолишини кўп маротаба таъкидлаб ўтади.

Яна бир оқилона тадбирларидан бири Амир Темурнинг «келин танлаш» одатидир. Бу бир оддий кўринишга эга бўлган тадбирнинг замирада бутун бир миллатнинг келажаги ётганлигини ўз вақтида ҳар қандай хукмдорлар ҳам англаб етавермаган. Амир Темур келин танлашда жуда зийраклик, донолик ва оқилликни кенг қўллаган. Унинг наздида келин насл-насаби, соғ, ақл фаросатли, билимли, вафодор, меҳрибон аёл бўлиши кераклигини айтиб ўтади. Чунки тўқиз ой она вужудида ўсиб-улғаядиган гўдак ўша аёлдан озуқа олади, ўша аёл орқали тинглайди, сезади, маънавияти ва табиати шаклланади. Бу эса бутун бир миллатнинг шаклшамойилини белгилаб беради. Албатта у ҳақ эди. Тарихдан маълумки, Соҳибқирон эътиrozига қарамай, Халил Султон чўрининг қизи Шодулмулкбегимга уйланади. Алалоқибат, Темур тузган салтанатнинг парчаланиб кетишига бу аёл «каттагина» ҳисса қўшади. Амир Темур яна ҳукуматнинг келажаги, тақдирини ўйлаган ҳолда муҳим бир тадбирни кенг қўллашни тарғиб этади. Бу тарғиботи бизнинг таъбиримиз билан айтганда, кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишдан иборат. Амир Темур салоҳиятли ва удабуррон вазир ва амирларни танлашга катта эътибор беради. Унинг фикрича, вазир бўлишга даъвогар шахс тўрт сифатга эга бўлиши керак. Биринчиси асилий, тоза насллик; иккинчиси ақл-фаросатлий; учинчиси сипоҳи раият аҳволидан огоҳлик; тўртинчиси-хушмуомалик, сабр чидамлийк ва

тинчликсеварлиқдир. Кимда-ким ана шу түрт сифатга эга бўлса, уни вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинлаш мумкин деб ҳисобланган.

Амир Темур муҳим масалалардан бўлган давлатнинг уч белгиси хусусида жуда аниқ ўз фикрини билдиради. «Давлату салтанат мулк, қонун қоида, лашкар билан тирикдир». Бундан аниқ кўриниб турибдикни давлатни хазинасиз, лашкарсиз, қонунсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Президентимиз олиб бораётган сиёсат ҳам бунга ҳамоҳангдир.

«Ҳазрати пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.)дан (унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин) сўрабдилар: «агар сиз набий ва расул этиб юборилмаганингизда қайси иш билан шуғулланар эдингиз? «Улар шундай деб жавоб беридилар: Султонлар хизматида бўлиб, Тангри таолонинг бандаларига фойда ва яхшилик етказар эдим».

ҒАФУР ГУЛОМ СИЙМОСИ

Шундай инсонлар бўладики, улар эзгуликка, мангуликка дахлдор ишлари билан тириклигига ёқ ўзларига ҳайкал қўядилар. Чин инсонийлик фазилатлари билан доимо эъзозланадилар. Ҳеч шубҳаланмасдан оташнафас шоиримиз Ғафур Гуломни шундай инсонлар сирасига қўшган ҳолда руҳи-поклари олдида таъзим қиласиз.

Адабиётнинг наслию, назмида қалам тебратган адабимизнинг бир ўзбек шоири сифатидаги одамийлик хислатларининг ўзиёқ бир олам.

F.Гулом бизга жуда катта адабий мерос қолдирганки, биз уларни ўрганмоғимиз ва келажак авлодларга етказмоғимиз лозим.

Улуғ шоир Ғафур Гулом 1903 йил 10 майда Тошкент шаҳрининг Қўрғон тепа маҳалласида деҳқон оиласида

туғилған. Отаси Фулом Мирза Ориф ўғли ва онаси Тошбиби Юсуф қизи ўқимишили, зеҳнили, адабиётта иштиёқи баланд кишилар бўлган. Шоир ўзи ёзган таржимаи ҳолдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, унинг оиласи кичик адабий мұхитни эслаттан. Faфур Гуломнинг саводи эрта чиққан, у саккиз-тўқиз ёшлигига Навоий, Саъдий, Фузулий асарларини чукур ўрганган. Афсуски, шоир ота-онадан эрта ажради ва унинг зиммасига оила боқиши ташвиши туши. Алалоқибат, у олий ўқув юртларида таҳсил ололмади. Фақат саккиз ойлик муаллимлар тайёрлов курсида ўқий олди, халос. Ёшларимизга яна бир ибратли томони, у мустақил ўқиши, изланиши орқали замонасининг илфор, етук зиёлиси даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва Ўзбекистон халқ шоири бўлди.

Айни вақтда олий таълим муассасаларида ёшларимизга ўқиш учун барча шароитлар яратилган бўлсада, уларнинг баъзилари таҳсилга панжа орасидан қарашади. Улар учун энг мұхими қандай қилиб бўлса ҳам баҳоларни олиш, сессияни ёпиш ва дипломга эга бўлишдан иборат. Мутафаккир шоирнинг энг кучли ўқитувчиси ҳаёт ва матбуот бўлди. Ҳозир отасининг эркатойлари бўлган баъзи ёшлар на ҳаётни ўрганишади, на матбуотни ўқишиади. Қизиқиб кўрсам, «бойвачча талабаларимиз» ўқишдан кейин ўз уловида кафема-кафе, дискотека кезиб, «суюқоёқ» қизлар билан кўнгил хушлик қилиб вақт ўтказишади. Мансабдор ота эса бунга парвойи палак. Ахир шундай давом этаверса ҳалиги шоввознинг келажаги нима бўлади? Амаллаб дипломга ҳам эга бўлди дейлик. Эртага у қаерда ишлайди. Қовоқкалла «кадр» кимга керак? Айтмоқчиманки, азиз ҳамкасларим, бу аянчили ҳолга бефарқ қарамасдан, бугунги кун эркатойларининг танобини тортиб қўяйлик. Агарда шунда ҳам аҳволи ўнгланмаса, улардан воз кечайлик. Ахир

мақсадимиз саводсиз кадрларни эмас, балки баркамол мутахассисларни тайёрлашдир. Сизга айтсам, Faфур Fулом сингари, миллат ифтихорларининг ҳаёт ва фаолиятини ўрганиш ёшларимизни илм чўққилари сари дадил ва событқадам боришга ундаиди ва «Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун, Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз» лигини англашга чорлайди.

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ

Озод Шарафиддинов Ўзбекистон каҳрамони, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, машҳур адабиётшунос олим, мураббий, публицист ва таржимон.

Озод Шарафиддиновни билмайдиган, китоб, мақолаларини ўқимаган, суҳбат ва интервьюларидан баҳраманд бўлмаган зиёли мамлакатимизда топилмаса керак.

Озод Шарафиддинов адабиётшунос, танқидчи, педагог, мақоланавис ва таржимон сифатида маълум ва машҳурдир. Озод аканинг «Ҳаёт. Қалб. Поэзия», «Биринчи мўжиза», «Талант халқ мулки», «Ялавбардорлар», «Истиқлол фидоийлари», «Чўлпон», «Абдулла Қаҳҳор», «Сардафтар саҳифалари», «Маънавий камолот йўлларида», «Президент» каби йигирмадан ортиқ китоблари, газета ва журналларда эса муентазам чоп этилган мақолалари, радиода эшииттирилган, экранда намойиш этилган суҳбатларидан нафақат филологлар, адабиётшунослар, балки турли соҳа мутахассислари баҳраманд бўлишган.

Озод Шарафиддинов мана ярим асрдирки, адабий жараёнга муентазам ва фаол қатнашиб келмоқдалар. Ўзбек адабиётида бирор мухим воқеа, янги асар йўқки, бу олим фикрини айтмаган, муносабат билдиrmаган бўлсин. Чўлпон,

Қодирий, Фитрат, Ойбек, Фофур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода, Зулфия, Файратий, Одил Ёқубов, Асқад Муҳтор, Пиримқул Қодиров, Сайд Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Дадаҳон Нурий, Ўткир Ҳошимов ва бошқа таникли ижодкорлар ҳақида Озод ака портрет ва очерклар, мақола ва тақризлар ёзганлар. Ўзларининг дадил, ўткир, холис ва ҳаққоний сўзини айтганлар. Серқирра бу олим Михаил Шолохов, Мухтор Аvezov, Расул Гамзатов, Чингиз Айтматов, Мирзо Турсынзода, Мустай Карим, Азиз Несин каби жаҳонга машҳур адиллар ижоди ҳақида ҳам мароқли тадқиқотлар яратганлар. Озод Шарофғидиновни машҳур таржимон сифатида ҳам биламиз, у киши ўғирган бир қанча китобларини ўқиганмиз, кинофильмларни кўрганмиз. Лев Толстойнинг «Иқрорнома»си, Буничнинг «Партия олтинлари» асарларини, «Жаҳон адабиёти» журналида қилган таржималарини эслайлик.

Озод Шарафиддинов кейинги йилларда публицистика соҳасида ҳам самарали ижод қилмоқда. Бирор ҳафта йўқки, Озод аканинг газета, ё журналда ўткир мақоласи чиқмаган, радио, телевидениеда қизиқарли, мазмунга бой суҳбати кетмаган бўлсин. «Ўзбекистон овози» газетасининг тўрт сонида босилган меҳр-мурувват ҳақидаги мақоласи ҳамманинг эътиборини тортди, манзур бўлди. Озод аканинг мақола, чиқишлари дадиллиги, ўткирлиги билан ажralиб туради. У кишининг «Салмон Рушдийга очиқ ҳат» мақоласи ҳам жамоатчилик томонидан қизиқиш билан ўқилди. Яна шунга ургу бермоқчиманки, Озод ака «Китобсиз яшаб бўлмас» мақоласида ҳам кўпчиликни ўйлантирган муаммоларни тилга олган, нафақат тилга олган, шу билан бирга муаммонинг илдизига етган, ечимларини кўрсатган, куйиб ёзган, куюниб ёзган.

Озод Шарофиддиновнинг ушбу мақоласидан сатрлар келтиримоқчиман «Китоб ўқимаслик ҳаётда муқаррар тарзда чала муллаликка, маърифатсизликка, жоҳилликка олиб келади. Булар эса ўз навбатида лоқайдликни, фикрсизликни, маънавий қашшоқликни туғдиради. Бу сифатлардан манкуртликгача ораси бир қадам, холос. Шундай ҳолларда ўз-ўзимга, эй биродар-ей, мунча куймасанг, бир тўп ёш-яланг китоб ўқимаса ўқимабди-да. Шунга ҳам ота гўри - қозихонами?... дегим келади. Қўлимни ювиб, қўлтиғимга уриб қўя қолсамми деган хаёлга бораман. Лекин бундай қилиб бўлмайдида. Чунки бутунги кунда менинг китоб ўқишим, сенинг китоб ўқишинг, унинг китоб ўқиши тафаккуримиз, маънавий дунёмиз шахсий иш бўлмай қолди-да!» Албатта, китоб маънавият қалити, илм хазинасиdir.

Озод ака «Жаҳон адабиёти» журналининг бош мұхаррири сифатида ўқувчиларини жаҳон адабиётининг энг нодир намуналари билан таништириб келмоқда.

Профессор Озод Шарафиддинов 40 йилдан ортиқ Ўзбекистон Миллий университетида ўзбек адабиётидан сабоқ бердилар. Юзлаб шогирд, шоиру ижодкорлар ундан таҳсил олишган.

«Матонат ва муҳаббат» китобида у киши ҳақида топиб айтилган ушбу фикрларни айнан келтираман: «Озод Шарафиддинов мақоладан мақолага, китобдан китобга юксала борди, мамлакатимизнинг машхур олими, улкан жамоат, маданият арбоби, давримизнинг энг билимдон кишилардан бири, халқнинг виждони даражасига кўтарилид. Мен мардона, чинакам, ҳақиқатгўй олимга мисол келтириш зарурияти туғилса, биринчи навбатда шу олимнинг номини тилга оламан».

Тўғри сўз, ростгўй, ҳақиқатни дадил айтишдан тап тортмайдиган, шижаоти ҳали ҳам ёшларникидек Озод ака Президентимиз таъбири билан айтганда, ирода ва матонат тимсолидир.

Озод Шарафиддиновнинг катта хизматлари хукуматимиз томонидан муносаб тақдирланди: Уларнинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби; Беруний мукофоти совриндори; «Буюк хизматлари учун» ордени ва «Ўзбекистон қаҳрамони» фахрий унвонлари билан тақдирланиши - фикримиз далилидир.

Озод Шарафиддинов ҳозир ҳам катта-ю кичикка ибрат бўларли даражада фаол ва сермаҳсул ижод қилмоқдалар, янги-янги асарлар яратмоқдалар. Биз машхур қомусий олим, маънавият арбоби Озод Шарафиддиновга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, янги ижодий парвозлар тилаймиз.

ЯХШИЛИК ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ

Дунё сирларини теран англасак, шунчалик ожизлигимизни ҳис қиласми! Қуръони каримни бир неча бор (рус ва ўзбек тилларида) 1964 йилдан бери такрор-такрор ўқиб ўзимга-ўзим саволлар бераман. Нима учун Оллоҳ Одам ато ва Момо Ҳаввони яратди? Бу ҳақда сўз очиш асло Оллоҳга шак келтириш эмас!!! Фикри ожизимча инсонлар яшаш баҳти нима эканлигини, азоб-уқубат нима, яхши-ёмон нима, қоронғу дунё билан ёруғ дунёни фарқи нима, кундуз ва тунни ажратмоқ учун яратилганлар. Бақара сурасининг 164 оятида, «Албатта, осмонлар ва Ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, одамлар учун фойдали нарсада, Аллоҳ осмондан тушириб, у сабабли зотларни унда (ерда) тарқатиб қўйишида, шамолларни (турли томонга) йўналтиришда ва осмон билан ер орасидаги итоатли булутда ақлни ишлатадиган кишилар учун аломатлар (Аллоҳнинг

қудратига далиллар) бордир» дейилади. «Имкони бўлса бу дунёга келмас эдим» - дейдиганлар ҳам бор. Бу энг осон йўл. Унда ҳеч кимга нафи тегмайдиган инсон жонсиз тошдан нимаси билан фарқ қиласди. Дунёдаги барча нарса Оллоҳ томонидан яратилган (заррадан тортиб баҳайбат китларгача, тогу-тошлар, еру-осмон, сайёralар, ойу-қуёш ва ҳ.к.). Бу ҳайротомуз мўжиза. Инсон қанча баланд чўққиларга эришмасин бир кун келиб ўзининг ожизлигини тан олишга мажбур. Оллоҳ назарида биз бир заррамиз. Лекин ҳаётга келдикми, демак секин-аста улғайиб улуғ мақсадлар сари событқадамлик билан илгари қараб ҳаракат қилишимиз шарт. Фақат овқат топиб, еб ухлаб жамиятга бирор нафи тегмас мавжудот инсон эмас, балки одамсимон махлукдир, холос. Бундай одам шаклидаги мавжудотлар ҳаётда тез-тез учраб туради.

Бақара сурасининг 201 ва 202 оятларида дейилади. Яна шундайлари борки, улар «Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин», - дейдилар. Айнан ўшаларга қилган ишларидан насиба (савоб) бордир. Аллоҳ тез ҳисоб (китоб) қилувчиидир.

Ўзингиз бир фикр қилинг Инсоният тарихида неча миллиардлаб одамлар бу дунёга келди-кетди. XXI-асрга келиб қандай инсонлар тилга олинмоқда. Биринчи галда Оллоҳнинг элчилари Пайғамбарлар. Улардан сўнг жамият учун хизмат қилган инсонлар - Искандар Зулқарнайн, Амир Темур, И мом Бухорий, Ат-Термизий, Накшбанд, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа олимуму-фузало аждодларимиз. Демак инсон яшар экан, у ҳалқи учун, жамият учун фойдали меҳнат билан шуғулланмоғи, Ватан дарди билан яшамоғи зарур. «Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади» деб бекорга

айтишмайди. Инсон ўзининг Оллоҳнинг буюк инояти эканлигини, бу дунё синов дунёси эканлигини, яшашдан мақсад: савобли ишлар қилиш эканлигини билиб яшамоги мақсадга мувофик.

Хуршид Дўстмуҳаммад «Озод изтироб қувончлари» китобида ёзишича, «инсоннинг табиати муттасил билишга интилади, кашфиёт йўлларини излайди. Кашфиёт жараёни шу қадар роҳат ва ҳузурбахшки қалб ва шуур соҳиби бу йўлда ҳеч қандай машаққатдан қайтмайди».

Одам ўзининг гап сўзи, фикр-мулоҳазалари, яшаш тарзи ўзгалар учун фойдали эканлигини билишининг ўзи улкан саодат. Ана шу саодатнинг ўзи бандасини ҳақиқатга яқинлаштиради.

Умр-ғанимат, кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Яхшиликларнинг аввали: ҳамма нарса ўткинчи ва ўзгарувчандир, лейди Букрот.

Масалан: ҳозирги авлод, буг машинасидан тортиб космик кемани ихтиро қилганларни ифтиҳор билан тилга олади. Радио, телевидение, ЭҲМларни яратганлар-чи? Таҳсинга сазовор эмасми, уяли телефончи? Ўзингиз бир тасаввур қилинг, инсон заковати билан яратилган нарсалар бир кунга йўқ бўлиб қолса нима бўлади? Биз Оллоҳ таоло яратган бирламчи ҳолимизга тушамиз: яъни қип ялонгочмиз, ерда тупроқ устида яланг оёқда турибмиз, тепамизда осмон ва қуёш чақнаб турибди. Қоринни тўйғизмоқ учун энди ҳаракат бошлаш керак, битта яримта бизга ўхшаган жонзот кўриниб қолса, масалан, қўй: уни тутиш керак (мехнат), тутдик ҳам дейлик уни қандай сўймоқ керак? Пичоқ йўқ. Атрофда фақат тош...

Оллоҳ, демак, инсонларни ерга синаш учун ҳам юборган. Қани уларнинг қўлидан қандай ишлар келади? Худога шукрки бундан бир неча миллион йил олдин дунёга

келмаганмиз. Ким бўлар эдик ва қандай яшардик? Фақат Оллоҳга аён! Оллоҳга шукрлар бўлсинким, бизга XX асрда дунёга келиш насиб этди. Тайёрга-айёр! - десам ҳам бўлади. Афсуски қўпчилигимиз Оллоҳ яратган ва инсоният қўли билан барпо этилган неъматларнинг қадрига етмаяпмиз. Айримлар ўзини ёввойи маҳлуқлардай тутмоқда. Атрофдаги гўзал табиатга зиён етказиб, инсон заковати билан яратилган баъзи ноёб нарсаларни бузиб-вайрон қилмоқда. Бу эса уларнинг маънавияти пастлигидан далолатdir. Шунинг учун бўлса керак, Президентимиз маънавиятни давлат сиёсатига айлантиридилар. Маънавиятсиз, маданиятсиз Инсонни маҳлуқдан фарқи бўлмайди. Ўзбек ҳалқининг энг катта бойлиги маданий ва маънавий бойлик. Афсуски кейинги йилларда бозор иқтисодига ўтиш даврида, айрим ёшларимизда бу бойликларнинг қадрига етмаслик кузатилмоқда. Бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Мақол борку, обрў мисқоллаб, йиллар давомида йифилади ва бир сонияда йўқотилиши мумкин. Маънавиятимиз ҳам шундай.

Энди техника соҳасининг келажаги ҳақида икки оғиз сўз... Техника соҳаси бўйича Президентимиз стипендияларига талабгор талабалар, магистрантлар, аспирантлардан конкурсда қатнашиши учун нечта хужжат тушмоқда ва улардан нечтаси шу номга лойиқ, яъни охирги танловга қўйилди? 3-4 та холос... Техника соҳаси бўйича нечта ёш фан доктори ва фан номзоди тайёрланди? Афсуски, талаб даражасида эмас - жуда кам. Мен ният қиласи, Президенти стипендиясига техника олий ўқув юртларидан келажакда энг камида юзлаб талабгорлар бўлади... Бу ёшлар эса Ўзбекистоннинг келажагини порлоқ қилишига иймоним комил. Бунинг учун Республикаизда барча шароитлар яратилган.

МУНДАРИЖА:

1. Маънавият нима?	3
2. Мустақиллик ва маънавият	6
3. Маънавият моделининг ўзига хос қирралари	15
4. Комил инсон ва комиллик	21
5. Ҳаётни ўрганмасдан туриб	28
6. Устоз ким, шогирд-чи?	36
7. Кўрар кўзларнинг нури илмандир	42
8. Замонавий олим: ким у?	51
9. Миллий урф-одатлар ва замонавийлик	61
10. Маънавий глобаллашув.....	67
11. Китобсевармисиз ёки китобсуяр?	72
12. Конституцион хуқуқ ва бурчларингизни биласизми?.	74
13. Дин-маънавий ҳодиса	79
14. Фуурсиз яшаб бўладими?	84
15. «Авесто»дан таралган зиё	92
16. Амир-Темур – маънавий сарчашма	97
17. Фофур Гулом сиймоси	101
18. Озод Шарофиддинов	103
19. Яхшилик қилишга шошилинг	106

Сарвар Қодиров

Илм ва маънавият

Бадиий-публицистик ва илмий-оммабоп нашр

Муҳаррирлар:	Ш.Қораев; Э.Комилов
Бадиий муҳаррир:	Х.Дўстмуҳаммад
Техник муҳаррир:	И.Ҳабибуллаев
Мусахҳих:	М.Маҳкамова

© Зарқалам нашриёти

Босишига рухсат этилди 07.06.2004 Қоғоз бичими 60×90_{1/16}

Резография усулда босилди. 5 босма табоқ.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 244-в

Тошкент автомобил-йўллар институтининг
босмахонасида резография усулда чоп этилди

Босмахона манзили: Тошкент шаҳар,
Мовароуннаҳр кўчаси, 20 уй.